

З. Чориев Т. Аннаев Б. Муртазоев  
Ж . Аннаев



Ал-Ҳаким ат – Термизий

XXI аср авлоди Тошкент – 2008

Маъсул муҳаррир: тарих фанлари доктори,  
профессор, Ш.Воҳидов.

Тақризчилар:

филология фанлари номзоди, Р. Абдуллаев.  
тарих фанлари номзоди, Ш. Раҳмонов.

МУНДАРИЖ А

Кириш.

Биринчи қисм.

Ал–Ҳаким ат–Термизий ҳаёт йўли ва илмий – фалсафий мероси.

1. Қадимий Термиз – йирик илм ва маданият маркази.
2. Ал–Ҳаким ат–Термизий фаолияти ва илмий меросининг ўрганилиши тарихи.
3. Ал–Ҳаким ат–Термизий ҳаёт йўли.
4. Ал–Ҳаким ат–Термизий устозлари ва шогирдлари.
5. Ал–Ҳаким ат–Термизий яратган асарлар рўйхати.
6. Ал–Ҳаким ат–Термизийнинг нашр этилган асарлари.
7. Ал–Ҳаким ат–Термизий илм – фан тўғрисида.
8. Ал–Ҳаким ат–Термизийнинг фалсафий мероси.

Иккинчи қисм.

Ал–Ҳаким ат–Термизий мақбараси.

1. Ал–Ҳаким ат–Термизий мақбараси ҳудуди – мақбара шакллангунга қадар.
2. Ал–Ҳаким ат–Термизий мақбарасининг қурилиш босқичлари.
3. Ал–Ҳаким ат-Термизий қабр тошидаги ёзувлар.

Хулоса.

Изоҳлар.

Адабиётлар рўйхати

### Кириш

Истиқлол халқимизнинг бой маънавиятини қайта тиклади, натижада биз Ватанимиз ҳудудида туғилиб вояга етган ва йирик олим даражасига кўтарилиб жаҳон фанига муносиб ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг диний – фалсафий меросидан баҳраманд бўлмоқдамиз. Ўтмиш аждодларимизнинг ибратли ҳаёт йўли ва серқирра илмий фаолияти миллий қадриятларимизни чинакам бойитган бебаҳо хазинадир. Ана шу беқиёс хазина равнақида Ватанимизнинг қадим ва навқирон Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз (Кеш), Тошкент ва талай жаҳонга донғи кетган шаҳарлари қаторида Термиз шаҳрининг ҳам алоҳида ўрни бор. Термиз қалъаси Ўкуз – ҳозирги Амударё соҳилида қад ростлагандан буён бу шаҳар мозий бағрида рўй берган кўплаб воқеаларга гувоҳ бўлиб келди. Ана шундай қадим тарихимизнинг залворли юкларини ўзида пинҳон тутган сирли Термиз шаҳрида жаҳонга машҳур буюк алломалар таваллуд топган.

Юртбошимиз И. А. Каримов 2002 йилнинг 3 апрелида Термиз шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимда фахру – ғурур ва чуқур қониқиш ила айтган ушбу сўзлари ҳам бунинг исботидир: “Бу қадимий диёрда яшаб ўтган беназир аллома Ҳаким Термизий, Ислом дунёсида олти буюк муҳаддидан бири сифатида тан олинган Имом Исо ат – Термизий, мумтоз шоир Собир Термизий, муаррих Самандар Термизий каби ўнлаб улуғ аждодларимиз, азиз – авлиёларнинг муътабар номларини халқимиз ҳурмат – эҳтиром билан тилга олади”.

Мутафаккир Алишер Навоий шариат ва тариқатда “машайихи кибор” (улуғ шайх), тасаввуф илмида “дурри ятим” (ягона дур) деб таърифлаган Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн ал-Ҳасан ибн Башир ибн Ҳорун ал-Ҳаким ат-Термизий худди шундай беназир алломадир.

Ҳаким Термизийнинг илмий мероси улкан бўлиб, алломанинг китоб ва рисолалари жаҳон мамлакатларининг турли кутубхоналарида сақланмоқда. Ушбу асарларнинг номлари ва манзиллари аниқ. Бу китобларнинг нашри ва тадқиқоти борасида чет эл олимлари эътиборга молик ишларни амалга оширдилар ва мамлакатимизда ҳам бу йўналишда диққатга сазовор ишлар қилинмоқда. Замонасининг улуғ тариқат пешвоси яратган асарлари ва ислом йўлидаги собит иродаси туфайли қатор диний унвонларга ноил этилди. Аллома ўзининг айрим рисолаларида, чунончи, “Баён ул-касб” да муҳаддис, “Китоб ал-фуруқ” да хофиз, “Илм ал-авлиё” да зоҳид, “Адаб ан-нафс” да имом, “Таҳсил назоир ал-Қуръон”да ал-муаззин унвонларига эгалигини эслатиб ўтади. Бундан ташқари у алломаи замон қуйидаги унвонларга мушарраф бўлган: саййид, хожа, муфасссир, ориф, шайх, вали, ҳаким. Бу унвонларни ул зоти олийларининг оромгоҳлари пештоқидаги битиклар ҳам тўқис тасдиқлайди. Унда “Марқад аш-шайх ал-имом ал-ориф ал-вали Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ал-Ҳаким ат-Термизий” – деб ёзилганини ўқиймиз.

Ал-Ҳаким ат-Термизий мақбараси қарийб ўн бир асрким қутлуғ зиёратгоҳ вазифасини ўтаб келмоқда. Шу боис XVII асрнинг таниқли тарихчи-географ олими Маҳмуд ибн Вали таъкидлашича,

Термизда икки ракаат дуои – фотиҳани бажо келтириш ўзга жойларда тиловат этилган етти юз ракаатга тенг келар экан.

Ал–Ҳаким ат–Термизий яна “Содот ул–машойих” (сайидлар шайхи) нисбаси билан ҳам аталиб эл орасида аксар “Ҳаким” унвонида танилган. Ҳаким Термизий “Таҳсил назоир ал–Қуръон” асарида “ҳаким” калимасини қуйидагича изоҳлайди: “Ҳаким–илмнинг ички томонини тушунувчи демакдир”. Қолаверса, Фаридиддин Аттор “Ҳаким ул–авлиё” (Авлиёлар донишманди), Баҳоуддин Нақшбандий “Қудват ул–авлиё” (Валийлар маёғи), Шайх Рукнуддин Симноний “Бидоят ул–авлиё, ниҳоят ул–анбиё” (Авлиёларнинг бошланиши, пайғамбарларнинг охири) дея Ҳаким Термизий васфида мақтов ва олқишлар айтган. Ҳаким Термизий машҳурлик оламига “Ҳаким” нисбаси ила кириб келган. IX асрда Ислом дунёсида тан олинган ўнта тариқатдан бири “ҳакимия” тариқатининг асосчиси ҳам Ҳаким Термизийдир.

Сурхондарё вилоятида, шу жумладан Термиз Давлат университетида ал–Ҳаким ат–Термизий ва аллома яратиб қолдирган улкан меросни ўрганиш борасида эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилди. 2004 йилда “Ал–Ҳаким ат–Термизий ва унинг даври” мавзусида Халқаро илмий анжуман ўтказилди. 2006 йилдан Сурхондарё вилоят ҳокимлигининг ташаббуси ва бевосита қўллаб–қувватлаши туфайли ал–Ҳаким ат–Термизий дафн этилган меъморий мажмуа илмий йўналишда яратилган лойиҳа асосида таъмирланмоқда. Мақбарани таъмирлашга тайёрлаш муносабати билан унинг атрофида кенг кўламда археологик қазув ишлари амалга оширилди. Термиз Давлат университети археологик гуруҳи

томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижасида мақбара бунёд этилган жой тарихи ва мақбара мажмуининг шаклланишини оидинлаштирувчи кўплаб ашёвий манбалар тўпланди.

Китобхон ҳукмига ҳавола этилаётган ушбу асар ал—Ҳаким ат—Термизий мероси ва аллома номи билан боғлиқ меъморий иншоот тарихини ўрганиш соҳасида амалга оширилаётган хайрли ишларнинг бир дебочаси ҳисобланади.

### **Биринчи қисм.**

#### **Ал—Ҳаким ат—Термизий ҳаёт йўли ва илмий—фалсафий мероси.**

##### **1. Қадимий Термиз—йирик илм ва маданият маркази.**

Қадимий Турон тарихини ва бу минтақа халқларининг маданий тараққиётини Термиз шаҳрисиз тасаввур қилиш қийин. Бу қадимий шаҳар ўз тараққиёти босқичида бир текисда ривожланмади, балки босқин, талон—тарож ва ўзаро низолар майдонига айланди. Аммо шунга қарамасдан неча минг йиллар давомида ушбу шаҳар ўз номини сақлаб қолди.

Ўрта Осиёнинг азим дарёси Амударё соҳилида бир неча юз гектар майдонда ястаниб ётган Термиз ўрнидаги энг қадимги қишлоққа милоддан аввалги биринчи минг йиллик ўртасида, яъни давримиздан икки ярим минг йил муқаддам асос солинган. Македониялик Искандар (Александр Македонский, 356—323) милоддан аввалги 329—327 йилларда Трансоксиания (Амударё ва Сирдарё оралиғидаги ҳудуд)ни эгаллаш давомида даставвал Тармита (Термиз)нинг аҳоли яшаган қисмини мустаҳкам қалъа—шаҳарга

айлантиради. Шундан сўнг бу шаҳар Окс бўйи (соҳили)даги Искандария ёки Оксдаги Искандария–Окс Искандарияси деб номланади. Айти шу даврдан бошлаб ҳарбий жиҳатдан муҳим жой, яъни Пайғамбар ороли орқали кечув, Бақтр (Балх) ва Мароқанд (Самарқанд) савдо йўлида жойлашган бу шаҳар Ўрта Осиё ўлкалари иқтисодий ва маданий ҳаётида муҳим ўрин эгаллай бошлаган.

Термиз илк шаклланган давридаёқ бандар-порт шаҳри вазифасини ўтаган ва асрлар давомида шаҳарнинг бу фаолияти раванқ топиб, юксалиб боради. Милоднинг VI–VII асрларида Термизда ҳукмрон бўлган термизшоҳлар тангаларидаги рамзий белги қайиқ лангари ҳисобланган. IX аср ёзма манбаларида Термиз Мовароуннаҳрнинг йирик порт шаҳри сифатида таърифланади. Шу боис баъзи бир тарихчилар Термиз номини “дарё ёқасида жойлашган қалъа”, янада тўғрироғи “дарё соҳилидаги шаҳар” деб изоҳлаганлар. Термиз атамасига келсак, шаҳар номининг келиб чиқиши тўғрисида тарихчи, археолог ва тилшунос олимлар ўртасида ҳанузгача ягона фикр йўқ. Бир гуруҳ тадқиқотчилар Термизга македониялик Искандар (Александр Македонский) асос солган деб ҳисоблайдилар. Бу анъана эллинизм даври тарихчиси сицилиялик Диодор (90–21 йиллар) маълумотларига асосланган. Диодорнинг “Тарихий кутубхона” (бу асар кўпинча “Кутубхона” номида юритилади) асарида тилга олинган Окс бўйидаги Искандария ёки Оксдаги Искандария шаҳрини илк бор инглиз олими В.В. Тарн Эски Термиз ўрнида жойлаштирган эди. Кўп йиллар давомида Эски Термиз ёдгорлигида қазув ишлари олиб бораётган археолог олим Ш. Пидаев айти В.В. Тарн фикрини қўллаб – қувватлайди. Европалик археологлар Ф.Грэнне ва К.Рапэнлар

хам милодий I–II асрлар оралиғида яшаб ўтган таниқли географ олим Клавдий Птоломей (90–160) томонидан тузилган харитани қайта таҳлил этиб, айнан шу фикрга келдилар. Шаҳар яна Юнон подшоҳларидан Евкратид (баъзан Эвкратид, 167–155) шарафига Евкратидия ҳам деб аталган экан, аммо бу борада айрим баҳсу–мунозарлар мавжуд. Чунончи, тарихчи олимлардан В.В. Тарн ва К. В. Тревер Евкратидияни Эски Термиз ўрнида кўришса, австриялик олим В. Томашек эса шаҳарни Оксинг чап соҳили (Тошқўрғон, Қундуздарё ёки Хулм)дан ахтаради. Бу хил баҳсу–мунозаралар Антиохия Тармитаси номига ҳам дахлдор, гўё Антиох харобага айланган шаҳарни 295–293 йиллар қайта тиклайди. Шундан шаҳарга шоҳ Антиох номи берилади, шаҳар Антиохия Тармитаси (баъзан Окс Антиохияси) деб номланади, ўтмишда шаҳарлар одатан худолар, қавмлар ёки шоҳлар номи ила аталган. Қизиғи ҳар бир янги ҳукмрон тасарруфидаги шаҳарларни ўз номи билан аталишини хуш кўрган ва бу ғалати анъана баъзи мустасно ҳолатларни ҳисобга олмаганда, айтарлик узлуксиз давом этган. Кўринадикки, бу хил ҳолат кўҳна шаҳримиз Термизнинг ҳам азал қисматига битилган ва мозий ҳукмига ҳавола этилган тарихий ёрлиқ эканлиги аён бўлади. Янада мароқли томони шундаки, В.В. Тарн ўз талқинларига ва илмий фаразларига содиқ қолган ҳолда Антиохия Тармитасини ҳам мутлақ, шубҳасиз, худди Эски Термиз ўрнида жойлаштирди.

Таниқли археолог М.Е. Массон фикрига кўра, Термизга Юнон – Бақтрия подшоси Деметрий (тахминан Юнон – Бақтрия тахтини милoddан аввалги 199–167 йилларда идора этган) асос солган.

Биламизки, подшо Деметрий ва Евкратид 169 – 167 йиллар оралиғида ўзаро тахт учун кураш олиб бордилар, ушбу кураш иккинчисининг фойдасига ҳал бўлади. Ўз навбатида Термиз ёки Тармита атамаси М.Е. Массон фикрича, подшо Деметрий номининг Деметрий – Дементиата – Дармита тарзида ўзгартирилиб талаффуз этиш туфайли Тармита – Тармит – Термиз ҳосил бўлган. Эски Термиз ҳудудида амалга оширилган археологик тадқиқотлардан маълумки, бу шаҳар Юнон – Бақтрия давлати ҳукмдори Деметрий ҳукмронлигига қадар ҳам мавжуд эди. Термизнинг тарихий манбаларда қайси санага қадар Окс бўйидаги Искандария ёки Оксдаги Искандария деб номланиши аниқ эмас.

Кушон подшолиги даври (милоддан аввалги I милодий III асрлар)да шаҳар тарихий манбаларда Тармита деб юритилган. Тармита (Термиз) бу даврда 300 гектардан ортиқ майдонни ишғол этиб, Амударё ёқалаб жойлашган қалъа ва унга туташ ички шаҳар, Пайғамбар ороли орқали ўтган кечувни муҳофаза қилиб турган Чингизтепа ўрнидаги мустаҳкам иншоотдан таркиб топган. Чингизтепадан ғарбда Амударё ёқалаб шаҳарликларнинг уй – жойлари, шаҳар қабристони, асосий шаҳардан шимоли – ғарбий, шимолий ва шарқий тарафларда Қоратепа, Фаёзтепа ва Зўрмола ёдгорликлари ўрнидаги буддавийлик ибодатхоналари, шаҳар аҳлини қишлоқ хўжалик



1 – расм . Қоратепа. Умумий кўриниш.



2 – расм. Фаёзтепа. Таъмирлангандан сўнг.

3 – расм. Зўрмола.

маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш мақсадида барпо этилган боғу – роғлар ва экинзорлар жойлашган. Кушон подшолиги даврида Тармита (Термиз) да савдо – сотиқ, айниқса халқаро савдо ривожланди. Бу қадимий шаҳарда хунармандчиликнинг кулолчилик, темирчилик, сангтарошлик каби турлари раvнақ топган.





4 – расм. Қоратепа. Ҳайкал.

5 – расм. Қоратепа. Ҳайкал.

Термиз Кушон подшолиги даврида Бақтриянинг (бу ыпка таркибига Сурхондарё вилояти, Жанубий Тожикистон ва Шимолий Афғонистон

ерлари кирган) йирик иқтисодий, сиёсий ва маданий марказларидан бирига айланади. Тармита (Термиз)да милодий I асрдан бошлаб дунё динларидан бири – буддавийлик билан боғлиқ ибодатхоналар бунёд этилган.



6 – расм. Фаёзтепа. Будда ўз роҳиблари билан.

7 – расм. Қоратепа. Ступа. Тош безак.

Буддавийлик Шимолий Ҳиндистондан Гандҳара ўлкаси, ундан сўнг Ҳиндикуш (Паропамис) тоғлари оша Балх (Бақтр) орқали Термизга кириб келади. Термизда милодий I асрдан асос солинган ибодатхона бу Фаёзтепа ўрнидаги буддавийлик ибодатхонаси ҳисобланади. Милодий I–II асрларда Тармита (Термиз) ва унинг атрофида яна бир қанча буддавийлик ибодатхоналари қад ростлайди. Буларнинг энг йириги Қоратепа ўрнида мавжуд бўлган ернинг остки ва устки қисмларида бунёд этилган буддавийлик ибодатхоналари мажмуасидир. Қоратепа ўрнидаги буддавийлик ибодатхонаси Кушон подшоси Канишка давлатни идора этган саналар (милодий II асрнинг иккинчи ярми) да тўлиқ шаклланиб “Подшоҳ ибодатхонаси” деб ҳам аталган.

Кушон давлати подшоси Канишка ҳукмронлигида Термиз Ўрта Осиёда буддавийлик динининг асосий марказига айланади ва бир неча асрлар давомида буддавийликни Оқуз (Амударё) бўйлаб Марғиёна (Жанубий Туркменистондаги Мурғоб дарёси ҳавзасидаги қадимий ўлка)га, Бойсунтоғдаги “Темир дарвоза” орқали Сўғдга, ундан сўнг Фарғона ва Еттисув ўлкасига, Шарқий Туркистон, Хитой ва Тибетга қадар илк бора ёйилишида ўзига хос кўприк вазифасини ўтайди. Бутун Бақтрия–Тоҳаристон (Бақтрия ўлкаси милодий 383 йилдан эътиборан тарихий манбаларда Тоҳаристон деб юритила бошлаган) Будда даъватчилари сингари Термизда туғилиб вояга етган буддавий роҳиб (коҳин)лар ҳам ушбу динни Хитой–Тибетга қадар тарқалишида беқиёс жонбозлик кўрсатганлар. Ана шундай будда даъватчиларидан бири тармита (термиз)лик Дхармамитра бўлиб, у буддавийлик таълимотини Тибетга қадар ёйилишида алоҳида ўрин тутди. Дхармамитранинг буддавий асарларни Хитой тилига таржима қилишда, уларни шарҳлашда ҳамда бу динни тарғиб ва ташвиқ қилишда хизматлари бениҳоя улқандир. Ўрта Осиёнинг жануби – ғарбий ҳудуди (Марғиёна)га, Сўғд ва ундан сўнг Еттисувга, Шарқий Туркистон (Дўғи Туркистон)га, Хитой–Тибетга қадар Термиз орқали қадимги ҳинд ёзувлари, буддавийлик санъати ва меъморчилиги ҳам етиб боради ва тарқалади. Бетакрор қурилиш услубларида бунёд


эти  
ин  
хай



на иб  
жараён  
вати,



8 — расм. Қоратепа. Тош безак.



9 — расм. Қоратепа. Тош безак.



10 —  
Фаёзтепа.  
сурат. 11 —  
Қоратепа.  
роҳиблар  
Деворий сурат.



расм.  
Деворий  
расм.  
Будда  
билан.

12 — расм. Қоратепа. Ҳайкал.

13 — расм. Қоратепа. Ҳайкал.



14 — расм. Фаёзтепа. Қадимги ҳинд ёзуви.

15 — расм. Фаёзтепа Қадимги ҳинд ёзуви.

сопол идиш сиртига битилган юзлаб қадимги ҳинд ёзуви намуналари Шарқий Туркистон, Хитой ва Тибет буддавийлик маданиятидан уч аср муқаддам яратилгандир.

Термизнинг VII–VIII асрлар даври маданий ҳаётига назар солсак,



16 – расм. Қўрғон ёки қўшқ.



17 – расм. Қўрғон ёки қўшқ. Қўйлак.

бу даврдаги шаҳар ҳаёти тўғрисида Хитой ёзма манбалари кенг ва бой маълумотларни беради. Хитойлик буддавий коҳин – сайёҳлар Сюань Цзян (милодий 630 йил), Хой Чао (милодий 729 йил) Та–ми (Термиз)ни таърифлаб, шаҳар деворининг узунлиги 20 ли (1 ли 0,2–0,5 км)га тенглиги, шаҳарда 12 та буддавийлик ибодатхонаси ва уларда мингга яқин буддавий роҳиблар борлиги тўғрисида ёзиб қолдирганлар.

VII асрнинг тўртинчи чорагидан бошлаб Термиз ва унинг атрофи араб қўшинлари томонидан эгаллана бошлайди. Оқибатда VII асрнинг охиридан Термизда Ислом маданияти асосларининг илк куртаклари шаклланиши учун муҳит юзага кела бошлайди. Тарихий манбаларда Термизга нисбатан “Термиз Пайғамбар авлодлари – саййидлар, саҳобалар, авлиёлар яшаган Мовароуннаҳрнинг машҳур шаҳарларидандир” иборасининг қўлланилиши Ислом дунёсида ал–Ҳаким ат–Термизий ёки Имом Абу Исо Муҳаммад ат–Термизий каби машҳур зотларнинг айнан Термиздан етишиб чиққанлиги, бу шаҳар аҳлининг Араб халифалиги маданиятидан Мовароуннаҳрнинг

сиёсий, иқтисодий ва маданий марказларидан бири – Бухоро билан бир вақтда баҳраманд бўлганлиги натижаси деб изоҳлаш мумкин.

Шундай қилиб, ал–Ҳаким ат–Термизий таваллуд топган давр бу бир томондан чуқур илдизга эга қадимий анъаналарнинг сақланиб ханузгача давом этиб келадиган жараёни бўлса, иккинчидан Термиз ва унинг атрофида VII аср охиридан, аниқроғи 690 йилдан бошлаб мазмунан янги, яъни илк Ислом маданияти шакллана бошлаган давр эди. Бу жараён даставвал араб тили ва ёзувининг, шунингдек, бутун Мовароуннаҳрда бўлганидек Термиз ва унинг атрофида Ислом дини –



18 – расм



19 – расм

Сопол идиш бўлаги сиртига битилган куръоний оятлар.

нинг маҳаллий аҳоли қатламлари орасига ёйилиши жараёни эди. Ана шу мураккаб бир шароитда ал–Ҳаким ат–Термизий дунёга келди.

### **2. Ал–Ҳаким ат–Термизий фаолияти ва илмий меросининг ўрганилиши тарихи.**

Ватанимизнинг мустақилликка эришганлиги туфайли ал–Ҳаким

ат—Термизий меросини ўрганиш учун кенг имкониятлар пайдо бўлган бўлса, Араб дунёси ва Ғарбий Европа мамлакатларида бу жараён анча илгари содир бўлган эди.

Буюк ўтмишдошимизни Европа илм аҳлига илк бор таништирган шарқшунос Л. Массиньон ҳисобланади. У улуг бобокалонимиз меросини тадқиқ этиб, ўз даври замондошларини унинг айрим асарлари билан воқиф этишга муваффақ бўлган. Оқибатда XX асрнинг 40 йилларига келиб ал—Ҳаким ат—Термизийнинг асарлари бирин—кетин чоп этила бошланди. Термизлик буюк алломанинг “Масоил ат—таъбир” (Таъбир масалалари) асари профессор А. Ж. Арберри таҳрири ва таржимаси билан 1940 йили Римда, яна “Ҳақиқат ал—одамийат” (Эътиқод ҳақиқати) ва “Рийодат ан—нафс” (Нафс мушкулотлари) рисоалари эса тасаввуфшунос олим Абдал Муҳсин ал—Ҳусайний таҳририда 1946 йили Искандарияда дунё юзини кўрди.

Орадан бир йил ўтгач, буюк зотнинг “Китоб баён ал—фарқ байн ас—садр ва—л—қалб ва—л—фуъод ва—л—лубб”, (Ташқи ва ички билимлар ўртасидаги фарқлар баёни, асл мазмуни: кўкрак, қалб, нодирлик ва лаб ўртасидаги фарқлар баёни китоби) асари америкалик шарқшунос Николас Хер масъуллигида Қохирада чоп этилади. Айни бир вақтда Н. Хер хорижий шарқшунослар орасида тўлақонли илмий тадқиқот яратган олим ҳисобланади. Хусусан, 1959 йилда Н. Хернинг “Ал—Ҳаким ат—Термизий биографияси ва библиографиясига оид маълумотлар” деб номланган мақоласи чоп этилади. Америкалик бу олимнинг тадқиқотидаги асосий ютуқларидан бири ал—Ҳаким ат—Термизийнинг Париж Миллий кутубхонаси, Қохира, Анқара, Истамбул, Калькутта каби шаҳар кутубхоналарида сақланаётган

асарларидан эллик бештасининг номи ҳақида муфассал маълумот жамлаганидадир.

XX аср 60–йилларининг иккинчи ярми ал–Ҳаким ат–Термизий асарларини нашр қилиш борасида сермахсул давр бўлди. Масалан турк олими А. С. Фурат Туркияда чоп этилаётган “Шарқ мажмуаси” ойномаси (1965)да “Ал–ақл ва–л–ҳаво” (Ақл ва кибр), “Ар–радд ала–ар–рафида” (Рофизийлар инкори), ливанлик таниқли олим Усмон Яҳё эса Байрутда “Хатм ал–авлиё” (Авлиёлар тасбеҳи) ва унга илова сифатида аллома таржимаи ҳоли баён этилган “Бадв уш–шаън Абу Абдуллоҳ”, жазоирлик олим Ҳусни Наср Заудан эса Қоҳирада “Китоб ас–салот ва–Мағозидиҳо” (Намоз мағзи қоидалари китоби), “Таҳсил назоир ал–Қуръон” (Қуръон таҳсили учун қўлланма), “Китоб ал–Ҳажж ва асрориҳи” (Ҳажж ва унинг сирлари ҳақида китоб) асарларининг нашр ишларини амалга оширишда катта меҳнат сарфладилар.

XX асрнинг 70–йилларида ал–Ҳаким ат–Термизий ҳаёти йўли, дунёвий илмлари, диний қарашлари, умуман бу табаррук зот ёзиб қолдирган асарларини қайтадан нашр этишда ҳам Ғарбда ва ҳам араб дунёсида ғоят салмоқли ишлар амалга оширилди. Бу борада араб олимларидан Муҳаммад Иброҳим ал–Жушайи ва Абдал Фаттоҳ Баракат фаолиятини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ лозим.

1971 йилда мисрлик олим А. Ф. Баракатнинг “Ал–Ҳаким ат–Термизий ва унинг валийлик назарияси” асари дунё юзини кўрди. Муҳаммад Иброҳим ал–Жушайи томонидан “Ат–Термизийнинг асарлари ва ғоялари”, “Ал–Ҳаким ат–Термизийнинг авлиё ва авлиёлик назарияси”, “Ал–Ҳаким ат–Термизийнинг ички

тушунчалари", "Ат – Термизийнинг сўфийлик ғояларига таъсири" каби мақолалари буюк ватандошимиз яратиб қолдирган улкан меросни ўрганиш бобида муҳим босқич бўлди.

Ал – Ҳаким ат – Термизийнинг диний фалсафа оламида тутган ўрни эса Ив Маркнинг 1976 йилда француз тилида Дакарда чоп этилган "Ал – Ҳаким ат – Термизий ўз замонасининг неоплатонизми" асарида тўла ҳолда ифодасини топди. Шунингдек, ал – Ҳаким ат – Термизий қаламига мансуб: "Ал амсол мин – ал – китоб ва – с – суннат" (Суннат китобидан мисоллар) 1975 йили Али Муҳаммад Биғавий томонидан, "Одоб ал – муридийн ва байон ал – касб" (Касб баёни ва мурид одоби) 1976 йили Абдал Фаттоҳ Баракат томонидан, "Маърифат ал – асрор" (Маърифат сирлари) 1977 ва 1979 йиллари Муҳаммад Иброҳим ал – Жуюший томонидан нашр этирилди.

Ал – Ҳаким ат – Термизийнинг тасаввуф тариқатига оид илмий меросини ўрганишда ва тадқиқ этишда олмон олими Бернд Радтке ҳам муҳим ўрин тутди. Б. Радтке ўз фаолиятини дастлаб 1972 йили Байрут (Ливан) шаҳридаги Олмониянинг шарқшунослик марказида референт вазифасида бошлаган эди. У 1980 йилларда ал – Ҳаким ат – Термизий тўғрисида қатор эътиборга лойиқ мақолалар ва китобларни эълон қилади. "Мистик (сўфий – муаллифлар) ал – Ҳаким ат – Термизий", "Ал – Ҳаким – ат Термизий – IX аср ислом дини пешвоси", "Хуросон ва Трансоксиания (Мовароуннаҳр)лик илоҳиёт пешволари ва мистик (суфий)лар" каби асар ва мақолалар унинг қаламига мансубдир.

1992 йилда Б. Радтке масъуллигида "Термизий ал – Ҳаким,

термизлик илоҳиётчининг уч асари" сарлавҳасида "Китоб сийрат ал-авлиё" (Авлиёлар сийрати ҳақида китоб), "Ж авоб ал-масоил аллати салоҳи аҳл сарахс анҳа" (Хато масалаларга тўлиқ ва тўғри ҳамда муносиб жавоб), "Ж авоб китоб мин ар-райй" (Қисқа шарҳий жавоб китоби) каби рисоалари араб матнида эълон қилинади.

1980 йилда ал-Ҳаким ат-Термизийнинг Қоҳирада Муҳаммад Иброҳим ал-Жуюший муҳаррирлигида "Ал-масоил ал-макнун" (Яширин масалалар), 1981 йилда яна Қоҳирада Сами Наср Лутф таҳририда "Илм ал-авлиё" (Авлиёлар илми) асарлари нашрдан чиқади. Исломи дунёси маънавият ва маърифатининг улкан даҳоси ал-Ҳаким ат-Термизий фаолиятининг айрим кирралари араб олимлари Хусайний Абдал Муҳсин (Ал-Ҳаким ат-Термизий маърифати. Қоҳира, 1967), Ҳамид Тохир Фуад (Ат-Термизий асарларининг мантиқий тузилиши. Париж, 1990) ва Г. Гобилло тадқиқотларида ўз аксини топган.

Ал-Ҳаким ат-Термизий фаолияти, унинг таълимоти ва алломанинг ислом дунёсида тутган ўрни таърифланган илмий тадқиқотлардан яна бири Ив Маркка тегишли бўлиб, 1999 йилда "Ислом Қомуси"да "Ат-Термизий" сарлавҳаси остида нашр қилинган.

Истиқлол туфайли юртимизда ҳам ал-Ҳаким ат-Термизий илмий ва маънавий меросини ўрганишга улкан имкониятлар туғилди. Олимларимиздан М. Кенжабек (Термиз тазкираси, Тошкент – 2001) ва шарқшунос олим У. Уватов "Ал-Ҳаким ат-Термизий", (Тошкент – 2001) "Термизлик икки буюк аллома", (Тошкент – 2005) "Термизлик буюк инсонлар" (Тошкент – 2001) каби рисоалари ал-Ҳаким ат-

Термизий дунёвий ва диний бисотини ўрганиш борасида муҳим босқич бўлди. Араб тили билимдони А. Шоший алломанинг “Манозил ул—ибод мин ал—ибода” (Бандаларнинг манзиллари. 2003) асарини таржима қилган бўлса, ёш тадқиқотчи И. Усмонов ат—Термизийнинг “Наводир ал—усул” асаридан 19 боб (усул)ни оммалаштирди (Ал—Ҳаким ат—Термизий. Наводир ал—усул. Тошкент—2006). Адабиётшунос Р. Абдуллаев “Бадв уш—шаън Абу Абдуллох” (Абу Абдуллох фаолиятининг бошланиши) рисоласини форсчадан ўгириб, “Мозийдан садо” (2001 №4,; 2002. №2) ва “Сино” (2002. №7.) журналларида эълон қилди. Мустақилликнинг илк йиллари улўғ аждодимизнинг “Наврўзнома” ва “Солнома” (Наврўз ва табиат сирлари. Тошкент—1991) асарларини олимлардан М. Ҳасаний ва Ғ. Ж ўраевалар нашр эттирдилар.

Ал—Ҳаким ат—Термизий илмий меросини ўрганиш борасида Сурхон воҳасида ҳам талай ишлар амалга оширилди. Археолог олим Т. Аннаев (Ал—Ҳаким ат—Термизий. 1998), профессор Ж. Омонтурдиев (Ал—Ҳаким ат—Термизий таълимоти. 2000), ўлка тарихи жонкуяри А. Холмирзаев (Сурхондарёнинг табаррук зиёратгоҳлари. 2001)ларнинг ишлари таҳсинга сазовордир. Муаллифлар жамоаси яратган “Сурхондарё тарих кўзгусида” (2001) ва “Сурхондарё тарихи” (2004) китобларида ҳам аллома ижодий фаолияти таҳлилга жалб этилган. 2004 йили Термиз Давлат университетида “Ал—Ҳаким ат—Термизий ва унинг даври” мавзуида халқаро илмий анжуман ўтказилди ва қилинган маърузалар баёни шу номли тўпламда чоп этилди.

### 3. Ал-Ҳаким ат-Термизий ҳаёт йўли.

Ислом дунёсида ал-Ҳаким ат-Термизий номи остида машҳур бу зотнинг исмлари Муҳаммад, оталарининг исми Али, кунялари эса Абу Абдуллоҳ, боболари ал-Ҳасан, бобокалонларининг исмлари Башир бўлган. Абу Бакр Аҳмад ибн Али ал-Хатиб ал-Бағдодийнинг "Бағдод тарихи"да таъкидланишича, ал-Ҳаким ат-Термизий қиблагоҳларининг тўлиқ номлари Али ибн ал-Ҳасан ат-Термизийдир. Ал-Ҳаким ат-Термизий исмининг тўлиқ шакли Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн ал-Ҳасан ибн Башир ибн Ҳорун ал-Ҳаким ат-Термизийдир. Баъзи бир манбаларда гўё уларнинг хонадони Термизга келиб ўрнашиб қолган араб оилаларидан деган фикр мавжуд. Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг оталари ҳам Термизий нисбасига эга, шунга асосланиб таъкидлаш жоизки, нафақат аллома, балки у кишининг қиблагоҳлари ҳам Термизда таваллуд топган.

Ислом дунёсида буюк хизматлари учун ал-Ҳаким яъни донишманд деган унвонга сазовор бўлган ватандошимиз ал-Ҳаким ат-Термизийнинг таваллуди ва ҳаёти саналари узоқ йиллар давомида катта мунозара ва тортишувларга сабаб бўлиб келмоқда. Хорижий мамлакатлар шарқшунослари томонидан яратилган кўплаб илмий тадқиқотларда ал-Ҳаким ат-Термизий яшаб ўтган давр IX аср, яъни 800 йиллар оралиғи деб таъкидланади. Ватанимизда нашр этилган рисола ва илмий оммабоп тадқиқотларнинг баъзи бирларида, шунингдек бир гуруҳ тарихчи, филолог ва шарқшунос олимлар фикрича ал-Ҳаким ат-Термизий 749 йилда таваллуд топган ва узоқ умр кўрган. Ал-Ҳаким ат-Термизий таваллуди саналари тўғрисида

турли хил фикрларнинг билдирилишига икки асос бор:

Биринчидан, ал-Ҳаким ат-Термизий қабри устида Темурий шаҳзода Халил Султон (1384–1412) томонидан ўрнатилган мармар тошда алломанинг вафоти ҳижрий 255 (милодий 869) йил деб кўрсатилганлиги бўлса, иккинчидан, ал-Ҳаким ат-Термизий асарларидан бири “Наврўзнома”да кўрсатилишича алломанинг 120 йил умр кўриб вафот этганлиги тўғрисида маълумот берилганлигидир. Шунга асосланиб олимлар қабр тошга битилган ҳижрий 255, милодий 869 йилдан 120 йил ажратишади ва ал-Ҳаким ат-Термизий таваллуд топган сана осонгина 749 йил деб аниқлашади.

Ал-Ҳаким ат-Термизий ва унинг замондошлари асарларидаги саналар, хорижий олимлар томонидан аллома ҳаёти ва унинг меросини ўрганишга бағишланган аксарият тадқиқотларнинг таҳлили, илк сўфийлик тариқати вакиллари ва аллома устозларининг таваллуди ва фаолияти саналари ал-Ҳаким ат-Термизий таваллуд топган санани бир қадар ойдинлаштиради. Ал-Ҳаким ат-Термизий ўз ҳаёт йўлини баён этган “Бадв уш-шаън Абу Абдуллоҳ” асарида таъкидлашича, у 7 ёшда ҳуқуқий ва илми ҳадис фанларидан устоз ва муаллимлардан сабоқ ола бошлаган. Бўлажак алломанинг падари бузруквори Али ибн ал-Ҳасан ат-Термизий ҳам элга танилган ҳадисчи бўлган.

Ал-Ҳаким ат-Термизий ҳақида кўплаб асарларнинг муаллифи олмониялик шарқшунос Б. Радтке унинг қиблагохлари ҳақида тўхталиб “Али ат-Термизий ҳижрий 210–230, милодий 825–845 йиллар оралиғида вафот этган” деган фикр билдирган. Ал-Ҳаким ат-

Термизий 25 ёшга тўлгунга қадар Мовароуннаҳр шаҳарларида тафсир, ҳадис ва фикҳ илмларини катта қизиқиш билан ўрганади. Аллома тахминан 27 ёшида муборак Ҳаж тадорики учун Маккаи Мукаррамага равона бўлади, унинг бу муқаддас шаҳар томон йўли Басра ва Бағдод орқали бўлиб, сафар давомида ҳадислар тўплайди. Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг Маккада бўлиши унинг ҳаётида туб бурилиш ҳисобланади. Ал-Ҳаким ат-Термизий “Бадв уш-шаън Абу Абдуллоҳ”да шундай деб ёзади: “Каъбада “ал-Мултазам” эшиги олдида турганимда, мен эшикни ушлаган ҳолда, Аллоҳдан фақатгина унинг китоби бўлмиш Қуръонни ёддан ўрганишни илтижо қилиб сўрадим”.

Аллома юртига қайтгач, унинг ўз ибораси билан айтганда “баъзан бутун тун давомида тинимсиз” Қуръони каримни мутолаа қилиш билан машғул бўлади. Бу даврда унга машҳур сўфий Аҳмад бин Осим ал-Антокий(ваф. 850 й.)нинг тақво ва руқоиқ ҳақидаги “Қалблар давоси” номли китоби катта таъсир қилади. Даставвал, ал-Ҳаким ат-Термизийнинг изланишлари натижасиз бўлиб чиқади, шу туфайли ўзини хилватланишликка, узлатга чоғлаб, шубҳали диний расм-русумларни бажаради. Бу даврда унинг ҳаёти уй ёлғизлиги ва чўлларга танҳо сафар қилиш билан чегараланиб қолади. Ал-Ҳаким ат-Термизий ўзининг бу ҳолатидан тушкунликка тушмасдан, балки буни покланиш йўлидаги муҳим бир босқич деб ҳисоблайди. “Даставвал,—деб таъкидлайди ал-Ҳаким ат-Термизий таржимаи холи баён этилган асарида,—мен софланиш йўлида ўзимни—ўзим камситдим. Шу туфайли эшак миниб бозорга бордим, яланг оёқ,

жулдур кийимда сайр қилдим, камбағал ва қуллар кийинадиган либосларда юрдим”.

Ал—Ҳаким ат—Термизий таваллуди санасини ойдинлаштирувчи энг муҳим маълумотлар асосан унинг тасаввуф тариқати доирасидаги илк устозларининг таваллуди ва вафоти саналаридир. Америкалик таниқли шарқшунос олим Ф. Роузентал ал—Ҳаким ат—Термизийни илм соҳасида Абу Абдуллоҳ ал—Ҳорис ибн Аҳмад Муҳосибий қарашларининг давомчиси деб билади. Бағдодлик илоҳиётчи, сўфийлик тариқатининг ажойиб назариётчиси ал—Муҳосибий 781—857 йилларда яшаб ўтган. Фаридиддин Атторнинг (1145—1221) “Тазкират ул—авлиё” китобига мурожаат қилсак “Муҳаммад ибн Али ат—Термизий, чунонки, уни авлиёларнинг ҳакими (донишманди) дер эдилар ва Бу Туроб, Хизравия, Ибни Жаллоларнинг суҳбати (сабоғи)ни олган эди ва Яҳё Маоз ила сўз таш(бахс)лашган эди”. Эътибор берилса, Ҳаким Термизийнинг устози ва суҳбатдошлари Абу Туроб ан—Нахшабий (ваф. 861 й.), Аҳмад Хизравия (ваф. 855 й.), Ибни Жалло ва Яҳё Маоз (ваф. 872 й.) лар экан.

Араб исломшуноси Муҳаммад Иброҳим ал—Жуюший томонидан 1970 йилда нашр этилган “Ал—Ҳаким ат—Термизий: унинг асарлари ва қарашлари” номли мақоласида аллома ўзига устоз деб билган (олмон шарқшуноси Бернд Радтке ибораси билан ифодаланганда ат—Термизий уларни менинг шайхларим деб эъзозлаган) 164 та шахс номини келтирган. Бу шахсларнинг номлари тўлдирилган ҳолда рисолада келтирилган, булардан тўрттаси Термизий нисбали шайхлар бўлиб, улар қуйидагилардир:

Али ибн ал—Ҳасан ат—Термизий (ал—Ҳаким ат—Термизийнинг

оталари).

Солиҳ ибн Абдуллоҳ ат – Термизий.

Солиҳ ибн Муҳаммад ат – Термизий.

Ал – Ж аруд ибн Муъоз ас – Суламий ат – Термизий.

Солиҳ ибн Абдуллоҳ ат – Термизий ҳижрий 231 ёки 239, милодий 845 ёки 853 йиллар, ал – Ж аруд ибн Муъоз ас – Суламий ат – Термизий ҳижрий 244, милодий 847 йилда вафот этади, Солиҳ ибн Муҳаммад ат – Термизий эса бир мунча вақтда Термизда қозилик ҳам қилади ва ҳижрий 299, милодий 911 йилда оламдан ўтади.

Ал – Ҳаким ат – Термизийнинг 164 нафар (Б. Радткенинг “Ал – Ҳаким ат – Термизий IX аср Ислом илоҳиётчиларидан бири” асарида уларнинг сони 4 тага кўп, яъни 168 та) устозлари орасида энг кўп умр кўрган шахслардан бири Солиҳ ибн Муҳаммад ат – Термизийдир. Рисолада номлари келтирилган шайхлардан Ҳажжож ибн Муҳаммад ал – Массисий ал – Ағвор ҳижрий 206, милодий 821 йил, Ал – Ҳасан ибн Саввор ал – Бағавий ҳижрий 216, милодий 821 йил, Яҳё ибн Абдуллоҳ ал – Ҳарроний ҳижрий 218, милодий 823 йилда вафот этганлар. Аксарият шайх – устозларнинг вафот саналари ҳижрий 240 – 260, милодий 854 – 874 йиллар оралиғига тўғри келади.

Ал – Ҳаким ат – Термизий таваллуди ва ҳаёти саналарини ойдинлаштирувчи яна бир маълумот алломанинг сафарлари йилномасидир. Бу далиллар илк бора 1980 йилда олмониялик шарқшунос Б. Радткенинг “Ал – Ҳаким ат – Термизий - IX аср ислом илоҳиётчиларидан бири” сарлавҳаси остида нашр этилган асарида келтирилган. Биз бу маълумотларни тўлдирган ҳолда китобхон ҳукмига ҳавола этмоқдамиз.

**Балх**

Шижрий	Милодий
230 йилдан сўнг	—
232	846
238	852
239	853
240	854
241	855
244	858
245	859
268	881
<b>Басра</b>	
243	857
244	858
246	860
247	861
248	862
249	863
250	864
252	866
253	867
254	868

## Ал-Ҳаким ат-Термизий

255	869
256	870
260	874
<b>Бағдод</b>	
<b>Шижрий</b>	<b>Милодий</b>
231	845
239	853
244	858
247	861
249	863
250	864
251	865
252	866
253	867
256	870
262	876
<b>Куфа</b>	
247	861
248	862
249	863
250	864
254	868
255	869
256	870
257	871
258	872

260	874
<b>Мадинаи Мунаввара</b>	
252	866
253	867
<b>Маккаи Мукаррама</b>	
248	862
249	863
252	866
<b>Марв</b>	
221	836
222	837
241	855
244	858
252	866
257	871
267	880
<b>Нишопур</b>	
282	895
<b>Рай</b>	
248	862
249	863
<b>Самарра</b>	
246	860
<b>Ўрмадон</b>	
243	857
244	858

249	863
-----	-----

Ал–Ҳаким ат–Термизий ўз таржимаи ҳоли (Бадв уш–шаън Абу Абдуллоҳ)да таъкидлашича (бу асар илк бора 1965 йилда Байрутда Усмон Яҳё томонидан “Китоб хатм ал–авлиё” га илова сифатида нашр қилинган) 27 ёшдан сўнг муборак ҳаж сафарига жўнайди ва Араб халифалигининг Марв, Нишопур, Рай, Ҳамадон, Басра, Бағдод, Куфа, Мадинаи Мунаввара, Маккаи Мукаррама, Самарра каби марказларида бўлади.

Эски Термиздаги ал–Ҳаким ат–Термизий мақбараси қабр тошидаги аллома вафоти кўрсатилган (ҳижрий 255, милодий 869) йилда ал–Ҳаким ат–Термизий ҳаёт бўлган ва ёзма манбаларга кўра халифаликнинг Басра, Куфа каби шаҳарларига ташриф буюриб ҳадислар тўплаган. Ал–Ҳаким ат–Термизийнинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ бу саналар алломанинг 749 йилда таваллуд топганлиги ҳақидаги фикрларни бутунлай инкор этади.

Ал–Ҳаким ат–Термизий сафарлари йиллари, аллома ўзига устоз деб билган “шайх”лар вафот саналари таъқили, Ал–Ҳаким ат–Термизийни 809–819 йиллар оралиғида таваллуд топган деб таъкидлашга имкон беради. Ал–Ҳаким ат–Термизий таржимаи ҳоли битилган “Бадв уш–шаън Абу–Абдуллоҳ” асарида ҳижрий 269, милодий 883 йилда ҳаёт бўлганлиги ва айниқса Ал–Термизий мақбараси асосида тўри тўртбурчак шаклдаги яъни сомонийлар даври хом ғишларидан қурилган дастлабки мақбара асосининг қайд этилиши Ал–Ҳаким ат–Термизийнинг ҳижрий 255 милодий 869 йилда вафот этганлигини инкор этувчи муҳим ашёвий

манбадир. Шу боис манбаларда таъкидланган ҳижрий 285 ёки 296, милодий 898 ёки 909 йиллар ал-Ҳаким ат-Термизий вафот этган сана деб белгилаш кўп жиқатдан ҳақиқатга яқиндир.

#### 4. Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг устозлари

(Муҳаммад Иброҳим ал-Жуюший маълумотлари асосида)

	ҳижрий-милодий саналар
	вафот этган йиллари
1. Аббод ибн Аббод ибн Касир ас – Сақафий.	
2. Аббод ибн Усмон ибн Аббод ибн Қосим.	
3. Аббод ибн Йаъқуб ал-Асадий ар – Равожиний.	250/864
4. Ал-Аббос ибн Абдалазим ал-Анбарий.	246/860-861
5. Ал-Аббос ибн Аййуб аз – Зубайдий.	
6. Ал-Аббос ибн Зурара ал-Йашкурий.	
7. Абдалазиз ибн Муслим ал-Қасмалий.	
8. Абдалазиз ибн Муниб ал-Марвазий.	267/880
9. Абдулжаббор ибн ал-Аъло.	248/862
10. Абдулжаббор ибн Ҳабиб ибн Нудба.	
11. Абдулкарим ибн Абдуллоҳ ас – Суккарий.	
12. Абдулкарим ибн Убайдуллоҳ.	
13. Абдуллоҳ ибн Ошим ал-Ҳаммоний Абу Сайид Басрий.	
14. Абдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Узаид ал-Килобий.	
15. Абдуллоҳ ибн ал-Ҳакам ибн Аби Зиёд ал-Қатвоний.	255/868
16. Абдуллоҳ ибн Ҳусайн ал-Киндий.	256 ёки 257/869 ёки 870
17. Абдуллоҳ ибн Халаф ибн Мусо.	

18. Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Сайфий ал—Махзумий.
19. Абдуллоҳ ибн ал—Ваззоҳ ал—Луълуъий. 250/864
20. Абдулмалик ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ  
ар—Рақоший Абу Қулоба. 276/889
21. Абдурахмон ибн ал—Фазл ибн ал—Муваффақ ал—Куфий.
22. Абдурахмон ибн Хоний ал—Куфий ан—Нахий.
23. Абдурахим Абу Амр ал—Абдий.
24. Абдурахим ибн Ҳабиб ибн Нудба.
25. Абдулваҳоб ибн Абдулҳаким ал—Баззор.
26. Абдулваҳоб ибн Абдулкарим ал—Варроқ.
27. Абдулваҳоб ибн Фулаиҳ ал—Маккий.
28. Абдулворис ибн Абдусаммад ибн Абдулворис ибн  
Саъид ал—Анбарий. 252/866
29. Абу Али ас—Соғоний.
30. Абу Амр Ҳаммад ибн Нуъаим.
31. Абу ал—Ашъас Аҳмад ибн ал—Муқаддам ал—Ижлий. 253/867
32. Абу Бакр ибн Собик ал—Уммавий.
33. Абулҳасан Муҳаммад ибн Баҳр.
34. Абу Ҳишон ар—Рифоъий Муҳаммад ибн Язид 248 ёки 249  
ибн Муҳаммад ибн Рифоъа ал—Ижлий ал—Куфий. 862 ёки 863
35. Абу Ҳусайн ал—Рифоий.
36. Абу ал—Хаттоб ас—Садусий Зийод ибн 254/ 868  
Яҳё ибн Ҳасан ал—Хасани ал—Йашкурий.
37. Абу Нуъмон Абдуррахмон ибн Нуъаим ан—Накий
38. Абу Қулоба Абдулмалик ар—Рақоший 276/889

39. Абу Синон ал – Балхий
40. Абу Толиб ал – Ҳаравий.
41. Аҳмад ибн Баҳр ал – Аскарый.
42. Аҳмад ибн Абдуллоҳ ал – Муҳаллабий
43. Аҳмад ибн Мурра.
44. Аҳмад ибн Мутриф ал – Йаманий.
45. Аҳмад ибн Яҳё ал – Аздий.
46. Ал – Аъло ибн Маслама ар – Раввос.
47. Али ибн Абдулазиз ал – Бағдодий.
48. Али ибн Ҳажар ибн Аус ас – Саъдий. 244/ 858
49. Али ибн ал – Ҳасан ан – Найсобурий.
50. Али ибн ал – Ҳасан ат – Термизий.
51. Али ибн Хашрам ал – Марвазий. 257/871
52. Али ибн Саҳл ар – Рамлий. 261/875
53. Али ибн Саъид ибн Масруқ ал – Киндий. 249/ 863
54. Алқама ибн Амр ибн ал – Ҳусайн ат – Таминий. 256/ 870
55. Амр ибн Али ас – Садиқий.
56. Амр ибн Али ибн ас – Сайрофий. 249/863
57. Амр ибн Ҳаммод ибн Талха ал – Қаннод.
58. Амр ибн Солиҳ ал – Луъулий.
59. Атиқ ибн Муҳаммад ал – Хушаний.
60. Бишр ибн Одам ибн Бинт азҳар ас – Саммон.
61. Бишр ибн Хамид ас – Аскарый Абу Муҳаммад ал – Фороъидий.  
253 ёки 254, 867 ёки 868
62. Бишр ибн Ҳилол аш – Шаффоф Абу Муҳаммад ан – Нумайрий.  
247/861

63. Довуд ибн Ҳаммод ал – Қайсий.
64. Ал – Фазл ибн Муҳаммад ал – Воситий.
65. Ал – Фазл ибн Муҳаммад ибн ал – Вазир ад – Димашқий.
66. Фузало ал – Фазл ал – Куфий. 250/864
67. Ҳафз ибн Амр ибн Рибол ибн Иброҳим ибн Ижлон ар – Рибалий
68. Абу Амр ар – Рақоший. 258/872
69. Ҳажжож ибн Муҳаммад ал – Массисий ал – Аъвар. 206/821
70. Ҳамид ибн Али ал – Халлол.
71. Ҳамид ибн ар – Рабий ал – Лаҳмий. 258/871-  
872
72. Ҳорун ибн Ҳотим ал – Куфий.
73. Ҳорун ибн Мусо ибн Аби Алқама ал – Қазвиний. 253/867
74. Ал – Ҳасан ибн Амр ибн Сақиқ ал – Басрий. 232/846
75. Ал – Ҳасан ибн ал – Ҳасан ал – Марвазий.
76. Ал – Ҳасан ибн Саввор ал – Бағавий 216 ёки 217, 821 ёки 822
77. Ҳисн ибн Фузола.
78. Ал – Ҳусайн ибн Али ибн ал – Асвад ал – Ижлий. 254/868
79. Ал – Ҳусайн ибн Ҳаййон ал – Асқалоний.
80. Ал – Ҳусайн ибн Ҳурайс ибн Ҳасан ибн Собит ибн Қутба Аммон  
ал – Хузотий. 244/858
81. Ибн Абу Бакр ал – Умарий.
82. Ибн Аби Майсара.
83. Ибн Аби ас – Сифр Аҳмад ибн Абдуллоҳ Абу Убайда. 258/872
84. Ибн Ахи Яҳё ибн Исо ар – Рамлий.
85. Иброҳим ибн Абдулҳамид ат – Таммор.
86. Иброҳим ибн Абдуллоҳ ал – Халлол.

87. Иброҳим ибн Ҳорун ал— Балхий.
88. Иброҳим ибн ал— Мустамир ал— Басрий ал— Хузалий.
89. Иброҳим ибн Саъид ал— Ж авҳарий. 244, 247 ёки 249 / 858, 861 ёки 863
90. Иброҳим ибн Юсуф ал— Ҳазрабий ал— Куфий ас— Сайрофий.  
249 ёки 250 / 863 ёки 864
91. Исо ибн Аҳмад ал— Асқалоний. 268/881
92. Исҳоқ ибн Зиёд ал— Асламий.
93. Исмоил ибн Наср.
94. Исмоил ибн Яҳё ибн Одам.
95. Ж аъфар ибн Амр.
96. Ал— Ж оруд ибн Муъоз ас— Суламий ат— Тирмизий 244/858
97. Ал— Хасиб ибн Муслим.
98. Маҳдий ибн Амир. 253/867
99. Ал— Маъаммал ибн Ҳишом ал— Йашкурий ал— Басрий. 256/870
100. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Язид ал— Муқрий ал— Маккий.  
244/858
101. Муҳаммад ибн Абан ал— Балхий.
102. Муҳаммад ибн Аби Мутий. 250 ёки 251 / 864 ёки 865
103. Муҳаммад ибн али ибн ал— Ҳасан ал— Шақиқий ал— Абдий.
104. Муҳаммад ибн Аййуб ас— Сихтиёний. 252 / 866
105. Муҳаммад ибн Башшар ал— Абдий.
106. Муҳаммад ибн аз— Заҳҳок. 242 / 855
107. Муҳаммад ибн Ҳамид ар— Розий.
108. Муҳаммад ибн Исо ибн Абдуллоҳ ар— Робий. 258 ёки 260 872 ёки

874

109. Муҳаммад ибн Исмоил ибн Самра ал – Аҳмасий. 250 / 864
110. Муҳаммад ибн Маъмар ал – Басрий. 252 / 866
111. Муҳаммад ибн Маимун ал – Маккий.
112. Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Хусайн.
113. Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Марзуқ ал – Басрий.
114. Муҳаммад ибн Муқбил. 248 / 862
115. Муҳаммад ибн Мусо ал – Ҳарасий.
116. Муҳаммад ибн Убайдуллоҳ.
117. Муҳаммад ибн Убайда ибн Сулаймон.
118. Муҳаммад ибн Умара ибн Субҳ ал – Асадий.
119. Муҳаммад ибн Умар ас – Сувайкий.
120. Муҳаммад ибн Ризам ибн Абдулмалик ал – Убулий.
121. Муҳаммад ибн Садр. 243 ёки 247 / 857 ёки

861

122. Муҳаммад ибн Сайид ибн Сувайд ал – Ҳакамий.
123. Муҳаммад ибн Шужо ал – Марвазий. 244 ёки 247 / 858 ёки 861
124. Муҳаммад ибн Яҳё ибн Абдулазиз ал – Марвазий. 252 / 866
125. Муҳаммад ибн Яҳё ибн Аййуб ал – Қасарии ал – Марвазий.
126. Муҳаммад ибн Язид ибн Хунайс ал – Махзумий ал – Маккий.
127. Муҳаммад ибн Язид ан – Найсобурий.
128. Муҳаммад ибн Зинбур Абу Солиҳ ал – Маккий. 246 ёки 249/862 ёки

863

129. Мусо ибн Абдуллоҳ ас – Сифлий.
130. Наср ибн Абдурахмон ал – Вашшо ал – Куфий.

131. Наср ибн Али ибн Наср ал—Йахзамий ал—Аздий 250 ёки 251  
ал—Ҳарроний. 864 ёки  
865
132. Наср ибн Фузалаҳ.
133. Нусайр ибн Яҳё.
134. Қутайба ибн Саъид. 241 / 855
135. Ризқуллоҳ ибн Мусо. 245 ёки 260 / 859 ёки 874
136. Саҳл ибн ал—Аббос.
137. Саҳл ибн Салм.
138. Сайид ибн Абдурахмон ал—Махзумий. 249 / 863
139. Сайид ибн Яҳё ал—Умавий.
140. Солиҳ ибн Абдуллоҳ ат—Термизий. 231 ёки 239 / 845 ёки 853
141. Солиҳ ибн Муҳаммад ат—Термизий. 299 / 911
142. Салома ибн Ш абиб ан —Найсабурий. 247 / 861
143. Суфён ибн Вакий. 240 / 854
144. Сулаймон ибн Мансур ал—Балхий Абу Ҳилол ад—Заҳабий.
145. Сулаймон ибн Ҳамид ар —Рабиъ ал—Ийодий.
146. Убайдуллоҳ ар —Рабаъи.
147. Убайдуллоҳ ибн Юсуф ал—Хайфарий. 250 / 864
148. Умар ибн Аби Умар ал—Абдий.
149. Умар ибн Яҳё ибн Нафиъ ал—Убуллий.
150. Уқба ибн Қубайша.
151. Утба ибн Абдуллоҳ ал—Марвазий ал—Аздий. 244 / 858
152. Яҳё ибн Абдуллоҳ ал—Ҳарроний. 218 / 823
153. Яҳё ибн ал—Аҳмар ал—Муккатиб.

154. Яҳё ибн Аҳмад ибн Абз ат – Тоъи ал – Котиб.
155. Яҳё ибн Ҳабиб ибн Араби. 248 ёки 250 / 862 ёки  
864
156. Яҳё ибн ал – Муғира ибн Абдурахмон ал – Махзумий. 253 / 855
157. Яҳё ибн Мусо ал – Балхий. 239 ёки 241 / 853 ёки  
855
158. Яҳё ибн Мусо ал – Худоний.
159. Ёқуб ибн Иброҳим ад – Давракий. 252 / 866
160. Ёқуб ибн Шайба ибн ас – Солт ибн Усфур ал – Басрий. 262 / 876
161. Язид ибн Амр ибн Вазид ал – Барраний Абдуллоҳ ал – Ғанавий.
162. Язид ибн Маъқил Валад Аби Тибаҳ.
163. Юсуф ибн Абдуллоҳ ибн Нужайд.
164. аз – Зубайр ибн Баккор аз – Зубайрий 256 / 869 -  
870

### Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг шогирдлари

Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг шогирдлари ҳақида янги давр исломшунос – шарқшунос олимлар ҳам ўз асарларида маълумот берадилар ёки улар рўйхатини келтирганлар. Эълон қилинган адабиётлар (Б. Радтке, У. Уватов ва ҳ.к. маълумотлар) асосида ал-Ҳаким ат-Термизийнинг ўн икки нафар шогирди ҳақида фикр билдириш мумкин. Булар:

1. Абу Муҳаммад Яҳё ибн Мансур ал – Қозий.
2. Абу Мансур Али ибн Абдуллоҳ ибн Ҳолид аз – Зухлий ал – Ҳиравий.
3. Абу Али ал – Ҳасан ибн Али ал – Жузжоний.
4. Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Исо ал – Жузжоний.

5. Абу Бакр Муҳаммад ибн Умар ал-Варроқ (вафоти милодий 907 йил).
6. Муҳаммад ибн Жъфар ибн Муҳаммад ибн ал-Ҳайсам ибн Умрон ибн Бурайда.
7. Абул Ҳусайн ал-Форисий.
8. Абул Ҳусайн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Ёқуб ал-Ҳажжожий ан-Найсобурий.
9. Абу Али Муҳаммад ибн Умар ан-Найсобурий.
10. Абул Ҳасан Али ибн Курд ибн Сол ал-Уқбарий.
11. Абу Бакр ал-Увсий.
12. Ал-Ҳасан ибн Али.

Ал-Ҳаким ат-Термизий шогирдларидан бири таниқли илоҳиётчи 10 га яқин дунё динларига бағишланган асар муаллифи Абу Бакр Муҳаммад ибн Умар ал-Варроқ ат-Термизий ҳаёти ва фаолияти бевосита Термиз билан боғлиқ бўлган. Вафотидан сўнг Варроқ (907 йил) Термизда дафн этилган. Ёзма манбаларда хусусан XVII асрнинг таниқли тарихчи-географ олими Маҳмуд ибн Валининг “Баҳр ал-асрор” (Сирлар денгизи) асарида Абу Бакр Муҳаммад ибн Умар ал-Варроқ Термизийнинг қабри шаҳар деворининг ташқи шимолий тарафида шуъла тортиб турганлиги таъкидлаб ўтилган. Варроқ Термизий мақбараси профессор М. Е. Массон бошчилигида фаолият кўрсатган Термиз археологик экспедицияси ходимлари томонидан ҳам қайд этилган ва Эски Термиз ёдгорликлари харитасидан жой олган. Варроқ Термизий мақбарасининг қолдиғи XX асрнинг 80-чи йилларида бузилиб кетган.

**5. Ал-Ҳаким ат-Термизий яратган асарлар рўйхати**

Ал-Ҳаким ат-Термизий асарлари рўйхати (библиографияси) ни тузиш борасида ватанимизда ва хорижий мамлакатларда муҳим тадқиқотлар эълон қилинган. Бу борада дастлабки илмий тадқиқотлар Л. Массиньон ва Усмон Яҳё номи билан боғлиқ. Айниқса, 1954 йилда америкалик шарқшунос Н. Хер томонидан ал-Ҳаким ат-Термизий асарларининг 55 тасининг номини ва бу асарларнинг сақланиш жойлари ҳақидаги маълумотлар жуда муҳимдир. Қуйида биз шарқшунос олим Н. Хер томонидан тузилган ушбу рўйхатни тўлиқ келтирмоқдамиз.

1. Абвоб муҳталифа (Абвоб фи сифат ал-илм).
2. Одоб ан-нафс.
3. Азоб ал-қабр.
4. Ал-азийа.
5. Аж вибат масаил (аллати Саалах Аҳл Сарахс анҳа).
6. Ал-акйос ва ал-муғтаррийн.
7. Ал-амсол.
8. Ал-ақл в-ал-ҳаво.
9. Арш - ал-муваҳҳидин.
10. Бадв шаън Абу Абдуллоҳ.
11. Баён одоб ал-муридин.
12. Баён ал-фарқ байн ас-садр в-ал қалб в-ал фуъод в-ал-лубб.
13. Баён ал-илм.
14. Баён ал-касб.
15. Баён ал-маърифа ва-аш-шафаъ.

16. Ал – фарқ байн ал – оййот ва – ал – каромот.
17. Ал – фуруқ.
18. Ж арс ал – орифийн.
19. Ғавр ал – умур (Китоб ал – аъзо ва – н – нафс).
20. Ал – ҳажж ва асроруху.
21. Ал – ҳуқуқ.
22. Ал – ихтиятот.
23. Илм ал – авлиё.
24. Итиҳбат ал – илал (Илал ал – убудийа, Илал ал – шарийа).
25. Ж авоб китаб мин ар – райй.
26. Ал – жумал.
27. К айфийат ас – салот (ал – Илал).
28. Хатм ал – анбийо.
29. Хатм ал – авлиё (Хатм ал – Вилайа).
30. Манозил ал – Ибод мин ал – Ибода (Манозил ал – Қосидин ила Аллоҳ).
31. Ал – манҳийат (ал – Маноҳи).
32. Маърифат ал – асрор.
33. Масоил (Масъала) – 1.
34. Масоил (Масъала) – 2.
35. Ал – масоил ал – афана.
36. Ал – масоил ал – макнуна.
37. Масоил ат – таъбир.
38. Масъала фи ал – имон в – ал Ислом в – ал – ихсон.
39. Минҳаж фи.....
40. Ал – Минҳаж фи ал – ибодат.

41. Мунтаҳабот мин китаб – аш – шафаъ.
42. Ан – Наҳож.
43. Наводир ал – усул (фи маърифат ахбор ар – Расул).
44. Ар – радд ала ал – муъаттила.
45. Рийодот ан – нафс (ҳақиқат ал – одамийа).
46. Шарҳ ас – салот.
47. Сифат ал – қулуб.
48. Сийрат ал – авлия.
49. Табақот ас – суфийа.
50. Тафсир.
51. Таҳсил назойир ал – Қуръон.
52. Тарих ал – машойих.
53. Ат – тавҳид.
54. Тибуйан ал – амсол.
55. Ал – улум.

Олмониялик олим Б. Радтке 1980 йилда нашр этган “Ал – Ҳаким ат – Термизий IX аср ислом илоҳиётчиларидан бири” асарида алломанинг Анқара (Исмоил Соҳиб кутубхонаси), Лейпциг, Париж (Миллий кутубхонаси), Берлин, Дамашқ (аз – Зоҳирийа кутубхонасининг Тасаввуф бўлимида), Готтинген, Истамбулнинг Валиддин, Эзат, Фотиҳ кутубхоналарида, Бурса шаҳридаги Харажжи ўғли кутубхонасида ва Лондоннинг Британия музейида сақланаётган асарлари рисолалари номларини бирма – бир келтирган.

Анқаранинг Исмоил Соҳиб кутубхонасида 1571 рақамда Ал – Ҳаким ат – Термизийнинг 11 номдаги асри сақланади.

Булар қуйидагилар:

1. Китоб ар – рийоза.
2. Китоб байон ал – илм.
3. Масоил фи нийа ва – ғайриҳа.
4. Жавоб китоб мин ар – Рай.
5. Китоб ал – акйос ва – л муғтаррийн.
6. Ажвибот ал – масоил.
7. Фи – л – фарқ байан – л – оййот ва – л – каромот.
8. Китоб ал – ҳуқуқ.
9. Бадв шаън ал – мусанниф.
10. Фи масоил ат – таъбир.
11. Манозил ал – қосидин ила Илоҳ.

Лейпциг кутубхонасида 212 рақам остида алломанинг “Масъала фи – л – инсон” ва Сифат ал – ҳаво” каби асарлари бор. Париж Миллий кутубхонасида (араб бўлими 5018 рақам остида) ал – Ҳаким ат – Термизийнинг қуйидаги китоблари сақланаётганлигини Б. Радтке билан бир қаторда таниқли шарқшунос У. Уватов ҳам таъкидлаб ўтган. Бу асарларнинг номлари:

1. Китоб ас – салот ва мақосидиҳо.
2. Китоб ал – ҳажж ва асроруху.
3. Китоб ал – эҳтийотот.
4. Китоб ал – жумал ал – лозим маърифатиҳо.
5. Китоб ал – фуруқ ва манъ ат – тародуф
6. Риёзат ан – нафс (У. Уватовда “Китоб ҳақиқат ал – одамийа”).
7. Китоб урс ал – муваҳҳадийн.
8. Китоб ал – аъзо ва – н – нафс (У. Уватовда “Китоб ал – аъзо ва – н – нафс ва йусамо казалика ғавр ал – умур”).

9. Китоб манозил ал—ибод ва—л—ибодати
10. Китоб ал—ақл ва л—ҳаво.
11. Китоб ал—амсол мин ал—китоб ва—с—сунна.
12. Китоб ал—манхийот ва кулл ма вужуда ҳадис бин наҳу.

Дамашқнинг аз—Зоҳирийа кутубхонаси тасаввуф бўлимида 104 рақамда ал—Ҳаким ат—Термизийнинг қуйидагича номланган асарлари бор:

1. Китоб ал—ажйос ва—л—муғтаррин.
2. Жавоб китоб мин ар—райй.
3. Китоб баён ал—касб.
4. Масоил суъила анҳо ва—закара ағвибатаҳо л—Ҳаким ат—Термизий.
5. Китоб ар—рийоза.

Готтинген кутубхонасида 256 рақам остида ал—Ҳаким ат—Термизийнинг 33 асар ва рисолаларидан қисмлар сақланади.

Булар:

1. Китоб фиҳи сифат ал—илм фи—л—асмо ва—л—хуруф ал—муъжама.
2. Боб фи—ш—шукр ва—с—сабр.
3. Боб ихтилоф ан—нас фи—ш—шукр ва—с—сабр.
4. Боб фазл ал—илм ва—сифотихи ва—суратихи.
5. Боб байон илм ат—тақво.
6. Боб фи байон аш—шукр ва—л—ҳамд.
7. (Боб): ва мисл ҳаракот ал—одамиййин маъал ҳафаза.
8. (Боб): ва мисл ат—ташбиҳ.
9. (Боб): ва мисл ат—ташбиҳ ва—т—сано ва—л—ҳамд ва—л—Қуръон.

10. Боб урс ал— орифин.
11. Фи сифат ан — нун в — с — саври ва — с — саро ва — ма тахтау.
12. Масъала фи л — инсон.
13. Сифат ал — ҳаво.
14. Фи қавлихи таъоло: ҳува — л — аввал ва — л — оҳир ва — з — зоҳир ва — л — ботин.
15. Боб фи л — вилайа ва — т — тақво.
16. Фи қиссат узайр.
17. Фи қавлиҳи азза ва — жалла: ва — иза қазо — амран.
18. Боб моукира фи — т — ташбиҳ ва — т — таҳмид ва — т — такбир ва — т — таҳлил.
19. Камол ал — убудийа.
20. Масъала (Маъсоил).
21. Боб фи л — мурувва.
22. Суъила ан ат — тавҳид.
23. Суъила ан ал — Қуръон.
24. Масъала.
25. Фи р — руъйа.
26. Номсиз асар ёки номи кўрсатилмаган рисола.
27. Масъала фи — нийа ва — л — ҳисба.
28. Номи кўрсатилмаган рисола.
29. Номи кўрсатилмаган рисола.
30. Байон бино ад — дин аъло салосат аркон.
31. Масъала фи — ш — шукр.
32. Фазл фи даражот аз — зикр в — даражот аз — зокирин.
33. Номи кўрсатилмаган рисола.

Истамбулнинг Валиддин кутубхонасида 770 рақамда ҳам ал—Ҳаким ат—Термизийнинг 33 та асари, Эзат кутубхонасида 1312 рақам остида 7 та, Фотиҳ кутубхонасида 5322 рақамда ва Бурса шаҳридаги Харажжа ўғли кутубхонасида (806 рақамда) алломанинг 4 асари ва Британия музейида (шарқшунослик бўлими 8348 рақам) 2 та асари сақланиб келинмоқда. Табиийки бу асар ва рисоалар тўлиқ ёки айрим қисмлар шаклида давримизгача етиб келган. Баъзи бир асарлар бир неча номларда ёзилган ёки бу рисоаларнинг номлари йўқ. Ал—Ҳаким ат—Термизийнинг дунёнинг турли мамлакатларида сақланаётган асар ва рисоалари библиографиясини тузиш жуда муҳим ва ўта масъулиятли иш бўлиб, исломшунос, шарқшунос ва тарихчиларнинг жуда яқин ҳамкорлигини талаб қилади.

Юртимизда алломанинг “Наводир ал—усул” асарининг бир қўлёзма ва бир босма нусхаси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида №:10842 рақами остида сақланади. “Наводир ал—усул” нинг яна бир нодир қўлёзмаси Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси кутубхонасида №: 429 тартиб рақами остида сақланади. Юқоридаги қўлёзмаларда асарнинг “Наводир ал —усул фи маърифат аҳодис ар—Расул с.а.в.”, “Салват ал—орифийн ва бўстон ал—муваҳҳидийн ва ҳақоик ал—муқинийн”, “Наводир ал—усул фи маърифат ахбор ар—Расул с.а.в.”, “Салват ал—орифин фи бўстон ал—муваҳҳидийн” тарзида ўқилишлари ҳам зикр этиб ўтилади. “Наводир ал—усул фи маърифат ар—Расул” китобининг бир қўлёзма нусхаси Эрон Оятуллоҳ Азимий кутубхонасида № 10729 рақами остида сақланади. Яна Эроннинг Техрон шаҳридаги Саййид Сулаймон

номли кутубхонасида "Аҳодиси жадида" асари №:777 рақами остида ва "Ҳақиқат ал-иймон" асари №:2352 рақами остида сақланади. Бундан ташқари алломанинг "Рисола фи-л иймон" асари Истамбул Давлат университетиде №:729 рақами остида "Муҳаррамнома" асари Покистон Лоҳур кутубхонасида №:57 рақами остида, "Наврӯзнома" асари Россия Федерацияси Фанлар Академияси кутубхонасида №: А-342 рақами остида сақланади. Шу каби "Тақвим ас-сир" асари Эроннинг Қум шаҳри кутубхонасида №:129-1 рақами остида сақланади.

Аллома ал-Ҳаким ат-Термизийнинг асарларини излаб топиш, тавсир этиш, таржима қилиб нашр этиш ватанимиз олимларининг долзарб ва истиқболли ишларидан бўлаётир.

#### **6. Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг нашр этилган асарлари.**

Давримизга қадар сақланиб қолган ал-Ҳаким ат-Термизий асарларини исломшунос ва шарқшунослар томонидан нашр этилиши 1876 йилда Истамбулда бошланган. Ал-Ҳаким ат-Термизий асарлари энг кўп нашр этилган шаҳар Қошира, ундан сўнг Искандария ва Байрут шисобланади. Европа шаҳарларидан Рим ва Штутгартни кўрсатиб ўтиш мумкин. Булар:

1. Наводир ал-усул фи маърифат аҳдис ар-расул. Истамбул, 1293/1876.
2. Наводир ал-усул фи маърифат аҳдис ар-расул. Иккинчи нашри. Истамбул, 1896.
3. Масоил ат-таъбир. /Нашрга тайёрловчи ва таржимон А.Ж. Арберри. Рим, 1940.

4. **Шарқиқат ал-одамийа.** /Нашрга тайёрловчи Абдал Мушсин ал-Шусайний. Искандария, 1946.
5. **Риёзат ан-нафс.** Нашрга тайёрловчи Абдал Мушсин Шусайний. Искандария, 1946.
6. **Рисолату арш ул-мувашшидин.** /Нашрга тайёрловчи: П. Сбатч. Қошира, 1946.
7. **Китоб ар-рийозат ва одоб ан-нафс.** /Нашрга тайёрловчилар: А.Ж. Арберри ва Али Шасан Абдул-қодир. Қошира, 1947.
8. **Баён ал-фарқ байн ас-садр ва-л-қалб ва-л-фуъод ва-л-лубб.** /Муқаддима муаллифи ва нашрга тайёрловчи: Н. Хер. Қошира, 1958.
9. **Китоб хатм ал-авлиё.** "Бадв уш-шаън Абу Абдуллош" (Абу Абдуллош фаолиятининг бошланиши) иловаси билан. Муқаддима муаллифи ва нашрга тайёрловчи Усмон Яцё. Байрут, 1965.
10. **Китоб ас-салот ва мақосидуца.** /Нашрга тайёрловчи: Шусни Наср Зайдон. Қошира, 1965.
11. **Ал-ақл ва-л-цаво.** (Тыпиқ номи Ар-радду ал-ар-рофиза ва-л-ақл ва-л-цаво) /Нашрга тайёрловчи: А. С. Фурат. Шарқиёт мажмуаси. 1966. № 5.
12. **Ар-раад ал-ар-рофиза.** /Нашрга тайёрловчи: А.С.Фурат. Шарқиёт мажмуаси. 1966. № 6.
13. **Китоб ал-шадиди ва-асроруца.** /Нашрга тайёрловчи: Шусни Наср Зайдон. Қошира, 1969.
14. **Ташсил назоир ал-Қуръон.** /Нашрга тайёрловчи: Шусни Наср Зайдон. Қошира, 1969.

15. Рисолаи Бадв уш – шаън. Карачи. Мутолаъоти исломий. 1972.
16. Ал – амсол мин ал – китоб ва – с – суннат. /Нашрга тайёрловчи: А. М. Биғавий. Қошира, 1975.
17. Одоб ал – муридийн ва баён ал – касб. /Нашрга тайёрловчи: Абдулфаттоҳ Баракат. Қошира, 1976.
18. Маърифат ал – асрор. /Нашрга тайёрловчи: Муҳаммад Иброҳим ал – Ж уюший. Қошира, 1977.
19. Маърифат ал – асрор. Иккинчи нашри. /Нашрга тайёрловчи: Муҳаммад Иброҳим ал – Ж уюший. Қошира, 1979.
20. Ал – масаил ал – макнуна. /Нашрга тайёрловчи: Муҳаммад Иброҳим ал – Ж уюший. Қошира. 1980.
21. Илм ал – авлиё. /Нашрга тайёрловчи: Сами Наср Лутф. Қошира, 1981.
22. Китоб наводир ал – усул фи маърифату ашдис ар – расул. 1 – 2 томлар. /Съв боши муаллифи ва нашрга тайёрловчилар: Ас – сайид ал – Ж амилий ва Аҳмад Абдураҳим ас – Сайид Қошира, 1988.
23. Наврвнома. Солнома. //Наврв ва табиат сирлари. Тузувчи ва нашрга тайёрловчилар: М. Шасаний ва Ғ. Жъраева. Тошкент: Мешнат, 1991.
24. Термизлик илоҳиётчининг уч асари. Китоб сийрат ал – авлиё. Жавоб ал – масоил аллати салоҳи ашс сарахс анца. Жавоб китоб мин ар – райй. //Съв боши муаллифи ва нашрга тайёрловчи: Б. Радтке. Берлин, 1992.
25. Хатм ул – авлиё. 9 – фасл. Нубувват ва валоят /Нашрга

- тайёрловчи : Шайх Абдулворис Муҳаммад Али. – Байрут: Дорул-кутуб ал-илмийа нашриёти, 1999.
26. Сийрат ал-авлиё. /Съв боши муаллифи ва нашрга тайёрловчи: М. Кайвоний. Тецрон, 2000.
27. Бадв уш – шаън Абу Абдуллош Мозийдан садо. 2001. №4; 2002. №2). Сино. 2002. №7. Таржимон Р. Абдуллаев
28. Манозил ул-ибод мин ал-ибода. /Арабчадан таржима: Абдулқашшор Шоший. Тошкент: Мовароуннашр, 2003.
29. Наводир ал-усул. /Арабчадан Иброҳимжон Усмонов таржимаси. Тошкент: Мовароуннашр, 2006.

#### **7. Ал-Ҳаким ат-Термизий илм-фан тўғрисида**

Ал-Ҳаким ат-Термизий илм ҳақида сўзлар экан, бу масалага тасаввуф тариқати нуқтаи-назаридан ёндошади. Аллома “Китоб ал-ҳуқуқ” асарида: “Аллоҳ таоло энг аввало, илмни яратган. Илмдан эса донишмандлик (ҳикмат)ни вужудга келтирган. Донишмандликдан бўлса адолат (адл)ни ва ҳақ (ҳақиқат)ни пайдо қилган”, деб ёзади. Ана шу хил илм зикрида айтилган фикр-ўйлар “Масала фи-л-фарқ байн ал илм ва-л-фикҳ” (Илм ва фикҳ ўртасидаги фарқлар масаласи) китобида давом эттирилади: “Билим нарсаларнинг намоён бўлиши (тажаллиси) дир”, илм бу ерда айни нарсалар моҳиятининг (тажалли – жилваланиш) кашфиёти тарзида таҳлилга жалб этилмоқда. Ҳаким Термизий илм ҳақидаги қарашларини ривожлантириб, илм ва илм эгаллаш йўли билан Аллоҳни таниш, Аллоҳни англаш ва Аллоҳни билиш мумкинлиги ғоясини илгари суради. Аллома “Аллоҳ”, “Маърифат”, “Илм” – истилоҳларини ёнма-ён қўллади ва шу асосда

“маърифат ал—илм биллоҳ” — “Худони билим билан таниш” шиорини устуворлаштиради.

Ал—Ҳаким ат—Термизий “Китоб ал—ақл ва—л—ҳаво” (Ақл ва кибрланиш ҳақида китоб)да ёзади: “Ал маърифат тасдиқ ал—қалб би—иқрор ал—лисон—Аллоҳни англашда қалбан тасдиқлаш ва тилда иқрор бўлиш” лозим. Ислом динида илм—иймон (эътиқод)га тенг қўйилади, ҳатто дастлабки кезлар Ислом сўзининг ўзи ҳам илмни англатар экан. Иймон ва илм, илм ва иймон баробар тушунчалар бўлиб, кейинроқ унга “тасдиқ” истилоҳи тиркалади. Иймон илмнинг шаклдоши (маънодоши), тасдиқ эса қалбни маскан айлайди, иймон Худонинг тасдиғи ва эътирофидир. Илм ва тасдиқ ўзида иймонни тажассум этса, илм ва иймон тасдиқда жилванала (тажалли топа)ди. Иймон Аллоҳ ҳақидаги илм (маърифат)дир, зеро иймон ва илм тасдиқ маъносини англатади. Ана энди ал—Ҳаким ат—Термизий айтган: “ал маърифат тасдиқ ал—қалб би—иқрор ал—лисон”нинг маъзини чақиш мумкин бўлади. Демак Аллоҳ билимини ёки Аллоҳни билиш учун, англаш учун уни қалбда ҳис этиш, қалб билан тасдиқлаш ва унга тилда иқрорлик изҳори даркор экан.

Исломда иқрор моҳиятан ҳам тасдиқ ва ҳам иймонга яқин жиҳатларга эгадир. Тасдиқ каломи иқрор каломи билан уйғун ва уйқаш, ҳатто улар иймоннинг бир бутун икки палласи сифатида эътирофини топган. Иймон ҳатто тасдиқ ва иқрорнинг қўшиливидан ҳосил бўлган ҳам дейилади, шу зайлда илм—илдизни, иймон—тилни, тасдиқ—қалбни, иқрор—аҳкомни намоён этади. Гоҳо юқоридагиларнинг таъсирчан ифодаси учун “яқин” истилоҳи қўлланган, ўзбек тилида яқин сўзи узоқнинг зиди бўлган ҳолда,

тасаввуфда яқин (арабча) сўзи ишонч (иймон) маъносини англатади. Шундан бўлса керак Ислом динининг дастлабки кезлари “Иймон нимадир?” деган саволга одатан: “Бу – тасдиқ ва маърифат ва яқин ва иқрор ва ислом” деб жавоб берилар экан.

Тасаввуф илмида “илм” истилоҳи аксаран “маърифат” ва “яқин” (ишонч) истилоҳлари билан алмаштирилади. Ислом динида Худонинг танҳолиги ва ягоналиги эътирофи илм – маърифат, иймон, яқин (ишонч)да акс этганидек, Қуръон бўйича яқин – ишонч аслида ҳақиқатнинг маънодошидир. Яқин – ишонч, шунингдек, шубҳа ва гумонлардан, хато ва алдов унсурларидан тамоман холи илмнинг энг олий шаклидир. Яқиннинг худди шу ифодаси тасаввуфда устувор мақом ва мавқега эга бўла бошлади. Ал – Ҳаким ат – Термизий ақидасича, илмга зид жаҳл бўлса, яқинга зид шакдир. Сўфийлик тариқати назариётчилари ўртасида ҳар қандай яқин ва иймон масаласида икки ёқлама қарашлар мавжуд бўлган кўринади. Боиси сабр ва шукр иймоннинг атиги бир палласини ташкил этган ҳолда, тариқатчиларнинг таъкидича, яқин иймоннинг мукамал намойиши – тажассумидир. Ал – Ҳаким ат – Термизий “Китоб ал – ақл ва – л – ҳаво” (Ақл ва кибрланиш ҳақида китоб) номли асарида айнан яқинни маърифатдан бир поғона юқори қўяди. Мутаффакир Алишер Навоий “Насойим ул – муҳаббат”да ал – Ҳаким ат – Термизийнинг яқин (ишонч) ҳақидаги фикрини келтиради: “Яқин ҳақида сўрадилар. Айтди: Қалбнинг Аллоҳ ва унинг амрлари билан қарор топишидир”.

Сўфийлар тасдиқни иймоннинг маънодоши дейишлари баробарида яқинни эса “соф иймон” шаклида аташга мойиллик

билдирадилар. Ҳатто Муҳаммад ал-Ғаззолий (1058–1111) яқинни “илм ал-яқин” – “дин илми” дейишгача бориб етади. Яқин ишончли билим ҳам демакдир, чунончи, Абу Бакр Варроқ Худони фақат яқин (ишонч–илм) орқали билиш мумкин деган даъвони ёқлаб чиқади. Варроқ айтар экан: “Яқин дилга таскин беради ва иймон камоли у биландир”. Варроқ давом этиб айтади: “Яқин уч турлидир: яқин – хабар, яқин – далиллаш, яқин – мушоҳада”. Варроқ яқинни нурга менгзайди: “Яқин – бу нур, банда ўз аҳволида у билан мунаввар бўлади, кейин ўша нур уни эътиқод (иймонли) даражасига еткази”. Бу қарашларга ўхшаш талқинлар ал- Антокий (ваф. 853 й.)да ҳам мавжуд, у яқин (ишонч)ни нурнинг ўзи дейди ва инсон нариги дунё сирларидан воқиф бўлсин учун нур Худо тарафидан инсон қалбига жойлаштирилган экан.

Тасаввуф таълимотида илм “нур” истилоҳи билан берилади, демак нур – илм, илм эса ўз навбатида нурдир. Қуръони каримда айтилишича нур фақат Аллоҳ томонидан инъом этилади. Нур – содиқ қулини ҳақиқий иймонга етаклайди, демак иймон – қалбдаги нур, ориф (худони таниш)лик шуъла бўлса, иймон айна нурнинг ўзидир. Қуръонда “Аллоҳ ўз нурига ҳар бир истаган бандасини олиб боради” дейилади.

Булар Мансур Ҳаллож (857–922) шарҳларида ушбу хилда жаранглайди: “қалбларни мунаввар этувчи нарса – Аллоҳнинг нури, Аллоҳ нури кишиларга йўллайди. Илҳом нури – инсон бошида, суҳбат нури икки қош ораси (пешона)да, яқин (ишонч) нури – кулоқда, равшанлик нури – тилда, иймон нури – бағир (кўкрак)да жойлашган”.

Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг таъкиди (Ас салот ва мақасидуҳа

бўйи)ча: “Аллоҳга қаратилган ҳар бир калом ўзига хос турфа нурларга эга. Нурларнинг бу хил турфалиги айна донишмандлик нури — Аллоҳга яқинлик нури, Аллоҳнинг чеҳраси улуглиги, табиийки, ўз ранги ва шуъласи билан турлича. Шунга биноан, тавҳид (Худонинг бирлиги, Аллоҳнинг ягоналигини дилга сингдириш) ва иймон (эътиқод) нурлари мавжудият оламида барқарордир”.

Ал — Ҳаким ат — Термизий ўз фикрларини давом эттириб айтадики: “ҳар қандай ҳақиқий маънавий дунёни билиш ёки мушоҳада этиш, янада аниқроғи ботиний дунёқараш табиатан нур сифатида қаралади. Бу нурга, албатта, содиқликни истовчи, садоқатни изловчи қули етади, Аллоҳнинг нурларидан фақат ва фақат содиқ қули баҳра олади ёки аксарият мутасаввуфлар нур орқали, нур воситасида ёки нур (илм)да Аллоҳни кўришни, англашни истайдилар”.

Нур мавзуи ўта қадимийдир, у Қуръоннинг иккинчи бир номи Фурқон (фарқлар, яхшини ёмондан, ёмондан яхшини фарқлаш) да тўқис тажассумини топган. Фурқоннинг маъно — мағзи шуки: нурнинг инсон қалбига жо этилишидан мурод ҳақни ноҳақдан ажратишдан иборатдир.

Сўфийликда маърифат нури ва ботиний нур (ан — нур ал — ботин) — ички нур, ички илм бир нарсадек талқин этилади, яъни маърифат нури — идрок нури, ботиний нур — тариқат илми ҳисобланади.

Тариқат нури — ботиний нур ал — Ҳаким ат — Термизий назарида худди маърифат нурининг ўзидир ва аллома “Китоб баён ал — илм” да уни ушбу борада танқид қилган сўфийлар билан мунозарага киришади. Ал — Ҳаким ат — Термизий ушбу хил нотўғри усул илм

(анъанавий илм – фикҳ)ни йўқотишга олиб келишини баралла айтади. Аллома зикрича, айрим сўфий олимлар диний илм масалалари баҳсига ҳамкасблари ўртасида обрў орттириш илинжида аралашар эканлар. Аммо улар бу йўл билан изланишларнинг самарасига эриша олмаганларидек, маънавий неъматдан ҳам бебаҳра қоладилар. Сўфийлар ана шу хил олимларга қарши курашади, ўзлари нимани ўрганишга киришса, уни шу фаросат ила таҳлил этади, бу эса уларни идрок ва ишончга етаклайди. “Зеро, илм – бу нурдир. Инсон Аллоҳ таоло олдида қанчалик даҳшат – ваҳшатга тушса, у шунчалик нурга эришади. Қалб қанчалар гуноҳдан покланса, илм шу қадар мунаввар ва мукамал бўлади”.

Эътибор берилса, ал – Ҳаким ат – Термизий нур, илм, қалб ва умуман, мусаффолик, Аллоҳдан қўрқиш сингари тушунчаларни бир сафга қўймоқда. Бу тушунчаларнинг барчаси биргаликда жамланиб, оқибатда улар ўртасидаги кескин фарқлар, ҳатто бора – бора сезилмай қолмоқда. Хуллас, сўфийлик таълимотида нур ва илм бирдек олиб қаралади, улар биргаликда сирларнинг асоси деб талқин этилади. Нур – илҳом, ҳиссиёт, ҳаяжон рамзи ва мунавварлик ибтидоси, илм – тизимлаштириш дебочаси, назарий – амалий соҳа ва муслмон оламининг, сўфийлик маърифатининг ажралмас бир қисмидир.

Тасаввуфшунос олим Ҳамиддулла Кароматов ўз кузатувларида қуйидаги нарсани таъкидлайди: “Айтишларича, VIII асрда Ибн ал – Муқаффаъ (724 – 760) Қуръонга сохта нусха яратиб, уни шарқона сўзлар билан бошлаган: “Меҳрибон ва марҳаматли Нур номи билан ...”. Ф. Роузентап фикрича, бу ҳолатда монийлик ва балким

зардуштийлик таъсири сезилади. Ат – Табарий (839 – 923) ва аз – Замахшарий (1074 – 1144)га таянган Ф. Роузентал Қуръондаги нур сўзини – “унинг воситасида осмондаги ва ердаги жонзотларни билиш ва ўзлигини билдирмоққа қодир”, деб хулоса чиқаради.

Тасаввуф бобида Мансур Ҳаллож мазкур Қуръоний иборани “мунаввир ул – қулуб” – “қалбларни равшанлаштирувчи, маърифат берувчи” маъносида талқин қилган. Бу оятга ал – Ғаззолий (1058 – 1111) энг тўлиқ шарҳ битиб, “Мишкот ул – анвор” асарини яратган.

Ал – Ҳаким ат – Термизий бошқа мусулмон тафаккури намояндалари каби мутасаввуфлар моддий манфаат ва сохта шуҳрат йўлида илмни суийстеъмол қилувчи илм аҳлидан шикоят қиладилар ва уларни қаттиқ танқид остига оладилар.

Сўфийлик тариқати ва таълимоти илм хусусида жуда кўп баҳсу мунозара қилади ҳамда турли хулосаларни ўртага ташлайди. Илмни нур тарзида талқин этган сўфийлар унинг бошқа қирраларини кашф этишга интиладилар ва бу соҳада қатор ютуқларни қўлга киритишга эришган ҳамдирлар. Сўфийликда илмга бир ёқлама муносабат изҳор этилмайди, балки илмни бутун бошли борлиғи билан намоён этиш йўлида толмай кураш олиб борилади. Чунончи, тасаввуф илмни том маънодаги фан даражасига етказиш ниятида унинг турли усулларини ишлаб чиқади ва шундан сўнггина таҳлилга ўтади.

Шундай сўфий назариётчиларидан бири ал – Муҳосибий (ваф. 243 / 857 – 858 й.) дир, унинг “Китоб ал – илм” (Илм ҳақида китоб) рисоласида Худо ва илм масалаларига оид ғоялар тарғибу ташвиқ қилинади. Унинг фикрича, илм ҳамиша амалиёт билан иттифоқлик касб этади, бу ақида Қуръон ва Пайғамбар суннатидан озукланган

илмнинг диний моҳиятини очишда қўл келади. Бу ахлоқ мажмуаси диний мажбуриятни бажарувчи ва айна вақтда Худони изловчи бандалари зиммасига юкланади.

Илмнинг софлигини асраш ва авайлаш лозим, шу каби уни такаббуруна ғурур ва ўз – ўзини алдов сингари хавфлардан муҳофаза этиш ҳам жоиз. Муҳосибий “Китоб ал–илм”да илмни уч гуруҳга тақсимлаб ўрганади, биринчиси ҳуқуқий билимлар, яъни илми зоҳир – ташқи илм, унда бу дунёда нима қонуний ва нима ноқонуний эканлиги тайин этилади. Иккинчиси нариги дунёни ўрганувчи билим, яъни илми ботин–ички илмдир, ниҳоят учинчиси Аллоҳ илми – Илоҳий қоидалар, бу ва у, нариги дунёда амал қиладиган илмдир. Илмнинг ана шу уч хил сифатлари Фазл ал–Балхий (ваф. 319/931 – 32 й.) томонидан янада муфассал ва ҳикматона бир йўсинда таърифланади. Балхий тавсифи бўйича, илм ушбулардан иборат: Би Аллоҳ – Аллоҳ илми, Мин Аллоҳ – Аллоҳдан илм, Маъа Аллоҳ – илм Аллоҳ ила. Юқоридаги таснифга кўра, Би Аллоҳ – маърифат илми, илоҳий рамзлар ҳақидаги илм. Мин Аллоҳ бўлса, ҳамма билиши мумкин ва айна замонда пинҳоний, қонунда зикр этилган нима мумкину нима мумкин эмас билими. Кейинги Маъа Аллоҳ – ваҳима ва умид, муҳаббат ва истаклар илми.

Америкалик шарқшунос Франц Роузентал фикрига қараганда, ал – Муҳосибийдан бошланган илмнинг сўфиёна талқинлари соҳасидаги изланишларнинг ибтидоий сарчашмалари ҳали аниқланганича йўқ. Тўғрироғи, Муҳосибийга қадар билимни шу йўналишда ўрганиш учун интилиш ёки ҳаракат бўлган бўлмагани тайин этилмаган, эҳтимол бошқа бир йўналиш мавжуд бўлгандир, буёғи ҳам қоронғи. Аммо

Муҳосибий қарашларини давом эттирувчилар бўлди ва бу Муҳосибийнинг кучли таъсирида рўёбга чиқди. Шундайлардан бири ал-Ҳаким ат-Термизийдир, у “тасаввуф—бу билим”, деган ғояни жиддий ҳимоя қилди ҳамда тасаввуфнинг илм мақомини олиши йўлида беқиёс жонбозликлар намунасини кўрсатди.

Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг “Китоб баён ал-илм” асарида айтилиши шундай: бу ғоялар илгари сурилади, унинг айтишича, айримлар унга илмни барбод қилишда айб қўядилар. Бу хил кишилар хато равишда илмни фикҳга баробар ҳисоблайдилар ва уларнинг ақидасича, фикҳ—ягона илм, у Худога хизмат қилади ва Исломи мустаҳкамлайди, қолган ҳамма нарса илм эмас, балки вақтни бекор ўтказиш ва беҳуда ҳаракатдир. Ал-Ҳаким ат-Термизий бўлса, бу қарашлар билан мувофиқлаша олмайди, унинг фикрича, илм—бу нозик истилоҳ, зеро ўз вақтида Муҳаммад с.а.в. ҳам бунга муносабат изҳор этган эди. Пайғамбаримиз ҳадисларига қулоқ тутинг: “Илм уч нарсада: Қуръоннинг дурахшон шеърларида, суннат эътирофида ва юксак диний эътиқодда намоён бўлади”.

Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг “Китоб баён ал-илм” асарида келтирилган бу ҳадис илмнинг сўфиёна уч йўналиши ҳақида тасаввур ҳосил қилишда имкон беради. Бу фикрлар ал-Ҳаким ат-Термизийнинг “Хатм ул-авлиё” китобида ривожлантирилади ва илмнинг уч тури изоҳи қуйидаги шаклда берилади: мумкин бўл (изн берил)ган ва мумкин бўлма(изн берилма)ган ҳодисаларни шарҳловчи илмлар, бунда ҳикмат донишмандликни ёки фалсафани англатади, маърифат эса сирларнинг тагига етишни билдиради.

Тасаввуфни илм сифатида эътироф этиш ал-Ҳаким ат-

Термизийни орқага қайтишга мажбур қилади, боиси иқтибос олинган юқоридаги ҳадислар ҳақиқатан илмнинг уч навъини тасдиқлайди. Аллома ўша қўлланган уч иборанинг уч фан турига тенглигини исботлашга интилади. Бу ўринда фикҳ хусусида сўз юритган бошқа бир ҳадис ҳам қараб чиқилиб, муаллифнинг эътирофича, фикҳни ҳам аниқ фанга дахлдор деб тушунмоқ лозим, айтмики, Аллоҳ илми худди шундайдир.

Ал-Ҳаким ат-Термизий Пайғамбарнинг яна бир ҳадисларига эътиборни тортади, яъни ҳар қандай илмнинг боши (раъс ал-илм) ваҳшат илми ва Аллоҳ илмидир.

Ал-Ҳаким ат-Термизий шу тариқа Муҳосибий фикрларини ривожлантириб, сўфийларнинг ўз илми ва фани борлиги ҳаракатларини асослашга интилади. Қолаверса, алломанинг тасдиқлашича, сўфийлар ўз илмий изланишларида собит бўлиб, илмни хизматга яраша тақдирлашда ҳам ягонадирлар. Зеро, сўфийлар илмни фақат фидокорона фидойиликни тақоза этувчи омил сифатида эътироф этадилар. Тассавуф – нафақат илмлардан бири, балки ягона, бўлганда ҳам шу фазилатларга лойиқ бўлган асл илм. Аллома ўзининг "Масоил ат-таъбир" асарида ушбуларни қайд этади: "Аллоҳга таъзим ибтидоси замирида ҳам илм ётади, агар сен илмга эга бўлсанг, маърифатни эгаллайсан, сенда маърифат бўлса, демак сен таъзим қиласан". Китобнинг кейинги саҳифаларида жами илмлар алифбо ҳарфларига сингдирилган дейилади ва бу ҳуруфийлик мазҳабига мойиллик аломатларини билдиради. Худди шу китобда илм ҳақида қуйидаги фикрлар берилади: "Кимки, билимнинг саҳоватидан баҳра

олишга сазовор бўлса, у Аллоҳга яқин кишидир. Илм – танҳоликда дўст, зеро илм танҳоликда одамларга ҳамиша шерикдир. У ҳар қандай шароитда ҳам йўлчи юлдуз, дўстлар даврасида безак, билим туфайли ўзгалар ичида ўзиники бўласан, билим – жаннатга элтгувчи раҳнамодир”.

Ал – Ҳаким ат – Термизийнинг илм зикридаги фикрлари кейинги даврларда ал – Мотуридий (ваф. 944 й.) ҳамда ас – Саррож (ваф. 988 й.)лар томонидан давом эттирилиб, ривожлантирилди. Негаки, аллома ал – Ҳаким ат – Термизий ўз ҳариф(рақиб)лари билан курашди, асосан, тасаввуфни Қуръон ва суннатга монез эмаслигини, аксинча, тасаввуф Пайғамбар с.а.в. сийратига, унинг саҳобаларига пайрав қилинишини исботлашдан иборат эди. Қисқаси, тасаввуф илм ҳақида баҳс этар экан, у ягона мақсадни мўлжалга олади, яъни Ислом – илм, иймон – илм, тавҳид (Аллоҳнинг ягоналиги) – илм, маърифат (Худо илми) – илм. Маърифат сўзи ўрнига гоҳо тасдиқ сўзи иймоннинг маънодоши сифатида учрайди, тасдиқ аслан илмнинг таркибий қисми, иймон ва тасдиқ тенг кутбларга эга. Иймон – Аллоҳ маърифати, яъни Аллоҳ илми, иймонсизлик (куфр) эса, оддий билимсизлик – жаҳлдир, яъни жаҳолат. Иймон Худога тасдиқдир, тасдиқ эса қалбда маскан топгандир, ана шу тариқа, илм – илдиз, иймон эса унга ишорадир, умуман, иймон қалб орқали қилинган тасдиқдир, мабодо иймон кучлироқ бўлса, унда у яқин ибораси билан ифодаланари. Ал – Ҳаким ат – Термизий Ислом, иймон, маърифат ва тасдиқ инсоннинг Худо илмини билишдаги турфа йўналишлари эканлигини айтади. Аллома гоҳо “маърифат” ва “тасдиқ” ўрнига “ақл” истилоҳи ишлатилганига

ҳам ишора қилиб ўтади. Шундай қилиб, тасдиқдан сўнг илм маъносида "иқрор", "тасаввур", "идрок" иборалари истеъмолга кенг қўллана бошлайди. Қисқаси, иқрордан тасдиққа, тасдиқдан идрокка, идрокдан тасаввурга қараб йўналиш ҳукм суришлари ҳам аллома ал-Ҳаким ат-Термизий назаридан соқит этилмаган.

Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг "Китоб баён ал-илм" (Илм баёни китоби), "Илм ал-авлиё" (Авлиё илми), "Сийрат ал-авлиё" (Хатм ул-авлиёнинг иккинчи бир номи), "Ал-илм" (Илм тўплами), "Китоб ал-ҳуқуқ" (Ҳуқуқ китоби), "Табақот ус-суфия" (Сўфийлар табақаси), "Китоб ал-ҳикма илм ал-ботин" (Донишмандлик илмининг ички сирлари китоби) каби асарларида илмнинг назарий асослари ва бу борада сўфийларнинг тутган ўрни ўз аксини топган. "Китоб ал-ҳуқуқ" асарида ал-Ҳаким ат-Термизий илм ҳақида шундай таъриф беради: "Илм – бу нурдир. Инсонлар Аллоҳ таоло олдида қанчалик масъулият ҳис этса, шунчалик маърифатга эга бўлади. Инсон қалби ёвузликдан қанчалик тозаланса, илм янада мукаммал бўлади ва нур таратади".

Ал-Ҳаким ат-Термизий асарларида илм ва ҳикмат (донишмандлик) сўзлари IX аср мусулмон дунёси олимлари асарларида бўлганидек, маънодош сифатида ишлатилади ёки илм (оддий доимий) ва олий илм – маърифат ва ҳикмат деб талқин этилади. "Инсонларга хос олий билим илоҳий қудрат томонидан берилган маърифат ёки ҳикмат бўлиб, бу одамзот юрагига сингдирилган", деб таъкидлайди аллома. Шариат қоидаларини талқин этадиган ва уни ҳаётга татбиқ қиладиган илмдан фарқли маърифат ва ҳикмат жисм ва ҳодисаларнинг ички, сирли хусусиятларини англайди.

Илм мутолаа давомида шакланса, маърифат Аллоҳдан унинг бандаларига берилган буюк неъматдир.

Маърифат ёки ҳикмат маълум инсонларга, яъни дунёвий юмушлардан холи, бутун қалби ва эзгу ниятлари билан Аллоҳ таолога интилан шахсларгагина хос бир мўъжизадир. Илм зикрида сўфийлик оламидаги энг олий фикр айтган шахс ва шайх бизнингча, Абу бакр Абдуллоҳ ибни Тохир (ваф. 330/942 – 42 й.) бўлса керак, бу ҳақда Абдурахмон Жомий “Нафаҳот ул–унс” ва Алишер Навоий “Насойим ул–муҳаббат”да ажойиб нақл келтиришади. Абдуллоҳ ибн Тохирдан “Ҳақиқат нимадир?” деб сўрашганда:

– Ҳақиқат – бу илмдир. Ва ундан илм нимадир дейишганда:

– Илм – бу ҳақиқатдир, – деб жавоб қайтарган экан.

Юқоридагилардан хулоса шуки, тасаввуф энг аввало, Ислом динининг мафкураси, унинг тарғиботчиси эканини унутмаслигимиз лозим. Зеро, Ислом динининг бутун тарихи давомида тасаввуф Худо ва Пайғамбар, Аллоҳ ва Расул, Аллоҳ ва Наби, Аллоҳ ва хабарчи тушунчаларини шарҳлаши баробарида Ислом динининг ўткир ташвиқотчиси бўлиб келди.

Ал–Ҳаким ат–Термизий илм шуълаларини таратувчи тасаввуф экани ташвиқотини зинҳор рад этмаган ҳолда, унинг турли қирраларани топишда толмай интилди. Ҳатто, алломанинг қабр тошларида шундай ҳадис битилган ва у яхлит бир қоида асосида қурилгандек жаранглайди. Мана ўша ҳикмат: “Ҳар ким илмнинг изидан бўлса, жаннат унинг оёғи остидадир, ҳар ким гуноҳ изидан бўлса, дўзах унинг оёғи остидадир”. Ёки Аллома айтадики: “Энг қийналган вақтларимда китобларим менга тасалли берар эди” ёки

“Замон шиддатлари менга зарба берганда, мен ўз китобларимга суянардим”.

### **8. Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг фалсафий мероси.**

Ал-Ҳаким ат-Термизий яратиб қолдирган улкан дунёвий ва диний – фалсафий мерос қуйидаги асосий катта гуруҳларга бўлинади. Булар тафсир, ҳадис, илоҳиёт (илми калом), фикҳ, тасаввуф ва сўфийлик тарихи, ҳуқуқшунослик асослари ҳамда бошқалар.

Ал-Ҳаким ат-Термизий кўпчилик манбаларда ал – муҳаддис деб ҳам тилга олинади.. “Ар – рисола ал – Қушайрия” муаллифи Абдулқосим Қушайрий (986 – 1044) алломани ҳадис илми соҳасида Имом ал – Бухорий (810 – 870) билан бир қаторга қўйган.

Ал – Ҳаким ат – Термизий ҳадис соҳасида бешта асар яратган.

1. “Ал – амсол мин ас – сунна” (Суннатдан мисоллар), маълумотларга кўра бу “Ал – амсол мин ал – китоб ва ас – сунна” – (Суннат китобидан мисоллар) асарининг бир қисми саналади).
2. “Ар – радд ала – ал – муъаттила” ёки “Китоб ар – радд ала ал – муъаттила”. (ал – муъаттилийлар инкори ёки уларга раддия), бу асарда ал – муъаттилийлар (яъни Муътазилийлар)нинг ғоясига қарши фикрлар изҳор этилади.
3. “Ал – фарқ байн ал – оййот в – ал – каромот” (Оятлар ва кароматлар ўртасида фарқлар).
4. “Наводир ал – усул фи маърифат ахбор ар – Расул”. (Пайғамбар маърифатининг нодир усули). Бу китоб “Наводир ал – усул фи маърифати аҳодис ар – Расул” – “Пайғамбар ҳадисларини англашдаги нодир усуллар” ҳам деб аталади. Шунингдек

“Салват ал—орифийн ва—л бўстон ал—мувахҳадийн” — “Орифлар овунчоғи ва Аллоҳнинг ягоналигига ишонувчилар бўстони” шаклидаги иккинчи бир номда ҳам юритилади.

5. “Ал—манҳийат ва кул маварадамин ҳадис бин—Наби (Таъқиқланган ишларни ифодоловчи Расуллилоҳ ҳадислари) ёки “Китоб ал—манҳийат ва кул мавакадамин”. (Таъқиқлар тўғрисидаги китоб) ҳам дейилади.

Бу асарлардан бири “Наводир ал—усул фи маърифат ахбор ар—Расул” китоб шаклида нашр юзини кўрган бўлса, қолганлари кўлёзма шаклида дунёнинг турли кутубхоналарида сақланади.

Аллома таржимаи ҳолидан маълумки, у ёшлигидан бошлаб ҳадис илмидан сабоқ олган, муҳаддислар билан танишган ва шу билан бирга ҳадис тўплаш билан шуғулланган. Ҳадисларни тасниф этиб, уларни шарҳлашга киришган, бу борада унинг ўз усули ва услуби бўлиб, ҳадисларнинг нозик қирраларини очиб беришга интилади.

Ал—Ҳаким ат—Термизий яшаётган давр ва муҳитда ҳадис айтиш ва тўплашга катта эътибор берилган. Шунингдек, унинг отаси Али ибн ал—Ҳасан ат—Термизий ҳам таниқли муҳаддис бўлган ва шу боис ал—Ҳаким ат—Термизий асарларида кўплаб ҳадислар отаси номидан келтирилади. Ал—Ҳаким ат—Термизий асарларида бобоси (она томони)дан, “Ар—рад ала ал—муъаттила” асарида эса онасидан эшитган ҳадисларни келтирган.

Таъкидлаш жоизки, ал—Ҳаким ат—Термизийдан бошқа олимлар ҳам, хусусан, “Наводир ал—усул” асарида таъкидланишича, хуросонлик олимлар ҳам ҳадислар ўрганганлар. Зотан ал—Ҳаким ат—

Термизий яшаган замонда ҳадис тўплаш, жамлаш, уни атрофлича шарҳлаш, изоҳлаш олимларнинг кундалик ишига айланиб, бу одат илмда устувор мақомга эгаллиги билан ажралиб турар эди.

“Наводир ал—усул” асарини ўрганиш ва уни таҳлил этиш шуни кўрсатадики, ал—Ҳаким ат—Термизий буюк муҳаддислар Имом ал—Бухорий, Абу Муслим (Имом Муслим ибн ал—Ҳажжож 819—874) ва бошқалар риоя қилган ҳадис тўплашнинг анъанавий усулига амал қилмаган. “Наводир ал—усул”да айна Расулуллоҳ ҳадислари ва Қуръон оятлари хусусида сўз юритилади. Асарда пайғамбар ҳадисларидан 291 таси “Усул” сарлавҳасида жамланган, усул—бобни англатади, боб (усул)да маълум мавзу ҳадис орқали баҳсга тортилади ва у Қуръоний оят ила қувватланади. Демак мавзу, мавзуга доир ҳадис, ҳадисга хос Қуръон ояти—жами биргаликда баҳснинг тугал шарҳини топади. Ал—Ҳаким ат—Термизий одатан ҳадисларни теран кузатади, ҳадиснинг ботиний маъносини очишга ва уни инсон ҳаётига татбиқ этишга интилади.

Унинг маълум бир ҳадисшунослик соҳаси билан шуғулланишга қарор қилган йўли—бу соҳани ҳадис ёғдусида чуқур ўрганиш, аниқ манбалар орқали ҳадисларни тўплаш ва ўз фикрларини янада асослашдир. Бу усул ҳақида у “Ар—рад ала ал—муъаттила” асарида тўхталиб ўтади. Бу асарида Ал—Ҳаким ат—Термизий Аллоҳга яхши нисбат беришни рад этувчи Муътадилиий (муътазилий)лар оқими таълимотини инкор этувчи ҳадисларни тўплаган. Бу асарда у “аҳл ас—Сунна” (суннийлар аҳли) диний эътиқодларини қўллаб—қувватловчи ҳадисларни ҳам тўплаган. Улар (аҳл ас—Сунна) Аллоҳ яхши нисбатга

эга эканлигини таъкидлашган.

Ал—Ҳаким ат—Термизий таъкидлашича, яхши нисбат Аллоҳнинг бир қисми эмас, балки унда мавжуд. Аллоҳнинг яхши нисбат—билим, куч, ҳаёт, ирода, эшитиш, кўриш, сўзлаш ва ҳоказоларда намоён бўлади.

Ал—Ҳаким ат—Термизийнинг ҳадисшунослик соҳасидаги иккинчи асари “Китоб ал—манҳийот ва кул мовақадамин” (Таъқиқлар тўғрисида китоб) деб номланади, бунга сабаб Қуръони каримда таъқиқланган ишларни ифодаловчи ҳадисларни тўплагани учун аллома асари шундай ном олган эди. Ал—Ҳаким ат—Термизий “Таъқиқлар тўғрисида китоб” асарида барча таъқиқланган ишларни санаб ўтади, ман этилиши сабабларини келтиради, агарда ман этилган нарсалар инкор этилса, у ҳолда ундан келиб чиқадиган зарарни очиб беради.

Ат—Термизийнинг “Ал—амсол мин ас—сунна” асари эса Қуръони карим оятлари шарҳигага бағишланган асардир. Ал—Ҳаким ат—Термизийнинг “Ал—фарқ байн ал—оййот в—ал—каромат” асарининг асосида авлиёлар каромат қила оладиларми ёки йўқми деган масала ётади. Аллома асарда даставвал тарихга, хусусан бошқа халқларнинг Исломга қадар тарихига мурожаат этади. Авлиёларнинг кароматлари ҳақидаги фикрларини тасдиқлаш мақсадида 80 га яқин ҳадис келтиради. Ал—Ҳаким ат—Термизий пайғамбарлар ва авлиёлар ўртасидаги фарққа тўхталиб, пайғамбарлар бажарадиган иш “мўъжиза” ва авлиёлар бажарадиган иш эса “каромат” эканлигини таъкидлайди.

Ал—Ҳаким ат—Термизийнинг ҳадислар борасидаги энг йирик асари “Наводир ал—усул” (Нодир усуллар) деб номланади. 1876 йилда

Истамбулда Мустафо ад-Димашкий томонидан нашр этилган бу асар 291 та ҳадисни қамраб олган бўлиб, ҳар бири мусулмон маънавиятининг – муомала тарзи, иш, ўзаро муносабат, ибодат қилиш каби турларига бўлинади. Ал-Ҳаким ат-Термизий бу асарида инсонларни ҳадисни қабул қилишлари борасида шундай фикр билдиради: “Агар инсон ҳадисни эшитса ва қалбан қабул қилиб уни инкор этмаса, билингки бу тўғри ҳадис: Чунки Пайғамбаримиз нималар маъқул ва шубҳали эмаслигини ҳар доим таъкидлаганлар”.

Ал-Ҳаким ат-Термизий ўз ўрнида йирик ислом фикҳшунос олими ҳисобланади.

Ал-Ҳаким ат-Термизий фикҳшунос сифатида куйидаги асарларни яратган:

1. “Кайфийат ас – салот ёки Илал ал – ибодат” (Намоз кайфияти ёки Ибодат иллатлари).
2. “Ал – ҳажж ва асрориҳи” (Ҳажж ва унинг сирлари).
3. “Шарҳ ас – салот ва мақосидуҳа” (Намоз қоидаларининг шарҳи).
4. “Сабаб ат – такбир фи – с – салот” (Намозда такбир сабаблари).
5. “Ал – масоил ал – афинаҳ” (Фан масалалари).
6. “Китоб ал – ҳуқуқ” (Ҳуқуқ китоби).
7. “Исбот ал – илал” (Нуқсонлар исботи).

Ал-Ҳаким ат-Термизий фикҳ илмини ўзига хос йўналишда ўрганди, унинг бу соҳадаги асарларида айрим фикҳшунослар ўз билимларини шахсий манфаатлари йўлида фойдаланганликлари учун аёвсиз танқид остига олинади. Пайғамбаримиз (с.а.в) ўғитлари ва қилган ишларини ўрганишга эътиборсизлик билан қараган

фиқҳшуносларнинг қалби жоҳил ва тунд бўлиб ўсади, — дейди у. Аллома аслида бу танқид билан илмни қораламайди, балки унинг фикрича илм Аллоҳ ва маърифатга етишиш борасида йўлчи юлдузidir.

Ал — Ҳаким ат — Термизий фиқҳ илмини ўзидан аввалги алломалардан фарқли икки қисмга бўлади: бири аҳком масалаларини яхши билувчи қонуншунос, иккинчи фақиҳ бўлмоқ унинг фикрича, қалб билан тушуниб етиш ва идрок этиш даражасига етган кишиларгина фақиҳ дейилади. Ал — Ҳаким ат — Термизий фиқҳшуносликда аш — Шафъий мактаби намояндалари таъсирида бўлгани аллақачон ўз исботини топгандир.

Ал — Ҳаким ат — Термизий ўз замонасининг энг етук муфассир олими ҳам ҳисобланган.

Ал — Ҳаким ат — Термизий муфассир сифатида Қуръони карим шаҳрларига доир қуйидаги асарларини яратган.

1. “Китоб таҳсил назоир ал — Қуръон” (Қуръон таҳсили учун қўлланма китоби)
2. “Китоб ал — амсол мин ал — китоб ва — с — сунна” (Суннат китобидан мисоллар).
3. “Китоб ал — масоил ал — макнуна” (Сирли масалалар хақида китоб).
4. “Тафсир ал — Қуръон” (Қуръон тафсири).

Ал — Ҳаким ат Термизий Қуръони каримга нафақат ташқи, балки унинг ички мазмуни ва сирларига кириб боришдек йўл тутган. Қуръонни шу йўсинда тушуниш ал — Ҳаким ат — Термизий илмининг барча соҳаларида яратган асарларида ўз ифодасини топган. Аллома қўллаган усул — бу Қуръоний сўзлардан асос сифатида фойдаланиб,

сўфийлик қарашларини ривожлантиришдан иборатдир. Унинг “Таҳсил назоир ал—Қуръон” асари бевосита Қуръон ва унинг ички сирлари билан боғлиқ. Ал—Ҳаким ат—Термизий бу асарида ҳар бир сўзнинг асл ва бошқа семантик маънолари ўртасидаги боғлиқликни кўрсатган ҳолда, дастлаб масалада сўзнинг асл ва сўнгра бошқа маъноларини келтирган. У ўзининг “Таҳсил назоир ал—Қуръон” асарида Анна, Адно, Авф, Дин, Ислом, Имом, Ихлос, ал—Ҳудо, ал—Куфр, Зикр, Вакил, Шиа, Ҳикмат, Маъруф, Тақво, ал—Ҳаққ каби саксонта Қуръоний сўзлар шарҳини келтириш орқали айти шундай ишни амалга оширган.

Ал—Ҳаким ат—Термизийнинг “Китоб ал—амсол мин ал—китоб ва—с—сунна” (Суннат китобидан мисоллар) асарида 18 та қуръон оятлари жамланган, улар қуйидагилар:

1. Риёкорлар, мунофиқлар ҳақида оят.
2. Пайғамбар ва яҳудийлар ҳақида оят
3. Қуръонни инкор этган риёкорлар ҳақида оят.
4. Пайғамбарнинг ғайридинларга ваъзи ҳақида оят.
5. Тангри йўлида сарфланган маблағ ҳақида оят.
6. Бутпараст ва риёкорлар ҳақида оят.
7. Аллоҳдан ваҳий келгани ва уни рад этган яҳудийлар ҳақида оят.
8. Бу дунё ўткинчи эканлиги ҳақида оят.
9. Ҳақиқат ва ёлғон ҳақида оят.
10. Ғайридин ибодати ҳақида оят.
11. Яхши сўз ҳақида оят.
12. Ғайридинлар ҳатти—ҳаракати ҳақида оят.

13. Бут, санамлар ҳақида оят.
14. Ўз эътиқодидан воз кечганлар ҳақида оят.
15. Бут, санамларнинг ожизлиги ҳақида оят.
16. Ишонувчилар эътиқоди ва ҳатти – ҳаракатлари ҳақида оят.
17. Ғайридинлар ҳатти – ҳаракатлари оқибатлари ҳақида оят.
18. Тангри ва бут, санамларга эътиқод қилиш ҳақида оят.

**Иккинчи қисм.**

**1. Ал-Ҳаким ат-Термизий мақбараси худуди-мақбара бунёд  
этилгунга қадар.**

Сурхон воҳасининг муқаддас зиёратгоҳ ва сайёҳлик ёдгорликларидан бири Эски Термиз худудида жойлашган ал-Ҳаким ат-Термизий мақбараси ҳисобланади. Бу мақбара шаклланган жой эса Термиз рабоди, яъни ташқи шаҳарнинг таркибий қисми ҳисобланади. Эски Термиз худудининг ҳар бир қаричи, айниқса, ал-Ҳаким ат-Термизийдек буюк зот дафн этилган жой ўтмиш тарихимизни ёритувчи муҳим манбаларни ўз қаърида сақлаб келмоқда. 1994 йилдан ҳозирга қадар мақбара худудида амалга оширилаётган археологик тадқиқотлар натижалари бунинг исботидир.

1954 ва 1990 йилларда мақбара ва унинг теваарак атрофи тарҳи туширилган топографик хариталарда қуйидаги ҳолат кузатилади. Мақбарадан шимолий ва шимоли – шарқий тарафда баъзи қисмларининг баландлиги 3 метр бўлган ясси тепалик ҳосил қилган майдон жойлашган. Мақбара яқинида зиёратчилар томонидан ҳанузгача “чиллахона” деб аталадиган ягона ғорсимон иншоот мавжуд бўлган.

1994 йилдан буён ал-Ҳаким ат-Термизий мақбараси ва унинг атрофида Термиз Давлат университети археологик гуруҳи томонидан эътиборга лойиқ тадқиқотлар амалга оширилди. Афсуски, Термиз тарихига оид баъзи бир адабиётларда бу тадқиқотлар инобатга олинмади. Шу боис ал-Ҳаким ат-Термизий мақбараси худудида амалга оширилган тадқиқотлар тарихига қисқача тўхталиб ўтишни лозим топдик.

XX асрнинг 90 – йиллари бошида мақбарани зиёратчи ва

сайёҳларга доимий очилиши муносабати билан маҳаллий мутасадди ташкилотлар ёдгорлик атрофида ободонлаштириш ишларини амалга ошира бошладилар. Археологик назорат давомида мақбарадан шимолий ва шимоли – шарқий тарафларда ер ости иншоотлари мавжудлиги аниқланди ва 1994 йилдан мақбара атрофида археологик қазув ишларига киришилди.

1994 – 1996 йилларда мақбара атрофида ўзбек – француз Бақтрия археологик гуруҳи (раҳбарлар: тарих фанлари номзоди Т. Аннаев, профессор П. Лериш) таркибида Термиз Давлат университети ва Ўзбекистон Республикаси ФА Археология институти Сурхондарё бўлими иштирокида 5 та ғорсимон иншоот қазиб очилди. 2001 йилда мақбара мажмуидаги “Мерос” музейининг жанубий тарафида ўзбек – француз Бақтрия гуруҳи (раҳбарлар: тарих фанлари номзоди Ш. Пидаев, профессор П. Лериш) таркибида археолог Т. Аннаев бошчилигида 3 та ғорсимон иншоот ўрганилди.

2006 йилдан мақбаранинг қайта таъмирланиши муносабати билан меъморий обида ва унга туташ майдонда Термиз Давлат университети археологик гуруҳи (раҳбар т.ф.н. Т. Аннаев) кенг кўламда археологик изланишларни олиб бормоқда. Тадқиқотларга кўра, мақбара худудининг қадимги саҳни Термизнинг Амударё ёқа қисмларидаги каби тўртламчи давр қум қатлами ёки маҳаллий лаҳжада ифода этганда “менг” қатламдан иборат. Ер жинсининг бу хусусияти ғорсимон иншоотлар қуришда жуда қулай бўлган ва бундан қадимги меъмор усталар моҳирона фойдаланганлар. Тармита (Термиз)да энг дастлабки ғорсимон иншоот милоддан аввалги II аср охирларига оид. Тармита (Термиз)лик меъмор – усталар буддавийлик дини бу шаҳарга

ёйилгунга қадар ғорсимон иншоотлар қуриш санъатини ўзлаштирганлар. Фикримизча, Кушон подшолиги даврида эса Термита (Термиз)да Ҳиндистон, Бомиён ва Шарқий Туркистондаги каби ғорсимон иншоотлар қуриш меъморий мактаби тўлиқ шаклланган.

Ҳозирда мақбарадан шимолий ва шимоли – шарқий тарафдаги майдонда 10 та ғорсимон иншоот яхлит қазиб очилди. Таъкидлаш



20 – расм. Ғорсимон иншоотларни очиш жараёни.

жоизки, ал-Ҳаким ат-Термизий мақбараси ҳудуди, хусусан унинг шимолий ва шарқий тарафлари IX асрга қадар ғорсимон иншоотлар мажмуидан иборат бўлган. Бу ғорсимон бинолардан уларни қазиб жараёнида топилган ашъвий манбаларга кўра турли мақсадларда мунтазам фойдаланганлар. Ғорсимон бинолар меъморий ечими ва

қурилиш услубига кўра уч турга бўлинади.


Биринчи тур. Бу тур ғорсимон бинолар йўлак қисми иншоот



21-расм. Ғорсимон иншоот


тўрида жойлашган гумбазсимон ёки тўғрибурчак шаклдаги хужрага бевосита туташ қурилган.

Иккинчи тур ғорсимон бино меъморий жиҳатдан равоқсимон хона ва эшиги хужрадан унга туташ таркиб топган.



22 – расм. Ғорсимон иншоот тарҳи

Учинчи турдаги ғорсимон иншоот қўшалок бинолар мажмуидан



23-расм. Қўшалок ғорсимон иншоот тарҳи.

иборат. Қазиб очилган иншоотларнинг 7 таси биринчи турга оид бўлса, иккинчи ва учинчи турларга биттадан ғорсимон бино тўғри келади. Китобхонларда бу ғорсимон бинолар тўғрисида тўла тасаввур ҳосил қилиниши учун ҳар қайси турдаги иншоотларнинг меъморий тузилишига қисқача тўхталамиз.

Мақбара атрофида жойлашган биринчи турдаги ғорсимон иншоотлар эшик қисми турли йўналишда жойлашган бўлса, “Мерос”

музейи атрофида ўрганилган ғорсимон биноларнинг қурилишида ўзига хослик кузатилади. Бу тарафда қазиб очилган тўрт ғорсимон бинонинг эшик тарафи жанубга, хужра қисми эса шимолий тарафга йўналтириб қурилган. Юқорида таъкидлаганимиздек, қазиб очилган ғорсимон иншоотларнинг еттитаси биринчи турга оид. Биринчи турнинг ғорсимон иншоотлари эса меъморий ечимига кўра икки хил кўринишга эга. Биринчи кўринишдаги ғорсимон иншоотлар ўзининг маҳобатлилиги билан ажралиб туради. Тош қатлам юза қисмида ўйиб ишланган тор йўлак (эни 80—90 см.) хужра эшигига туташ бўлиб, йўлакчалардаги зиналар сони ғорсимон иншоотларнинг баъзи бирларида 14 ёки 16 тани ташкил этади. Хужра поли(фариши) эса тош ва қум қатламдан иборат материкнинг юза қисмидан уч метр ва ундан ҳам кўпроқ чуқурликда жойлашган. Хужралар тўғри тўртбурчак ёки тўғрибурчак кўринишда ўйиб ишланган томонлари эса 2x2 ва х.к. метрга тенг. Хужра ички қисм девор ён томонларида токчалар ва сопол чироқлар осиб қўйиладиган уячалар ишланган. Хужра шифти унинг поли устидан 2,00 метр баландликда жойлашган.

Биринчи тур ғорсимон иншоотларнинг иккинчи хил кўринишга эга бинолари кириш қисмида 8—10 тагача зиналар ишланган. Хужра эшиги икки қанотида катта токчалар жойлашган, арксимон эшикдан бевосита хужрага кирилган. Аксарият қисми тўғри бурчак кўринишида бунёд этилган хужраларда токчалар жойлашган.

Иккинчи турдаги ғорсимон иншоот асосини ички қисм деворларида токчалар ўйиб ишланган равоқсимон хона ташкил этади. Равоқсимон хона ҳам унга туташ ғорсимон хужра каби тўртламчи қум қатлам, яъни

материкка ўйиб ишланган. Равоқсимон хонанинг шимоли — ғарбий тарафида ғорсимон хужра туташ қурилган. Ғорсимон иншоот эшик қисми унинг жануби — ғарбий томонида жойлашган. Кириш қисм тош қатламга ўйиб ишланган ўн зинали тор йўлак кўринишига эга. Йўлакдан ўнгга қайрилиб равоқсимон хонага ўтилган; тўғрига — ўнта зина орақали хужрага кирилган. Хужра кириш қисми ўзига хос кўринишда ишланган бўлиб, икки эшикдан иборат. Зинапояли йўлак рўпарасидаги эшик баландлиги 1,70 метр бўлиб, тепа қисми ярим айлана шаклга эга. Унинг ўнг томонида хужранинг иккинчи эшиги жойлашган. Бир хужрада икки эшикнинг мавжудлиги қарийб 3 метр чуқурликда жойлашган хонада ҳаво айланишини таъминлаган. Хужра томонлари 2,55x2,85 метрга тенг ва унинг ғарбий тарафида эни 60 см, баландлиги 80 см бўлган токча ўйиб ишланган. Хужранинг гумбазсимон шаклдаги шифти 2 метр баландликда жойлашган ва хужра шифти ён томонларида диаметри 8—10 см. бўлган уячалар ишланган. Бу уячаларга таёқчалар жойлаштирилиб, улардан хўжалик мақсадларида фойдаланганлар (масалан, таёқчаларга хужрани ёритган сопол чироқлар осиб қўйилган ва ҳ.к.). Хужра гумбаз қисми марказида диаметри 33 см, чуқурлиги эса 3 см — тенг доирасимон шакл ўрни сақланиб қолган. Бу доирада хужрани ўйиш жараёнида қалинлиги айнан доира диаметрига тенг ёғоч тиркалиб, ўткир тиғли қуроллар ёрдамида хужра ўйиб ишланган.

Учинчи тур, яъни қўшалок ғорсимон иншоот меъморий жиҳатдан ўзига хослик ва яғналиги билан ажралиб туради. Иншоот тарҳи ярим хоч шаклига ўхшаш, кириш қисм (эни 80 см.) ҳар иккала ғорсимон

иншоот учун ҳам ягона. Сўл тарафдаги хужранинг йўлак қисмида 7 та зина жойлашган ва кириш қисмдан хужра томон қарийб 1,50 метр масофада эни 17 см. эшик ўрни қайд этилди. Бу иншоотда юқорида таърифланган ер ости биноларидан фарқли томони икки эшик бўлиб, биринчиси ёғоч табақали бўлган. Табақали эшик ўрнидан хужра томон 1,10 метр масофада перпендикуляр тарзда иккита йирик токча мавжуд. Токчалар асоси 1,50 м. тенг ва энига 1,70 м. ўйиб ишланган. Зинапоянинг еттинчи поғонасидан 2,60 м. масофада арксимон кўринишдаги хужра эшиги жойлашган. Арксимон эшик бўйи унинг бўсағасидан 1,50 метрга тенг. Хужра тўғрибурчак шаклида бўлиб, томонлари 2,55x2,65 метрга тенг, хона шифти эса унинг полдан 2,00 метр баландликка эга. Хужрада арксимон эшик рўпарасида ярим айлана шаклдаги токча ва девор шифтида пол саҳнидан 1,73 см. юқорида ёғоч таёқчалар ўрни сақланиб қолган. Қўшалок иншоотнинг иккинчи хужрасига туташ тор йўлакнинг эни 75 см, ундан 10 та зина асоси сақланиб қолган. Бу ғорсимон иншоот ҳам у билан туташ бино сингари икки эшикли бўлган. Дастлабки эшик бўйи қарийб 2 метрга яқин, олтинчи зина билан бир чизикда жойлашган ва йўлакча деворидан 7—8 см. олдинга чиқарилиб, тош қатламни ўйиб ишлаш орқали ясалган. Арксимон эшик яқинида тор йўлакнинг икки томонида хар хил ҳажмдаги икки токча ва токча асосидан қуйида ёғоч таёқчаларга мўлжалланган икки уяча сақланиб қолган. Ўнинчи зина чегарасидан 65 см. дан сўнг 2,50 м. баландликдаги арксимон эшик жойлашган. Хужранинг ички қисми доира шаклида бўлиб, диаметри 2,60 м., хужра ён томонларида тўртта токча жойлашган, хужра шифти

хона поли сатҳидан қарийб икки метрга тенг. Мақбара атрофида ўрганилган бу ғорсимон иншоотлар меъморий тузилишига кўра, эски Термизнинг Қоратепа буддавийлик ибодатхоналари мажмуидаги, аynиқса, “Ғарбий қисм” ибодатхоналаридаги ғорсимон биноларга айнан ўхшаш.

Ал-Ҳаким ат-Термизий мақбараси ҳудудида энг дастлабки ғорсимон иншоотнинг бунёд этилиши санасини иккинчи турдаги иншоотдан жанубий тарафда жойлашган биринчи турга оид №4 — иншоотни тадқиқ этиш давомида тўпланган ашъвий манбалар ойдинлаштиради. Тўртинчи иншоотдан унинг соҳиблари қисқа фурсат давомида фойдаланганлар, сўнгра унинг хужра ва йўлак қисмлари жуда кўплаб сопол идишлар, жумладан, ташқи томони тўқ жигарранг бўёқларга бўялган ва жигарранг геометрик шаклларда безалган қадахсимон косалар, арча барги, юлдузчалар, “будданинг оёқ излари” каби ўйма нақшли икки балдоқли кўзалар ва бошқа турдаги сопол идиш бўлаклари билан тўлдирилган.

Таърифи келтирилган бу сопол идишлар воҳанинг Оққўрғон қишлоғи, Зартепа шаҳри ва Қоратепа ибодатхоналарининг милодий IV асрнинг иккинчи ярми ва V асрнинг биринчи ярмига оид қатламларида қайд этилган кулолчилик намуналарига айнан ўхшаш. Бу манбаларга асосланиб таъкидлаш жоизки, ал-Ҳаким ат-Термизий мақбараси атрофидаги энг дастлабки ғорсимон иншоотга милодий IV асрда асос солинган. Милодий V аср давомида бирин-кетин бошқа ғорсимон иншоотлар ҳам барпо этилган ва ибодатхона коҳинларига хужра бўлиб хизмат қилган. Мақбара атрофида буддавийлик ибодатхонасининг аниқланиши жуда муҳим илмий аҳамиятга эга

бўлиб, Термизнинг илк ўрта асрлар даври тарихи, шу жумладан, буддавийлик билан боғлиқ илмий муаммоларни бир қадар ойдинлаштиради.

Хитойлик буддавий қоҳин Сюань Цзан (милодий 629—630 йиллар) Тами (Термиз)ни таърифлаб, бу шаҳарда 12 та буддавийлик ибодатхонаси ва минг қоҳин бор деган маълумот ёзиб қолдирган. Шу боис, Т.И. Зеймаль эски Термизда V—VIII асрларга оид буддавийлик ибодатхонасининг кашф этилмаганлигидан келиб чиқиб, эҳтимолки, Сюань Цзан Термизнинг ҳали тўлиқ вайронага айланмаган Кушон даври буддавийлик ибодатхоналарини ҳам назарда тутиб, шундай маълумот ёзиб қолдиргандир, деган фикр билдирган. Б.Я. Ставиский эса Термизда илк ўрта асрлар даврига мансуб буддавийлик иншоотларининг ўрганилмаганлигига асосланиб Кушон подшолиги даври Тармита (Термиз) буддавийлик ибодатхоналарининг бу динни илк бора Тармита (Термиз) орқали Узоқ Шарқ мамлакатларига қадар тарқалишидаги ўрнини шубҳа остига қўйди.

Мақбара атрофида Термизнинг V—VIII асрларга оид яна бир буддавийлик ибодатхонасининг аниқланиши, Фаёзтепа ўрнидаги ибодатхонани қайтадан мукамал ўрганилиши ва бу ёдгорликда милодий VII асрга оид бино ва ашёвий манбаларининг қайд этилиши қўйидаги фикрларни билдиришга имкон беради.

1. Буддавий қоҳин—сайёҳ Сюань Цзан 629 йилда Термизда бўлган ва бу шаҳардаги буддавийлик ибодатхоналари тўғрисида аниқ маълумот ёзиб қолдирган.
2. Сюань Цзан томонидан ёзиб қолдирилган ибодатхоналардан

бири ал—Ҳаким ат—Термизий мақбараси атрофида жойлашган бўлган. Бу ибодатхона ёки ибодатхоналардан бири 704 йилда ҳам мавжуд бўлган. Бу борада илк ислом даври араб—форс муаллифи ат—Табарий томонидан ёзиб қолдирилган маълумот жуда муҳимдир. Халифага бўйсунмасдан 689 йилда Термизни эгаллаб олган араб лашкарбошиси Мусо ибн Абдуллоҳнинг 15 йил ҳукмронлигида, яъни 704 йилда Термизни қамал қилган Ал—Ҳорис бошчилигидаги араб қўшинига ёрдамга келган Ал—Ашканд ўз ҳарбий қисмини ибодатхона ортига пистирмага яширганлиги тўғрисида маълумот бор.

3. Буддавий коҳин санаб ўтган 12 та буддавийлик ибодатхоналари сирасига Сюань Цзаннинг Термизга ташрифи чоғида ҳам ҳали тўлиқ вайронага айланиб улгурмаган Кушон подшолиги даврида бунёд этилган буддавийлик ибодатхоналари шу жумладан, Фаёзтепа ҳам киради.

Тадқиқотлар мобайнида тўпланган ашёвий манбалар (мўъжаз санъат намунаси, сопол идиш сиртига битилган куфий ёзув намунаси, нумизматика топилмаси сопол айниқса, сиркор идишлар ва ҳ.к. асосида ал—Ҳаким ат—Термизий мақбараси атрофида ўрганилган ғорсимон иншоотларнинг мавжуд бўлган даврларини қуйидагича даврлаштириш мумкин.

1. Биринчи давр, яъни ғорсимон иншоотларнинг бунёд этилиши ва уларнинг коҳинлар ҳужраси вазифасини бажариши. Бу давр милодий IV асрдан VIII асрнинг иккинчи ярми ёки охирига қадар давом этган.

2. Иккинчи давр – мақбара атрофидаги ғорсимон иншоотларнинг қайта фойдаланилиши. Бу давр VIII асрнинг биринчи ярми X асрнинг 60–йиллари билан боғланади. Ғорсимон бино ички қисмлари Ж айхун гилмоёси ёки ганч сувоқда қайта сувалган, зинапоёларга томонлари 26х26 см, қалинлиги 4–5 смга тенг пиширилган ғиштлар тахлаб чиқилган. IX асрдан X асрнинг 60–чи йилларига қадар бу ғорсимон иншоотлардан, шубҳасиз, ал-Ҳаким ат-Термизий ва унинг маслакдошлари ҳам ўз фаолиятлари давомида фойдаланганлар.

Мақбара атрофидаги ғорсимон иншоотларнинг баъзи бирлари X асрнинг иккинчи ярмидан аста–секин кўмила бошлаган. Бу санани ғорлардан бирининг поли саҳни устидан Сомоний Абдулмалик ибн Нуҳ ва Қуттегин номидан 957–958 йилларда Термизда зарб этилган фалс оидинлаштиради. Термиз фалслари 957–958 йилларда Сомоний Абдулмалик ибн Нуҳ (954–961 йиллар) ва унинг вассали Қуттегин номи билан зарб қилинган. Гардизий ва Ибн ал-Асир маълумотларига кўра, Қуттегин (ёки Хуттегин) Нуҳ ибн Наср ҳамда Абдулмалик ибн Нуҳнинг таниқли амалдорларидан бўлиб, хазинадор вазифасини бажарган.

XVI асрдан эътиборан мақбара атрофи аста–секин қабристонга айлантирила бошлаган.



24 – расм. Сиркор коса. IX – X асрлар.



25 – расм. Чироғ ва сиёҳдонлар. X аср



26 – расм. Сиркор косалар. X аср



27 – расм. Сиркор коса. X – XI асрлар.



28 – расм Сиркор коса. X – XI асрлар.

29 – расм. Кўзалар. X аср.



30 – 31расмлар .Сиркор лаган бўлаклари. X – X I асрлар



32 – 33расмлар.Сиркор коса бўлаклари. X – X I асрлар.



34 — расм. Сиркор коса. X аср.

35 — расм. Сиркор лаган. XVI аср.

### 2. Ал-Ҳаким ат – Термизий мақбарасининг қурилиш босқичлари

Асрлар давомида Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг турли вилоятларидан ўзига зиёратчиларни жалб этиб келган ал-Ҳаким ат – Термизий мақбараси ноёб меъморий ёдгорликлар сирасига киради. Мақбарани таъмирлашга тайёрлаш маносабати билан унинг атрофида 2006 йилда амалга оширилган археологик тадқиқотлар бу меъморий



36-37-расм. Қазув ишлари жараёни

иншоотнинг барпо этилиши ва қурилиш даврларини бир қадар ойдинлаштирди.

Археологик изланишларга кўра, мақбара шаклланган жой Термизда Ислом дини ёйилишига қадар мавжуд бўлган буддавийлик ибодатхонасининг таркибий қисми бўлган. Тарихдан маълумки, Мовароуннаҳр ҳудудида Ислом динини аҳоли кенг қатламлари орасига ёйишнинг бир йўли қадимги ибодатхоналарни масжидларга


айлантириш орқали ҳам амалга оширилган. Балхдаги Навбахор ("Навбахор – баъзи бир тарихчи олимларнинг шарҳлаганидек "янги баҳор" эмас, балки бақтрия ва санскрит сўзларининг бирикувидан ҳосил бўлган "Нау – вихара – янги ибодатхона демақдир"), Самарқанд (Афросиёб)да энг қадимги масжидлар ўрнида буддавийлик ва зардуштийлик динлари билан боғлиқ ибодатхоналар бўлганлиги археология ва ёзма манбалар орқали аллақачон ўз исботини топган.

Термизда бу жараён турли кўринишда намоён бўлган. Бунинг асосий сабаби – бу шаҳарда илк Ислом даврида ҳам маҳаллий хусусан буддавийлик дини кучли мавқега эга бўлган. Ал-Ҳаким ат-Термизий мақбараси ҳудудини тадқиқ этиш давомида фанда икки муҳим янгилик кашф этилди. Биринчидан, ал – Ҳаким ат – Термизий маслакдошлари ва шогирдларидан иборат суфийлар томонидан Исломга қадар мавжуд бўлган ғорсимон бинолардан ўз фаолиятлари давомида фойдаланиш жараёни. Иккинчидан Исломга қадар мавжуд бўлган ибодатхона ўрнида Мовароуннаҳр сўфийлик таъриқатининг илк вакили дафн этилиб, унинг қабри атрофида мақбара шаклланган. Қачонлардир, бобокалонлари буддавийлик динига тобинган янги авлод вакиллари мақбарага ташриф буюриб, ал-Ҳаким ат – Термизийни хотирлаб Қуръони каримдан тиловат қилганлар.

1937 йилда эски Термиз, шу жумладан ал-Ҳаким ат – Термизий мақбарасини ҳам тадқиқ этган таниқли археолог олим М. Е. Массон таъкидлашича, термизлик аллома яшаган ҳужра ҳам мақбара ўрнида бўлган ва олим вафотидан сўнг айна шу ҳужрада дафн этилган.

Меъморий обида таркибидаги энг қадимги бино қолдиғи

иншоотнинг жанубий девори асосида мақбарага яқин жойда қайд қилинди. Бу девор узунлиги 44—45 см, эни 24—25 см ва 9—10 см қалинликдаги хом ғиштлардан қурилган ва сомон сувоққа сувалган. Сомон сувоқ устидан қизил бўёқ излари сақланиб қолган. Бу катталиқдаги ғиштлар V—IX асрлар меъморчилигида кенг қўлланилган айти шу катталиқдаги ғиштлардан қурилган девор асослари мақбара ва масжид қисмининг ғарбий томонидаги девор таркибида ҳам қайд этилди. Маҳобатли мақбара ғарбий девори асосида масжид қисми ташқи девори билан бир чизиқ (йўналиш) да энг дастлабки мақбара девори қайд этилди. Девор томонлари 25x25x5 ва 26x26x4 см хом ғиштлардан қурилган, бу катталиқдаги ғиштларга илмий адабиётларда “сомонийлар даври ғишлари” ибораси ишлатилади ва бу қурилиш маҳсулоти меъморчиликда оммавий равишда IX аср охири ва X аср бошларида қўлланила бошлаган. Энг дастлабки мақбаранинг тўғри тўртбурчак шаклидаги хом ғиштлардан барпо бўлганлиги, ал-Ҳаким ат-Термизийнинг 869 йилда вафот этганлигини бутунлай инкор этувчи яна бир муҳим археологик манбадир. Шундай қилиб, ал-Ҳаким ат-Термизий қабри устида қад кўтарган энг дастлабки мақбара меъморий безаксиз, мўъжазгина гумбазсимон иншоот кўринишида бўлган. Бу мақбара ғишт тури ва сопол идишларга кўра IX аср охири ва X аср бошларида барпо бўлган.





38-расм.Мақбарадаги ёзувлар.

1937 ва 1955 йилларда М. Е. Массон томонидан ал-Ҳаким ат-Термизий мақбарасидаги ёзувлар, шу жумладан ундаги лақаб ва исмлар ўқилган ва 1960 йилда “Ҳакими Термизий меъморий мажмуи нақшларида ёзувлар” сарлавҳасида махсус мақола эълон қилинган. М. Е. Массон ёзувдаги Мовароуннаҳр хукмдори Абулмузаффар Аҳмад Тўғон Тегинни қорахоний Аҳмад ибн Хизр номи билан қиёслаган ва археолог олим фикрича мақбаранинг мураккаб нақшин лавҳалар ва эпиграфик ёзувларга безалиши 1091–1095 йиллар оралиғида амалга оширилган.

Ал-Ҳаким ат-Термизий мақбарасининг мураккаб ислимий ва эпиграфик ганчкорлик намуналарига безатилиш саналарини ёзма, нумизматика (тангашунослик) ва археология манбаларининг чуқур таҳлили асосида янада ойдинлаштирган олим Б. Д. Кочнев

ҳисобланади.

1955 йилга келиб мақбарадаги насхда битилган лавҳа тўлиқ сақланмаган, матннинг бошланиши ҳамда ҳукмдор кўрсатилган жойда охириги парча емирилиб кетган. М. Е. Массон томонидан эълон



39 – 40-расмлар. Мақбарадаги ёзувлар

қилинган фотосуратлар ва матн асосида Б.Д.Кочнев мақбарадаги ёзувларни қуйидагича ўқиган: “Биз ва мусулмонларнинг, шоҳлар ва султонлар саййиди, Аллоҳ шаҳарларининг муҳофизиди (ҳофиз билад Аллоҳ), Аллоҳ қулларининг муҳофизиди (Муъиз ибод Аллоҳ), Аллоҳ ноибининг ёрдамчиси (Муъиз халифат Аллоҳ), олам ҳукмдори (шаҳриёри жаҳон), юлдузларнинг бахтли қовушувига эга ҳукмдор (Хусрави соҳибқирон), Аллоҳ яратган ер подшоси (Малик арз Аллоҳ), шарқ султони (Султон ал–Машрик) Абулмузаффар Аҳмад Тўғон Тегин, мўминлар амирининг ёрдамчиси (?) (Носир амир ал–мўминун), Аллоҳ унинг ҳукмдорлигини, умрини узоқ қилсин”.

М. Е. Массон мақбарадаги бу ёзув лавҳадаги аниқ хатони кўрсатиб, “ал–Мулуқ” (подшоҳлар) сўзида иккинчи “Лом” тушириб қолдирилганлигини таъкидлаб ўтган. Афтидан деб таъкидлайди Б. Д.

Кочнев “соҳибқирон” ва “султон ал—машриқ” унвонлари орасида жойлашган бирикмадаги иккинчи сўзда ундошларнинг ўрни алмашиб қолган, натижада “ард” (арз—ер) ўрнига “аср” га ўхшаш сўз ёзилиб қолган. Бу таҳмин “Малик ард Аллоҳ” деб маъноли ўқиш имконини беради. Б. Д. Кочнев ал—Ҳаким ат—Термизий мақбарасидаги ёзувда қайд этилган Абулмузаффар Аҳмад Тўғон Тегинни 1165 йил—1167 йилларда Термизда танга зарб қилдирган Абулмузаффар ибн Тўғон Тегин билан қиёслаган ва олим фикрича мақбара ички қисмини мураккаб ислимий, гириҳ, насҳ ва куфий услубидаги ёзув ва ўйма ганчларга безалиши айни шу ҳукмдор фармони асосида амалга оширилган. Мақбара ичидаги ганчкори нақш Қумочийлар сулоласидан бўлган ҳукмдор Аҳмад ибн Абу Бакр ибн Қумоч фармони билан ишланган ва бу сана 1161—1162 ёки 1165—1167 йиллар билан белгиланади. Шундай қилиб, IX аср охири ва X аср бошлари хом ғиштлардан барпо этилган мўъжазгина мақбаранинг аниқ санаси, 1161—1162 ёки 1165—1167 йиллар тўлиқ шаклланган мақбара ва уч гумбазли айвон ички қисмларининг ганчкори нақшлар ва эпиграфик ёзувларга безалган даври.

IX аср охири ва X аср бошларидан 1165—1167 йилларга қадар мақбара мажмуида икки йирик қурилиш ишлари амалга оширилган. Тахминан X асрнинг иккинчи ярмида ёки охирида шайх қабри устида тўғри тўртбурчак шаклидаги томонлари 25x25 ёки 26x26 см қалинлиги 5—6 см пиширилган ғиштлардан янги мақбара қурилади. Бу девор мақбара жанубий тарафи пештоқи асосида 65 см. ичкарида қайд қилинди.


XI асрнинг иккинчи ярмидан 1167 йил оралиғида ал—Ҳаким

ат – Термизий мақбара мажмуи мақбара ва унга туташ шарққа қараган уч гумбазли меҳробли масжид ва унинг шимоли – шарқий тарафидан пишиқ ғиштлардан қурилган ҳовлили меъморий иншоот кўринишига эга бўлган.

XV асрда бунёд этилган хонақоҳ шарқий девори асосида пишиқ ғиштлардан тахланган девор асосининг очилиши бундай фикр билдиришга имкон беради. Бу девор асосининг бир томони мақбарага йўналган бўлса, иккинчиси шимол томонга йўналган. Гумбазли мақбара ички қисми томонлари 4,68x5,08 метрга тенг бўлиб, унинг бурчаклари тўрт томонга аниқ йўналтириб қурилган. Янги қурилган мақбара қадимги мақбаралар деворларини ҳам ўз таркибига қамраб олган. Шу боис мақбаранинг жанубий ва ғарбий деворлари жуда қалин кўринишга эга. Мақбара ташқи тарафида унинг жанубий ён томони бўйлаб суфа жойлашган, суфа мақбаранинг жанубий тарафи бўйлаб шарққа томон 12 метрга яқин узунликда қайд этилди. Қадимда бу суфа камида 18–20 метр узунликка эга бўлган. Мақбара жанубий тарафида эни қарийб 1,90 метрли арксимон дераза жойлашган. Баланд пештоқли дераза қанотларида ғиштин суфа сатҳидан қарийб 2,30 метр баландликда тўғри бурчак шаклида икки ёғоч ўрни ишланган. Пештоқ икки томонидаги доирасимон ўйма нақшнинг бирида куфий услубида



а



в

б



г



д



е

41 – а, б, в, г, д, е -расмлар. Жанубий пешток

“Аллоҳ” сўзи битилган. Доирасимон ҳалқалар атрофида ҳам куфий услубида битилган ёзув излари ва нақшлар сақланиб қолган. Пешток бу даврга келиб бундай эпиграфик нақшларга бежиз безатилмаган. Бунинг асосий сабаби – бу даврда пештоқли арксимон дераза бўйлаб, икки устунли айвон жойлашган ва ал–Ҳаким ат–Термизийни ёд этиш билан боғлиқ барча маросимлар айна шу айвонли суфа қисмда бўлиб ўтган.

Мақбара мажмуининг юқорида таърифи келтирилган меъморий

тузилиши бу иншоот шаклланишининг тўртинчи даврини ифодалайди. Бу қурилиш даври таъкидлаганимиздек XI асрнинг иккинчи ярмидан 1172 йил оралиғига тўғри келади. XI асрнинг иккинчи ярми санаси ғиштин суфа таркибида топилган сиркори идишлар асосида ўрнатилди. Икки ярим айлана шаклидаги сиркори косанинг бирида оқ сир устидан қора ва қизғиш рангларда ислимий ва хандасавий (геометрик) нақшлар юргизилган бўлса, иккинчи косанинг оқ сири устидан яшил ва сарғиш ранглари остида чизма услубида нақш берилган ва ялтироқ рангсиз сирга қопланган. Бу турдаги сиркори косалар ясаш Термизда XI асрнинг иккинчи ярмида йўлга қўйилган. Шу боис суфанинг ва умуман, мақбаранинг айна шу кўринишга эга бўлишини XI асрнинг иккинчи ярмидан сўнг содир бўлган деган хулосага келинди. Айвонли пештоқдаги эпиграфик нақшлар ва куфий услубида битилган ёзувлар ҳам мақбара ички қисми ва уч гумбазли масжид ўйма нақшларидан кўп жиҳатлари билан фарқ қилади. Мақбаранинг бу каби нақшин безакларидан 1172 йилга келиб фақат пештоқдаги ёзув ва безаклар қолдирилган, холос. Мақбара ички қисми ва масжиднинг куфий ва насх услубидаги эпиграфик, гириҳ, ва ислимий шакллардан иборат нақшларга безалиши унинг навбатдаги (бешинчи) даврида содир бўлган. Даврий жиҳатдан бу қурилиш ишлари 1161–1162 ёки 1165–1167 йиллар билан белгиланади. Бу даврда мақбара ички қисми ва П–симон меҳробли уч гумбазли айвон ранг–баранг ислимий, гириҳ ва эпиграфик нақшларга безалади.

Мақбарадаги навбатдаги қурилиш ишлари хижрий 792 –

## Ал-Ҳаким ат-Термизий

милодий 1389–1390 йилларда амалга оширилади. Хусусан мақбаранинг шарқий томони ва арчасимон услубда пиширилган ғишт тахланган ҳовли деворининг жанубий девори бўйлаб чиллахонали мақбара қурилади. Бу янги мақбара пештоқида сақланиб қолган ёзув археолог ва нумизмат олимлар Б. Д. Кочнев ва Э. В. Ртвеладзе томонидан ўқилган ва унинг айна 1389–1390 йилларда, яъни Амир Темури ҳукмронлиги даврида барпо бўлганлиги исботланган.

XV аср бошида Темурий шаҳзодалар ҳукмронлигида мақбара таркибида икки пештоқли маҳобатли хонақоҳ қурилади ва шайх қабри устига мраммар сағана ўрнатилади.

Ал–Ҳаким ат–Термизий мақбараси таркибида хонақоҳ қурилиши ва мраммар сағана ўрнатилиши бевосита Мовароуннаҳрда Темурий шаҳзода Халил Султон ҳукмронлигида амалга оширилган. Бу ҳақда таниқли археолог олим М. Е. Массон ўзининг ал–Ҳаким ат–Термизий мақбараси тарихига бағишланган тадқиқотларида ҳам таъкидлаган. Термиз қалъасида археолог тадқиқотлар туфайли Темури



### В

42-а,б,в-расмлар. Мақбара асослари

тахланганлиги, бу жойда қабр жойлашганлигидан дарак беради. Мақбара томонлари 27 см ва қалинлиги 6 см га тенг пишиқ ғиштлардан барпо этилган бўлиб, мақбара девори унинг баъзи тарафларида 4–5 қатор ғиштлардан иборат баландликда сақланиб қолган. Мақбара жануби–шарқий бурчагидан жанубга ва шарққа томон йўналган девор асослари кузатилади.

XV асрда барпо этилган хонақоҳнинг асосий эшиги унинг жанубий тарафида жойлашганлигини инобатга олсак, бу янги кашф этилган мақбаранинг эшиги ҳам Термиз қалъаси, яъни Амударёга томон қараган. Таъкидлаш жоизки, хонақоҳ шарқий деворининг асосида бу деворни таъмирлаш жараёнида ёзув битилган меъморий безак намунаси топилди. Бу мақбаранинг пештоқ қисми эҳтимолки, эпиграфик ва ислимий нақшларга безалган бўлган. Мақбарадан шимоли–шарқий тарафда жойлашган ғорларда, унинг устки ва ички қисмларидаги маданий қатламларда эпиграфик ва ислимий нақшларга безалган антиқа меъморий кошин бўлакларининг учраши бу фикрни



яна

43 – расм. Меъморий безаклар .

44 – расм. Меъморий безак.

бир бор ҳақиқатга яқинлаштиради. Бу мақбара XX аср бошларига келиб батамом вайронага айланиб бўлган. Шу боис XIX аср охири ва XX аср бошларида рус сайёҳ ва ҳарбийлари томонидан суратга олинган Ал–Ҳаким ат–Термизий мақбараси умумий кўринишида бу қисмнинг мавжуд бўлганлиги кузатилмайди.

XVII – XVIII асрларда мақбара жанубий девори бўйлаб яна уч гумбазли қўшимча иншоотлар барпо этилган. Бу қисм иморатлари 1955–1956 йилларда амалга оширилган қурилиш ишлари туфайли олиб ташланган ва мақбаранинг XV аср бошида шаклланган ҳолатига келтирилган.

Мақбарада навбатдаги таъмирлаш ишлари ыган асрнинг 70–йилларида ва 1996–97 йилларда амалга оширилган.

2006 йилдан Ал–Ҳаким ат–Термизий мақбарасида Сурхондарё вилояти хокими А. Эшмуротовнинг ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг маданий мерос объектларини сақлаш ва ундан фойдаланиш бош бошқармаси лойихаси асосида таъмирлаш ишлари амалга оширила бошланди. Бу таъмирлаш ишлари Ал–Ҳаким ат–Термизий мақбарасида амалга оширилган ишлардан сифати, ҳажми ва илмий асосда ташкил этилганлигига кўра, қуйидаги асосий хусусиятлари билан тубдан фарқ қилади:

1. Ал–Ҳаким ат–Термизий мақбарасининг ташқи тарафи бўйлаб асрлар давомида ўрсил булган маданий қатламлар археологик

тадқиқотлар асосида қазиб очилди ва мақбара таркибида мавжуд бўлган қатор янги иншоотлар аниқланди.

2. Мақбара ички ва ташқи томонларида 1996–97 йилларда қўлланилган замонавий мармар қопламалар меъморий обиданинг сақланиш ҳолатига салбий таъсир кўрсата бошлагани учун батамом олиб ташланди.

3. Бу мақбарани таъмирлашда жаҳон меъморий ёдгорликларини таъмирлаш талабидан келиб чиқиб, обидани қуриш давомида қўлланилган ғишт ва қоришмалар ишлатилди.

4. Ал–Ҳаким ат–Термизий мақбараси мажмуида амалга оширилган таъмирлаш, ободонлаштириш ишларидан асосий мақсад, бу меъморий ёдгорликни келгуси авлодлар учун сақлаш, мақбарани унга ташриф буюраётган ватандошларимиз ва хорижий меҳмонлар учун замонавий зиёрат ва сайёҳлик масканига айлантиришдан иборатдир.

### 3. Ал-Ҳақим ат-Термизий қабр тошидаги ёзувлар.

М армар сағананинг жанубий томони.



باسمه سبحانه هذا مرقد الشيخ الامام العارف الولي ابي عبدالله  
محمد بن علي الحكيم الترمذي رحمه الله و هو كان كبار الكبرا و سادت المشايخ له اللسان العلي و الكتب المشهورة  
و الاسانيد العالية شارك ابا عبدالله البخاري صاحب الصحيح رحمة الله في بعض شيوخه و تفقه علي بعض  
الفحاء الحنفيين رحمهم و توفي رحمه الله في سنة خمس و خمسين وماتين

Аллоҳ субҳонаҳу таоланинг исми билан.



Бу марқад аш – Ш айх, ал – Имом, ал – Ориф, ал – Вали Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ал – Ҳаким ат – Термизий раҳимаҳуллоҳ. У киши улуғларнинг улуғи, шайхлар саййиди, ширин сўзли ва у кишининг машҳур китоблари кўп, олий санадли (далил) бўлганлар. У киши баъзи шайхларида Саҳиҳи Бухорийнинг соҳиби Абу Абдуллоҳ ал – Бухорий раҳматуллоҳ билан шерик бўлишган. Ҳанафий мазҳабидаги фақиҳлардан фикҳ илмини ўрганган. У киши икки юз эллик бешинчи йил вафот этган.

المشاهدين لمعنى ما نقلوه الموفقين للحقيقة عندالله سبحانه و هو القائل ما صنفت فاحسن عن تدوين لکنى كنت اذا ضاق علي الوقت و اشتد تسلى بمصنفاتى

Аллоҳ ҳузурида ҳақиқатга мувофиқ бўлган маъноларни келтирамыз.

Али ал – Ҳаким Термизий айтадилар: Қийналган онларимда асарларим менга тасалли берар эди.

**М армар сағананинг шарқий ўрта баланд қисми.**





بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

بِاسْمِهِ الْمَبْتَدَأُ الْآخِرَةَ وَالْأُولَى لَا غَايَةَ لَهُ وَلَا مَنْتَهَى فِي السَّمَاوَاتِ الْعُلَى الرَّحْمَنِ عَلَى الْعَرْشِ اسْتَوَى لَهُ مَا فِي السَّمَاوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ وَمَا تَحْتَ الثَّرَى وَ أَنْ تَجْهَرَ بِالْقَوْلِ فَإِنَّهُ يَعْلَمُ السِّرَّ وَأَخْفَى اللَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ لَهُ الْأَسْمَاءُ الْحُسْنَى

Бисмиллаҳи раҳмони раҳим

Еру – кўкда интиҳолар ва ғоялар ва барча нарсалар унинг исми билан бошланур. Еру – осмондаги бойликлар ва барча нарсалар Аршни яратган зотникидир. Сен сўзингни махфий қилсангда, ошкор қилсангда У зот билувчидир. Аллоҳдан ўзга маъбуд йўқ. Аллоҳ учун гўзал исмлар бордир.

**М армар сағананинг шимолий тарафи.**



بسم الله الرحمن الرحيم

اللهم يا كثير النوال و يا داعم الوصال و يا حسير الفعال

Эй раббим, сен беҳисоб неъмат берувчи ва доимо ҳолимиздан хабардор зотсан.

اللهم ان دخل الشك في ايماني و لم اعلم به تببت عنه و اقول

لا اله الا الله محمد رسول الله

Эй раббим, беихтиёр имонимга кирган шубҳалардан тавба қилиб айтаманки, Аллоҳдан бошқа илоҳ йуқ, Муҳаммад Аллоҳнинг расули.



قال رسول رب

العلمين و امام المتقين محمد صلوات الله عليه و اله الطيبين و سلم من كان يؤمن بالله و اليوم الاخر فليقل الخير  
او ليصمت

Аллоҳнинг Расули, тақводорлар имоми бўлган Муҳаммад с.а.в  
айтадилар: Кимки Аллоҳга ва қиёмат кунига иймон келтирса,  
қўшнисини ҳурмат қилсин.

و من كان يؤمن بالله و اليوم الاخر فليكرم

جاره

Кимки Аллоҳга ва қиёмат кунига иймон келтирса, қўшнисини ҳурмат  
қилсин.

و من كان يؤمن بالله و اليوم الاخر فليكرضيفه صدق

Кимки Аллоҳга ва қиёмат кунига иймон келтирса, меҳмонини ҳурмат  
қилсин.

قال عليه الصلوة و السلام عز الدنيا بالمال و عز الاخرة بالاعمال صدق

Расулulloҳ с.а.в. айтадилар: Дунёнинг азизлиги мол билан ва  
охиратнинг азизлиги солиҳ — амаллар билан.



قال بسم الله السلام      القبر صندوق العمل  
Бисмиллаҳи ас – Салом.

Қабр амаллар сандиғи.



اللهم يا حنان يا منان يا ديان يا ذا الجلال والاکرام اشهد ان كل معبود باطل غير وجهك الكريم امننت بك لا اله الا

انت و رضيت بك ربا يا غياث المستغثين اغثنى عنى فروح كل سوء و مكروه فى الدنيا سوء خميع خلقك و  
اغثنى يا لا اله الا انت

Эй Ҳаннон, эй Маннон, эй Даййон, эй Залжалол ва—л—Икром.  
Гувоҳлик бераманки, албатта сендан ўзга маъбуд йўқдир. Иймон  
келтирдим сенга. Сендан ўзга илоҳ йўқдир ва рози бўлдим сенинг  
раббийлигингга. Эй ёмгирлар ёғдирувчи зот. Менинг гуноҳларимни  
дунё—охиратда махфират қилгин ва барча ёмонликлардан ўзинг асра.  
Эй мислсиз бўлган зот.

**Мармар сағананинг шарқий юқори қисми.**



اللهم ان دخل الكذب و الغيبىت على لساني ولم اعلم به تبىت عنه و اقول لا اله الا الله محمد رسول الله

Эй раббим, билмасдан гапирган ёлғон ва ғийбат гапларим учун тавба қилиб айтаманки, Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ. Муҳаммад Аллоҳнинг расули.

اللهم ان دخل الخطرة والوسوسة في صدرى ولم احظ عنه و اقول لا اله الا الله محمد رسول الله

Эй раббим, қалбимга беихтиёр хатар ва васваса кириб қолган бўлса, тавба қилиб айтаманки, Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ. Муҳаммад Аллоҳнинг расули.

اللهم ان دخل التشبيه في معرفتي اياك ولم اعلم به تبته عنه و اقول لا اله الا الله محمد رسول الله

Эй раббим, сени танишликда билмасдан ташбеҳ қилган бўлсам, тавба қилиб айтаманки, Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ. Муҳаммад Аллоҳнинг расули.

### Мармар сағананинг шарқий тепа қисми.



اللهم ما قدرت علي مرامن فلم ارضه ولم اعلم به تبته عنه و اقول لا اله الا الله محمد رسول الله

Эй раббим, менга берган тинч – тотувлик неъматларингга билмасдан ношукурлик қилган бўлсам, тавба қилиб айтаманки. Аллоҳдан бошқа

илоҳ йўқ. Муҳаммад Аллоҳнинг расули.

اللهم ما انعمت علي فعصيت به ولم اعلم به تبت عنه و اقول لا اله الا الله محمد رسول الله

Эй раббим, менга берган неъматларинга билмасдан осийлик қилган бўлсам, тавба қилиб айтаманки, Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ. Муҳаммад Аллоҳнинг расули.

اللهم ادخلت العجب و الكبر و الريا والسمعت في عملي ولم اعلم به تبت عنه و اقول لا اله الا الله محمد رسول الله  
Эй раббим, менинг қалбимга беихтиёр кириб қолган ужуб, кибр, риё, сумъадан тавба қилиб айтаманки, Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ. Муҳаммад Аллоҳнинг расули.

**Мармар сағананинг шарқий томони пастки кисми.**



قال اشرف الانبياء وخاتم المرسلين محمد المكي صلوات  
الرحمن عليه و سلامه من كان في طلب العلم كانت الجنة  
في طلبه و من كان في طلب المعصية كانت النار في طلبه  
صدق

Расулulloҳ с.а.в. айтадилар: Кимки илм талабида бўлса, жаннат унинг талабида бўлади ва кимки гуноҳ талабида бўлса, дўзах унинг талабида бўлади.

قال النبي صلوة الرحمن عليه و اله الطيبين و اصحابه التابعين من قراء الكرسي وجعل ثوابها لاهل القبور  
ادخل الله تعالى قبر كل ميت من المشرق الى المغرب اربعين نورا و وسع الله تعالى عليهم قبورهم ورفع  
للقارى ثواب ستين نبيا و جعل الله تعالى بكل حرف ملكا يسبح له الى يوم القيامة الخبر بتمامه و كماله صدق

Расулulloҳ с.а.в. айтадилар: Кимки оят ал—курсини ўқиса ва савобини қабр аҳлига бағишласа, Аллоҳ таоло машриқдан — мағрибгача бўлган ҳар бир қабрга қирқ нур киргизади ва Аллоҳ унинг қабрини кенг қилади ва ўқиган кишига олтмишта пайғамбар савобини беради ва ҳар бир ҳарифи учун биттадан фаришта бўлиб, қиёматгача унга тасбеҳ айтади. Бу хабарни Аллоҳнинг расули ҳақ айтган.

قال رسل الله صلوات الله عليه و اله الطيبة و سلامه من خدم عالما سبعة ايام فكانما خدم الله تعالى سبعة  
الاف سنة و اعطاه الله تعالى بكل يوم ثواب الف شهيد وقال افضل الصلوات و اكمل التحيات ما من مؤمن  
يحزن الموت العالم الا كتب الله تعالى له ثواب الف شهيد و الف عالم الخبر بتمامه و كماله صدق خاتم  
الانبياء و افضل الاصفيا

Расулulloҳ с.а.в. айтадилар: Кимки етти кун олим кишига хизмат қилса, гуёки, Аллоҳ учун етти йил хизмат қилибди ва Аллоҳ таоло ҳар бир куни учун минг шаҳиднинг савобини беради ва яна Расулulloҳ с.а.в. айтадиларки: Кайси мўмин киши олим кишининг вафотини эшитиб маҳзун бўлса Аллоҳ таоло унга мингта шаҳиднинг ва мингта олимнинг савобини беради. Бу хабарни Аллоҳнинг расули ҳақ айтган.

**Мармар сағананинг ғарбий томон тепа қисми.**

لا اله الا الله محمد رسول الله اللهم ما اردت لى من خير فلم اشكر و لم اعلم به تببت عنه واقول لا اله الا الله محمد رسول الله اللهم ان دخل الكفر فى الاسلام بك و لم اعلم به تببت عنه واقول لا اله الا الله محمد رسول الله  
دخل الشرك فى توحيد اياك و لم اعلم به تببت عنه واقول لا اله الا الله محمد رسول الله


Аллоҳдан ўзга маъбуд йўқ, Муҳаммад Аллоҳнинг расули

Эй раббим, менга берган яхшиликларингга билмасдан ношукурлик қилган бўлсам, тавба қилиб айтаманки, Аллоҳдан ўзга маъбуд йўқ, Муҳаммад Аллоҳнинг расули.

Эй раббим, менинг динимга беихтиёр аралашиб қолган куфрдан тавба қилиб айтаманки Аллоҳдан ўзга маъбуд йўқ. Муҳаммад Аллоҳнинг расули.

Эй раббим, сенга билмасдан шак келтирган бўлсам, тавба қилиб айтаманки, Аллоҳдан ўзга маъбуд йўқ Муҳаммад Аллоҳнинг расули.

**Мармар сағананинг ғарбий томон баланд ўрта қисми.**






الله الذي سجد لك السماء و الارض و البر و البحر و من فيهن الهى انت الذي ليس كمثلته شيء و انت على كل شيء قدير و انت على ذلك مشهود الهى انت الذي تعلم السر و الاعلان و ما في القلوب الهى انت الذي كل شيء قدير خلقتة

و ينصرف اليك بالمنسوب

Эй раббим, сенга сажда қилади еру – кўк, денгиз ва қуруқлик ва ундаги барча жонзотлар. Эй раббим, сен мисли йўқ ва барча нарсага қодир зотсан, бунга эса ўзинг гувоҳсан. Эй раббим, сен қалблардаги сир ва ошқор нарсаларни билувчи зотсан. Илоҳим, сен борликни тур – тури билан яратиб, ўзингга қаратувчисан.

**Мармар сағананинг ғарбий томон ўрта катта қисми.**





قال رسول الله صلى الله عليه وسلم ولا مثل له ولا شريك له في الملك ولا وزير له اسئلك يا عزيز يا عزيز يا  
عزيز يا الله يا الله يا الله

Расулulloҳ с.а.в. айтадилар: Аллоҳнинг мисли йўқдир ва мулкида шериги ва вазири йўқдир. Илтижо қилиб сурайманки, эй Азиз, эй Азиз, эй Азиз, эй Аллоҳ, эй Аллоҳ, эй Аллоҳ.

**Мармар сағананинг ғарбий томон пастки ўрта қисми.**



قال رسول رب العلمين محمد المكي صلوات الرحمن عليه و سلامه من دخل القبر بلا زاد كمن ركب البحر بلا سفنة

Расулulloҳ с.а.в.айтадилар: Кимки қабрга тайёргарликсиз кирса, гўёки денгизга кемасиз чиқибди.

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم القبر والمنزل والمنزل الاخرة فان نجى منه فما بعده ايسر منه و ان لم ينج منه ما بعده اشد منه

Расулulloҳ с.а.в айтадилар: Қабр охират манзилларидан бўлган манзилдир, агар ундан нажот топса, ундан кейингиси осондир, агар ундан нажот тополмаса, ундан кейингиси бунданда баттар.

و قال النبي صلوات الله عليه و على اله و سلامه ما رئيت منظرا قط الا والقبر فطع منه صدق  
Расулulloҳ с.а.в айтадилар: Мен қабрдан кўра дахшатлироқ жой кўрмадим.

و قال خاتم الانبياء و افضل الاصفياء محمد صلوات الرحمن عليه و سلامه زوروا القبور فانها تذكر الموت  
صدق رسول العلمين

Расулulloҳ с.а.в айтадилар: Қабрларни зиёрат қилинглари, албатта, у ўлимни эслатади.

كان النبي صلى الله عليه و على اله واصحابه وسلم يعلمهم اذا خرجوا الى المقابر السلام عليكم يا اهل الديار من المؤمنين و المسلمين انا انشأ الله بكم لحقون نسئ الله لنا ولكم العاقبة  
Пайғамбар с.а.в қачонки қабристонга чиқсалар саҳобаларга таълим бериб айтар эдиларки, □Ассалому алайкум эй мўмин ва мусулмон аҳли□ албатта биз ҳам сизларга йўлиқувчимиз, иншоаллоҳ, Аллоҳдан бизга ва сизларга офият сўрайман.

اغفر لى خطئى يا رب فاقض حائى كما قلت ادعنى استجب لکم و انت و عدك مصدق نجى من الكرب و الغمروا اللهم انت غياث كل مكروب و مظلوم و مضروب الهى انت الذى قلت لا تقنطوا من رحمتى و انت بقولك صادق لست بمكذوب احفظنى مولائى من افات الدنيا و الاخرة و لا تفضحنى سيدى على رؤسى الخلاء

خاصة في يوم الموعودى الله اكبر الله اكبر لا ضد له ولا وصف له ولا شبه له ولا كفو له ولا حد له ولا حدود له يا رحمن يا رحمن يا رحيم يا رحيم ان ترتنتى فى منامى مات و ارجو منك و اكرمنى بمغفرة خطيئتى انك على كل شيء قدير و ارزقتى حفظ العلم و القران و تخطهما بدمى جسمى ولا تكنى الى نفسى طرفة عين انك على ما تشاء قدير و لاحول ولا قوة الا بالله العلى العظيم

Эй раббим, менинг гуноҳларимни кечгин ва ҳожатларимни ўтаб қўйгин.

Сенинг ва сенинг □Дуо қилинглр қабул қиламан□ деган ваъданг ҳақдир.Эй раббим, менга ғаму –кулфатлардан нажот бер, сен мазлумларга ёрдам берувчисан. Эй раббим, сен □менинг раҳматимдан ноумид бўлма□дединг, раббим, мени дунё ва охиратда раҳматингдан дариғ тутма. Эй раббим, айнан мени қиёмат куни халойиқ олдида шарманда қилмагин. Аллоҳ улуҳ, Аллоҳ улуғ. Унинг акси, ўхшаши, тимсоли, тенги, чегу – чегараси йўқдир. Ё Раҳмон, ё Раҳмон, ё Раҳмон, ё Раҳим, ё Раҳим, ё Раҳим ва сен барча нарсага қодирсан, менинг гуноҳларимни маҳфират қилгин. Мени Қуръон ва илм билан машғул қилгин, у иккаласини қон – қонимга сингдиргин ва нафсим амрига бўйсинадиганлардан қилмагин. Сен хоҳлаган ишга қодирсан, ҳол йўқ, қувват йўқ, фақат Улуғ ва Олий бўлган Аллоҳ ёрдами билан.






اللهم ما اوليتني من نعماءك فغفلت من شكرك ولم اعلم به تبت عنه و اقول لا اله الا الله محمد رسول الله

Эй раббим, менга берган неъматларинг шукронасини қилмай ғафлатда қолдим, тавба қилиб айтаманки, Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ Муҳаммад Аллоҳнинг расули.

اللهم ما اوليتني من الايك فلم اود حقه ولم اعلم به تبت عنه و اقول لا اله الا الله محمد رسول الله

Эй раббим, менга неъмат қилиб берган мевали дарахтларинг шукронасини адо этолмадим, тавба қилиб айтаманки Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ. Муҳаммад Аллоҳнинг расули.

**Мармар сағананинг шарқий ўрта катта қисми.**





قال رسل الله صلى الله عليه و سلم الناس يوم القيامة عفو رحيم حلیم شكور الحمد لله الملك الرحيم الاول القديم  
خالق العرش العظيم والسماوات

Тошнинг шарқий ўрта катта қисмидаги келтирилган ҳадиси шариф матни хато ёзилган, чунки □Инсонлар қиёмат куни□ деб бошланиб, сўнг Аллоҳнинг исмларини □Ғофур, Раҳим, Ҳалим, Шакур□ деб ёзилиб, бу иккала жумлани тўлдирадиган тўлдирувчилари тушириб қолдирилган.

Аллоҳга ҳамду сано бўлсинким, У зот осмонларни ва улуғ аршни яратувчи ал—Қадим, ал—Аввал, ар—Раҳим, ал—Малик дир.

الا لا دائم النعماء القاهر على الاعداء الرحمن عاطف رزقه معروف بلطفه عادل حكمه في العالم رحيم الرحما  
عليم العلماء بصير البصري غفور الغفرا صاحب الانبيا سبحانه قادر على ما يشاء سبحانه الملك القديم الحمد ذي  
العرش المجيد فعال لما يريد مسبب الاسباب و يا سابق الاسباق و الارباب و رازق الارزاق و خالق الاخلاق  
قادر المقذور و قاهر المقهور و عادل يوم الواقعة و الحشر و النشور و الارضيه وهو السميع العليم قاب التوبة  
شكور حلیم و الحمد لله العظيم هو الاول والاخر و الظاهر و الباطن الفاتح الدائم صاحب العطايا و يا مانع البلايا  
يشفي السقيم و يغفر الخاطئين و يعفوا عن الهانين و يحب الصالحين و النادمين و يستر المذنبين و يوم الخائفين

سبحانك لا اله الا انت

Эй огоҳ бўлгин, Аллоҳ доимо ризқ берувчи, душманга қаҳр қилувчи, ризқ беришга раҳимлидир, латифдир, оламда ҳукми адолатдир, раҳимлилар раҳимлиси, олимлар олими, басирлар басири, кечиримлилар кечиримлиси, пайғамбарлар дўсти, ҳамма нарсага қодир ва ҳоҳлаган нарсасини тезда бажарувчидир.

Эй ризқ берувчи ва тарбият қилувчи ва олий бўлган зот.

Эй қиёмат кунда адолатли бўлган зот. Эй қаҳри чексиз ва барча нарсага қодир бўлган зот. Эй барча махлуқотларни яратувчи зот ва барча нарсаларни билувчи ва эшитувчи зот. У зот тавбаларни қабул қилувчи, Шакур ва Ҳалим зотдир, ҳамд бўлсин Аллоҳга. У зот ал—Аввал, ал—Охир, аз—Зоҳир, ал—Ботин, ал—Фотих, ад—Доим. Эй ризқ берувчи ва эй балолардан даф қилувчи, эй касалларга шифо берувчи, эй хатоларни кечувчи. Эй солиҳларни ва тавба қилувчиларни яхши кўрувчи. Эй гуноҳкорларни кечирувчи зот. Сендан ўзга илоҳ йўқдир.

**Мармар сағананинг жанубий томон пастки синиқ қисми.**



Мармар сағананинг жанубий томон пастки синиқ қисмида яна бир чалкашликка дуч келамиз. Бу ерда келтирилган ҳадис матни бизнинг кўлимиздаги ҳадис китобларида йўқ □Иза тахайртум фил умури фастаиъ.....□иборасидан сўнг ёзув сақланиб қолмаган.

Бу ҳадиснинг тўлиқ матни мармар сағананинг шарқий ва ғарбий томонларида битилган □Иза тахайртум фи – л – умури фастаиъну мин аҳлил қубури□ деб келтирилган, яъни (Қачонки сизлар бир янги иш бошласангиз қабр аҳлидан ёрдам сўранглар) бу маъно бизнинг яъни аҳли сунна эътиқодига тўғри келмайди. Балки, тоштарош баъзи сўзларни ташлаб кетгандир, лекин бу ҳадис уч бор такрор ёзилган. Нима бўлган тақдирда ҳам, биз бу иборани (Қачонки бир янги иш бошласангиз, қабр аҳлини васила килиб Аллоҳдан ёрдам сўранглар) деб тушунишимиз керак.

Ал–Ҳаким ат–Термизий қабри устига ўрнатилган мармар сағана бениҳоя юксак тоштарошлик санъати намунаси ҳисобланади. Бутун Ислом дунёсида у билан тенглашадиган бу каби санъат намунаси йўқ. Бу мармар сағананинг яратилган даврини аксарият мутахассислар (М. Массон, Э. Ртвеладзе, Т. Аннаев, М. Юсупова) бевосита Темурий шаҳзода Халил Султон ҳукмронлиги билан боғлайдилар. Мармар сағанага битилган ёзувларнинг жанубий томони илк бора В. В. Бартольд, кейинчалик А. А. Семенов томонидан ўқилган. Ушбу китоб муаллифларининг бевосита илтимоси асосида Исломшунос М. Чориев томонидан мармар сағанадаги барча ёзувлар илк бора тўлиқ ўрганилиб, нашрга тайёрланди ва бу тадқиқот китобга илова сифатида нашр этилди.

### Хулоса

Ал–Ҳаким ат–Термизий мусулмон дунёсида тасаввуф тариқати тараққиётига улкан улуш қўшган алломалар сирасига тааллуқли буюк зотдир. Аллома яратиб қолдирган диний – маънавий мерос асрлар оша турли давр авлод вакилларини тарбиялашда муҳим қирраларни намоён этиш билан ажралиб туради. Ал–Ҳаким ат–Термизий асарлари нафақат диний илм борасида баҳс юритиб қолмай, балки дунёвий илм соҳасида ҳам ўзига хослик касб этиши эътирофини топган. Ўз замони ва ўз замини авлиёлари сафидан

мустаҳкам мақомга эга бу табаррук зот асарларининг бош ғояси нафсга жиҳод, кибру ҳавога қарши кураш, инсонни қадрлаш, камтарлик, хокисорлик каби юксак эзгуликларни камраб олади. Аллома асарларида барча эзгуликларга илм орқали эришиш шиори устувор тизимга риоя этганлиги билан аҳамияти жиҳатидан беқиёсдир.

Ал-Ҳаким ат-Термизий ҳаёти ва диний – фалсафий меросининг таниқли тадқиқотчилари (Муҳаммад Иброҳим ал – Жуюший, Д. Кныш, У. Уватов ва ҳ.з.) алломанинг буддавийлик, насронийлик ва монийлик таълимотларидан хабардор бўлганлигини таъкидлаганлар. Ал-Ҳаким ат-Термизий асарларининг таҳлили, Термиздаги илк Ислом даври маданий жараён шундан далолат берадики, аллома дунё динлари билан жуда яхши таниш бўлган ва бу анъана унинг иқтидорли шогирдларидан бири Абу Бакр Муҳаммад ибн Умар ал-Варроқ ат-Термизий томонидан давом эттирилган.

Дунё динларидан бири буддавийлик ал-Ҳаким ат-Термизий фаолияти давомида алоҳида ўрин тутган. Буддавийлик илк Ислом арафасида Термизда чуқур илдиз отган ва бу шаҳарнинг аҳоли қатламлари орасида ҳукмрон дин ҳисобланган. Ал-Ҳаким ат-Термизий Исломни Термиз шаҳрининг аҳоли қатламларига батамом сингдириш мақсадида буддавийлик таълимоти ва бу дин билан боғлиқ адабиётларни чуқур ўрганган. Шунингдек, ал-Ҳаким ат-Термизий қомусий олим Абу Райҳон Беруний каби қадимги ҳинд манбалари билан ҳам таниш бўлган. Манбаларда таъкидланишича, аллома ўзининг “Солнома” асарини қадимги ҳинд муаллифларининг

асарларига таяниб яратган. Сўфийлик ва буддавийлик ўртасидаги боғлиқликни аксарият тарихчи ва шарқшунослар эътироф этадилар. Ўз навбатида ал-Ҳаким ат-Термизий асос солган “Ҳакимия” тариқати Мовароуннаҳр ҳудудидаги Ислом тафаккури тарихида сўфийликнинг илк оқими ҳисобланади.

Яқин – яқинларгача ал-Ҳаким ат-Термизий ва бошқа Термизийлар ҳақида гапиришга чўчир эдик. Улар собиқ тузум мафкураси томонидан қаттиқ таъқиқга олинган эди, буюкларнинг мангуликка даҳлдор оромгоҳлари эса харобага айланиб бўлган эди.

Мустақиллик йилларида ва, аynиқса, 2006 йилда Сурхондарё вилоят ҳокимлигининг ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида ал-Ҳаким ат-Термизий мақбарасида кенг кўламда замонавий услубда таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Мақбарани таъмирлаш давомида бу иншоотнинг шаклланиш тарихини, қолаверса, ал-Ҳаким ат-Термизий ҳаёти ва фаолиятини ойдинлаштирувчи талай ашёвий манбалар тўпланди. Юртимизда бошланган ва давом эттириляётган ҳайрли ишларнинг галдаги йўналиши буюк аждодимиз ал-Ҳаким ат-Термизий асарларининг нашр ишларини йўлга қўйишдан иборат бўлмоғи лозим.

Ҳозирда ҳукуратимиз томонидан ал-Ҳаким ат-Термизий мақбара мажмуаси жойлашган маскан қутлуғ зиёратгоҳга, обод гўшага айлантирилди. Бу муборак масканга келувчи зиёратчиларнинг кети узилмайди. Ташриф буюрувчилар ўзларида эзгулик туйғусини туюб, алоҳида ғурур билан ўзларини енгил ҳис этадилар.

Муаллифлар ҳурматли китобхонлардан ва соҳа

тадқиқотчиларидан рисола хусусидаги фикр – мулоҳазаларини ҳамда истақ таклифларини дариғ тутмаслигига умид қилиб қоладилар. Китобхонлар билдирган таклиф, танбеҳ ёки танқид бўлса – да, буни муаллифлар бажонидил қабул қиладилар ва уларга олдиндан ўз миннатдорчиликларини билдирадилар.

Изоҳлар.

Абд – кул.

Абу – ота

Абёт – байтлар, шеър мисралари.

Аброр – яхшилар, яхши кишилар.

Абҳос – баҳслар

Авлиё – валилар.

Авзон – вазнлар.

Авроқ – варақлар.

Авсат – ўрта, ўрталар.

Автод – таянч, қозик.

Авқот – вақтлар.

Адно – паст.

Айн ул – яқийн – кўнгил поклиги, ақлий далилсиз билим.

Аллома – доно, донишманд.

Аллоҳ илми – илоҳиёт, Аллоҳни таниш.

Амвол – моллар, мол – мулк.

Амома – дастор, салла.

Амсол – масаллар.

Антиохия Тармитаси – Салавкнинг ўғли Антиох (ҳукмронлиги 280 – 262) томонидан қайта тикланган шаҳар. Фаразларга кўра бу қадимги Термиз.

Анфос – нафаслар.

Арвоҳ – руҳлар.

Арзоқ – ризқлар.

Арк – қалъа.

Аркон – рукнлар.

Арш – фалак чўққиси, Худо таhti.

Асбоб – сабаб.

Асном – санамлар.

Аълам – билимдон, шариат қонунлари билимдони.

Ағёр – рақиблар, бегоналар.

Ағниё – бойлар, ғаним.

Ағроз – ғаразлар.

Ақрон – тенгдошлар.

Ақсом – қисмлар.

Аҳком – фармонлар, қонунлар, ҳукмнинг кўплиги.

Аҳл ас – сунна – Пайғамбар йўлида собит кишилар.

Аҳли яқин – художўйлар.

Аҳли ҳол – сўфийлар.

Бадвв (Будувв) – бошланиш, ибтидо.

Байн – ўрта.

Байтул ҳиром – Каъба, Худонинг уйи. Байтуллоҳ ҳам дейилади.

Балад – шаҳар.

Балоғат – камолот.

Бароат – гуноҳдан покланиш.

Барот – озодлик хати: ҳижрий қамарий йилнинг саккизинчи оyi.

Бақтр – Балхнинг қадимги номи.

Ботиний – ички, ички маъно.

Боқий – устивор, собит, мустаҳкам.

Бараҳман – ҳинд тилида олим, доно.

Буддавийлик – милoddан аввалги V асрда Ҳиндистонда шаклланган қадимги дин.

Бут – тош ҳайкал, санам, маъшук.

Валад – ўғил.

Вали – дўст, азиз, эга, соҳиб, кўплиги авлиё.

Валоят – фармон берувчилар: валийлик.

Возец – аниқ, равшан.

Вацй – Худо томонидан пайғамбарларга юборилган йъриқ ва илцрм.

Вацшат – танцр яшаш.

Вокиф – хабардор.

Габр – оташпараст.

Гирих – мураккаб ҳандасафий (геометрик) нақш; тугун, чигал.

Гумбаз – осмон, фалак: бинонинг тепа, қубба қисми.

Дацрий – худосиз, шаккок, мушрик.

Дуо – Худога илтижо, тилак.

Дурахшон – порлок.

Дурри ятим – йирик дур, ягона дур.

Дхармамитра – тармиталик будда илоциётчиси.

Евкратидия – янги маълумотларга кўра Кундуздарёнинг Амударёга қуйилишида жойлашган Ойхоним ўрнидаги шаҳар номи.

Ж авонмардлик – саҳоватпеша, мард инсон, қъли очиқ.

Ж азба – саъй – цдракат.

Ж аноза – мурда; тобут.

Ж ицрд – кураш, жанг.

Ж овид – абадий, доимий.

Ж оцил – нодон.

Завж – эркак, жуфт.

Завжа – аёл, хотин, рафиқа.

Зикр – сўзлаш, эслаш, тилга олиш.

Зишт – хунук, дағал.

Зоҳид – парҳезкор, молу мулкка рағбати йўқ киши.

Зуцд – тақво, зоцид, порсолик.

Зушур – пайдо бўлиш.

Иймон – эътиқод, ақида.

Илап – сабаб, боис: касал (иллат).

Илоҳиёт – Аллоҳ илми, Худо тўғрисидаги таълимот.

Илми ботин – ички билим, сирли билим.

Илми зоҳир – ташқи илм, маълум илмлар.

Илм ул – яқин – ёқиб ьрганиш ва ақлий далилларга таяниб эришилган илм.

Имом – Ҳазрат Али авлодлари; пешво, намозни бошқарувчи.

Ислимий – нақшинкор сурат.

Иснод – далил, асос, хужжат.

Исор – бошқанинг фойдасини ьвиникидан афзал билиш.

Иқдом – қадамлар.

Иқтидо – эргашувчи, эргашмоқ.

Кофир – динсиз, инкор этувчи.

Куня – отани тўнғич фарзанд номи ила аташ, яъни Абу Али (Алининг отаси), натижада асл исм унутилиб куня исмга айланиб кетган.

Куфий – Куфа шаҳри номи билан боғлиқ илк ва қадимий араб ёзуви тури.

Кҳарошти – қадимги ҳинд ёзуви.

Кўшк – қадимги иморат тури.

Лайл – кеча.

Лаҳжа – ифода; шева; овоз.

Лисон – тил, забон.

Лож арам – илож сиз.

Ломакон – йық макон, маконсиз.

Маждид – шурматли.

Маждуб – Худо йыгида эс – шушидан ажраш.

Маждус – офтобпараст.

Маждуб – шариат йыналишлари.

Макнун – яширин, пинцун.

Маломатийлар – X – XI асрлардаги тариқат, сьфийлик йыги, бу тариқат номи маломат сьвидан олинган.

Манозил – манзиллар.

Мамдуц – мақталувчи.

Марзбон – чегара цркими.

Мароқанд – Самарқанднинг қадимий номи, Афросиёб ёдгорлиги ўрнида мавжуд бўлган.

Марғиёна – Мурғоб дарёси ҳавзасидаги қадимий ўлка.

Маърифат – маориф, яъни илмлар ва донолар.

Масоил – масалалар.

Маъбуд – Худо.

Маъруф – таниқли.

Маънавият – инсоннинг ички олами.

Маърифат – инсон ёвлигини англаши.

Машойихи кибор – улуг шайх.

Мақбара – қабр атрофида қурилган бино.

Мащар – қиёмат куни кишилар тьпланадиган жой.

- Менг – маҳаллий лаҳжада тўртламчи геологик қатлам.
- Милод – туғилиш, туғилган кун.
- Минцрж – тўғри йўл.
- Мистик – тақводор.
- Мовароуннаҳр – Амударёнинг нариги соҳилидаги ўлка.
- Муаззин – азон айтувчи.
- Муаррих – тарихчи.
- Мумтоз – сараланган, сайлаб олинган.
- Мунаввар – нур, нурлар.
- Мурид – илм истовчи: издош, шогирд.
- Муршид – раҳнамо, раҳбар.
- Мунассац – насицатчи.
- Мутавалий – вақф дароматини тақсимловчи диний амалдор.
- Мутафаккир – тафаккур, фикр.
- Муътазалий – ажралиб чиққан, узоқлашган.
- Муфассир – тафсирчи, шарҳ ва изоҳ битувчи.
- Мухтасар – қисқа, ихчам.
- Мушоҳида – кўз билан кўриш.
- Муҳаддис – ҳадисшунос, Пайғамбар ҳадисларини тўпловчи.
- Муцаққиқ – цақиқат изловчи.
- Муцрсиб – щисобчи.
- Муцтасиб – шариат зид ишларни текширувчи.
- Наводир – нодир, ноёб.
- Назоир – ёрдамчи, воизлар ёрдамчиси.
- Насц – араб хат турларидан бири.
- Нақб – бошлиқ.

Нащаж – йъриқ, йъриқнома.

Нубувват – пайғамбарлик, элчилик.

Нумизматика – тангашунослик.

Окс – Амударёнинг юнонча номи.

Окс Искандарияси – Македониялик Искандар асос солган шаҳарлардан бири.

Окус (Укъв) – Амударёнинг қадимий туркий атамаси.

Ориф – доно, худони танувчи.

Оят – илоций мьъжиза.

Порсо – тарки дунё қилган шахс.

Рабод – шацар ташқариси.

Рабеъ (Раба) – бацр фасли.

Равза – боғ, чаман, гулистон.

Ракъат – намоз қисмлари; намоз царакатлари, яъни: иқома – тик туриш; рукуъ – букилиш; сажда – бошни ерга – қъйиш; қаъада – тиз чъкиш.

Риёзат – нафсга қарши ранж чекиш.

Рофиза – рофизий, воз кечиш; инкор этиш.

Савм – рьва.

Савоб – тьърилик.

Сайид – Муҳаммад алайҳиссалом авлодлари; хушбахт.

Салаф – ьгмишдош.

Салват – беғамлик, тасалли.

Салот – намоз.

Салоц – яхшилиқ, ободлик.

Сано – мақтов.

Сарват – бойлик.

Сағана – шахснинг хотирасини абадийлаштириш учун қабр устида ўрнатилган меъморий ёдгорлик.

Сацв – хатони англаш.

Сащиц – энг тўғри.

Сидқ – ростгўйлик

Сийрат – шислат.

Сирот ал – мустақим – тўғри йўл.

Сиркори коса – сир юритиб ясалган идиш.

Сифат – ашволни баён қилиш; мақталувчининг шислати.

Сифот – хусусиятлар.

Соҳибқирон – бахтга эришган; жаҳонгир; икки сайёранинг бир – бирига тўғри келиши.

Султон ал – Машриқ – шарқ султони.

Суннат – йўл, одат.

Суфа – бинонинг таркибий қисми.

Сўфийлик – тасаввуф йўли.

Сўфийшунос – тасаввуф илми билимдони, донишманди.

Сўғд – Зарафшон ва Қашқадарё воҳасидаги қадимий ўлка.

Тавҳид – Худо ягоналигига иймон; Худо васлига мушарраф бўлмоқ.

Та – ми – Термизнинг Хитой манбаларидаги номи.

Таж алли – жилваланиш; Худо шуъласи.

Тармита, Тармит – Термизнинг қадимий номи.

Тариқат – йўл, дин йўли, тўғри йўл.

Тасаввуф – тақво, сафо, вафо, фано; ўзаги суф.

Тасниф – тур ва турларга ажратиш.

Тафсир – шарҳ, изоҳ.

Тақво – парҳезкор, ман этилган нарсалардан сақланиш.

Термизшоҳлар – милодий V асрдан бошлаб Термизни идора этган сулола.

Темир дарвоза – Бақтрия ва Сўғд ўлкалари ўртасидаги чегара истеҳкоми.

Тоҳаристон – Бақтриянинг милодий 383 йилдан бошлаб номи.

Трансоксиания – Амударё ва Сирдарё оралиғи ҳудудларининг қадимги юнонча номи.

Турон – Ўрта Осиёнинг қадимги номи.

Узлат – ёлғизлик, жамоадан четланиш.

Уламо – донолар.

Уммат – бир пайғамбарга эргашувчилар.

Унвон – сарлавца.

Унс – дўст бўлмоқ.

Фано – йўқлик, Худо йўлида бўликдан кечиш; дунё, олам; Илоҳқа сингиш.

Фард – яққа, ёлғиз, танцр.

Фатво – шариат ҳукми.

Фақиҳ – дин аҳкомида доно, олим.

Фитр – рывада оғиз очиш.

Фикҳ – фаҳм, илм, шариат илми.

Фотица – иш боши, Қуръоннинг илк сураси.

Фурқон – ҳақиқат ва кўҳнадан фарқлаш, Қуръони каримнинг илк номи.

Футувват – саховат, қарам.

Фуъод – дил дарди.

Халифа – ьринбосар.

Хатиб – хутбани ықувчи.

Хатм – тугаллаш; муцр босиш.

Хутба – хатибнинг съви.

Хожа – Чориёрлар авлоди.

Хонақоҳ – дарвешлар қўналғаси ёки дарвешлар зикр тушадиган жой.

Хуросон – Афғонистон, Жанубий Туркманистон, Шарқий Эрон ҳудудларида мавжуд бўлган тарихий ўлка.

Шайх – улуг инсон, йўл бошловчи.

Шавқ – аллоҳқа бўлган ишқ – муцаббат; қалб хурсандчилиги.

Шамоил – шакл, сурат; шулқ, феъл атвор.

Шариат – мусулмон бандалари ибодат ва муомала учун Худо томонидан белгиланган йўл; суннат ва мазҳаб.

Шариф – қадрли, азиз.

Шаън – иш, ашвол.

Эцсон – яхшилик қилмоқ.

Яздон – Худо.

Ятимот – гавцар; ягона, беқийёс.

Яқийн – шубхасиз, бегумон.

Қибла – намоз вақти Каъбага юз тутиш.

Қиблагоҳ – йўналиш, ота, ҳомий, саждагоҳ.

Қози – шаръий ҳоким, хожа ат чиқарувчи, додгоҳ.

Қуддуса – ыга пок; Хақ таолонинг номларидан бири.

Қулуб – қалблар.

Қурбат (қурб) – яқинлин; кыплиги ақрабо.

Қуръон – мусулмонларнинг осмоний китоби, 114 сурадан иборат.

Қутб – тасаввуфда энг олий даражага эришган Валий; комил инсон.

Қўрғон – атрофи баланд деворли ва дарвозали иморат.

Ҳадис – сўз, хабар, Пайғамбарнинг айтганлари.

Ҳаж – Каъба зиёратига бориш.

Ҳаким – доно, донишманд.

Ҳамд – олқиш, мақтов.

Ҳанафия – Абу Ҳанифа ан-Нуъмон (699 – 767) асос солган суннийликдаги диний – шуқуқий мазҳаб.

Ҳақ – рост, тўғри.

Ҳақоиқ – шижрий мусулмонларнинг йил шисоби. Муҳаммад с.а.в. нинг Маккадан Мадинага кўчиши билан бошланади.

Ҳикмат – илм, фалсафа.

Ҳофиз – Қуръонхон.

Ҳужра – хона.

Ҳуруфийлик – араб ҳарфлари сирли мазмунга эга таълимот.

### Адабиётлар рўйхати

1. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Тошкент: Шарқ, 1998.
2. Каримов И. А. Оллоҳ – қалбимизда, юрагимизда. – Тошкент:

Ўзбекистон, 1999.

3. Каримов И. А. Ж айхун соҳилидаги боқий шаҳар //Ma'rifat. 2002 йил, 3 апрель.
4. Абдуллаев Р. Ал–Ҳаким ат–Термизий неча йил умр кўрган// Ж айхун. Термиз ДУ хабарлари. – 2006. №2.
5. Абдуғани Абдулло. Ал–Ҳаким ат–Термизий //Совет шарқи мусулмонлари. 1990, №4.
6. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Ҳаким ат–Термизий. Манозил ул–Ибод мин ал–Ибода./Арабчадан таржима. А. Шоший. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2003.
7. Ал–Ҳаким ат–Термизий. Ҳадислар. “Наводир ал–усул” асари асосида (араб тилидан таржима)/Нашрга тайёрловчи: И. Усмонов. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2006.
8. Ал–Ҳаким ат–Термизий ва унинг даври. Ҳалқаро илмий конференция маъруза матнлари. – Термиз: Термиз Давлат университети нашри, 2004.
9. Аннаев Т. Ал–Ҳаким ат–Термизий. – Тошкент: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1998.
10. Аршавская З. А, Ртвеладзе Э. В, Хакимов З. А. Средневековые памятники Сурхандарьи. – Ташкент: Издательство литературы и искусства имени Г. Гуляма, 1982.
11. Бартольд В. В. Термиз. Соч. Т. III. – Москва: Наука, 1965.
12. Бобохонов Ш, Ирисов А. Ҳадис илми пешволари. – Тошкент: Нур, 1992.
13. Бозор Илёс. Нақшбанднинг термизлик устози //Тафаккур. – 1997. – №1.

14. Жалолиддин Мирзо. Термиз тарихи. — Тошкент: Шарқ, 2001.
15. Жомий Абдурахмон. Осор. Иборат аз ҳашт жилд. Жилди хаштум. — Душанбе: Адиб, 1990.
16. Зарринқуб Абулхусайн. Жустижӯ дар тасаввуфи Эрон. — Душанбе: Ирфон, 1992.
17. Иброҳим Худоёр. Ишқ Жайхунининг йўлдоши (ал-Ҳаким ат-Термизийнинг "Хатм ул-авлиё" асари) // Гулистон. — 2005. — №5.
18. Кныш Д. А. Ат-Тирмизӣ, ал-Ҳаким Абу Абдуллаҳ Мухаммад бин Али. // Ислам. Энциклопедический словарь. — Москва: Наука, 1991.
19. Кныш Д. А. Ал-Ҳаким ат-Тирмизӣ // Ислам на территории бывшей Российской империи. Вып. I. Издательская фирма Восточная литература. — Москва: 1998.
20. Кочнев Б.Д. VIII аср — XIII аср бошларида Термизнинг сиёсий тарихи // Термиз буюк йўллар чорраҳасидаги кўҳна ва янги шаҳар. — Тошкент: Шарқ, 2001.
21. Массон М. Е. Надписи на штукке из архитектурного ансамбля у мавзолея Хаким-и Термизи // Археология Средней Азии. V, Ташкент, 1960.
22. Махмуд ибн Вали. Море тайн. Введение, перевод и примечание Б. Ахмедова. — Ташкент: Фан, 1977.
23. Мирзо Кенжабек. Термиз тазкираси. — Тошкент: Ўзбекистон Миллий қомуси, 2001.
24. Муртазоев Б. Аннаев Т. Термизий алломалар. // Сурхон тонги. 2002, 13, 30 март.
25. Муртазоев Б. Ал-Ҳаким ат-Термизий илм зикрида // Термиз

- Давлат университети илмий тўплами. – Тошкент, 2003.
26. Муртазоев Б. Ҳаким Термизийнинг таваллуди ва вафоти саналари баҳсига доир. //“Ал–Ҳаким ат–Термизий ва унинг даври” мавзуидаги Халқаро илмий конференция маъруза матнлари баёни. Термиз Давлат университети нашри. Термиз, 2004.
27. Муртазоев Б. Алишер Навоий Термизийлар ҳақида. //Термиз Давлат университети илмий тўплами. – Тошкент: Университет, 1999.
28. Муртазоев Б. Алишер Навоий Термизий алломалар зикрида. //Навоийга армуғон (Бешинчи китоб). Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети илмий тўплами – 2006.
29. Навоий Алишер. Насойим ул–муҳаббат. – Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Ўн еттинчи том. – Тошкент: Фан, 2001.
30. Наврўз ва табиат сирлари. /Тузувчи ва нашрга тайёрловчилар М. Ҳасаний, Ғ. Ж ўраева. – Тошкент: Меҳнат, 1991.
31. Нурбахш Ж авод. Пирони Балх. – Техрон: Ялдо қалам, 1379.
32. Омонтурдиев Ж. Ал–Ҳаким ат–Термизий таълимоти. – Тошкент: Университет, 2000.
33. Пидаев Ш. Р. Тармита–Термиз 1220 йилгача: шаҳарнинг келиб чиқиши ва тадрижий тараққиёти. //Термиз – буюк йўллар чорраҳасидаги кўҳна ва янги шаҳар. – Тошкент: Шарқ, 2001.
34. Роузентал Ф. Торжество знания. Концепция знания в средневековом исламе. – Москва: Наука, 1978.
35. Ртвеладзе Э. В. Термиз ва унинг Ўрта Осиёдаги аҳамияти. // Термиз – буюк йўллар чорраҳасидаги кўҳна ва янги шаҳар. –

Тошкент: Шарқ, 2001.

36. Рушдий Муҳаммад Сиддиқ. Авлиёлар султони. Туронлик валийлар. /Нашрга тайёрловчи, сўз боши ва изоҳ муаллифи Икромиддин Остонақул ўғли Оққўрғоний. – Тошкент: Камалак, 1995.

37. Уватов У. Ал–Ҳаким ат–Термизий. Тошкент, Меҳнат, 2001.

38. Уватов У. Термизнинг улуг одамлари. //Термиз – буюк йўллар чорраҳасидаги кўҳна ва янги шаҳар. – Тошкент: Шарқ, 2001.

39. Уватов У. Икки буюк донишманд. – Тошкент: Шарқ, 2005.

40. Хмельницкий С. Г. Между арабами и тюрками. – Берлин – Рига, 1992.

41. Чориев З, Аннаев Ж, Аннаев Т. Ал–Ҳаким ат –Термизий таваллуди ва ҳаёти саналарига доир// Ж айхун. Термиз Давлат университети хабарномаси. – 2006.№3 – 4.

42. Чориев З, Шайдуллаев Ш, Аннаев Т. Ўзбекистон худудида ёзувнинг пайдо бўлиши ва тараққиёти. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2007.

43. Arberry A. J. Notes on al Tirmidhi. //Manuscript, Rivista (RSO) XVIII. (1940). –p. 315-327.

44. Barakat Abd al-Fattah: al-Hakim al-Tirmidhi wa nazariyytuhu fil-wilaya. Kairo. 1971.

45. Der Mystiker al-Hakim al-Tirmidhi. /Der Islam. Zeitschrift für Geschichte und Kultur des Islamischen Orients. Bands 57. Heft 2. 1980. –s. 236 -244.

46. Bernd Radtke. Al-Hakim al-Tirmidhi ein Islamischer Theosoph des 3/9 Jahrhunderts. Freiburg. 1980.

47. Bernd Radtke. Theologen und Mystiker in Hurasan und Transoxanien.

Zeitschrift der Deutschen Morgenlandischen Gesellschaft. 136. Stuttgart, 1986. –s. 537-569-

48. Bernd Radtke. Drei Schriften des Theosophen von Tirmidh. Das Buch vom Leben des Gottesfreundes. Ein Antwortshreiben nach Sarahsi. Ein Antwortshreiben nach Rayy. Stuttgart–Beirut. 1992.

49. Gobillot G. La pencee d'al-Hakim al -Tirmidhi. Aby Muhammad ibn 'Ali, m. 318/930 ou "De la profondeur de choses". Thesis. Lyons. 1989.

50. Marquet Yves: al -Hakim al -Tirmidhi et le neoplatinisme de son temps. Dakar. 1976.

51. Marquet Yves. al - Tirmidhi. /The encyclopaedia of Islam. Leiden: Brill, 1999. –p. 544 –546.

52. Massignon L. al - Tirmidhi. /Enzyclopaedie des Islam. Leiden –Leipzig. 1930. –s. 853.

53. Murad Hasan Q. The life and works of al -Hakim al -Tirmidhi. //Hamdard Islamicus. 2.1. 1979.

54. al-Geyushi M. I. Al -Hakim al -Tirmidhi. His works and thoughts. // The Islamic Quaterly. XIV. 1970. –p. 159–201.

55. al-Geyushi M. I.. Al -Tirmidhi's theory on saints and sainthood. //The Islamic Quaterly. XV. 1971. –p. 17–61.

56. al-Geyushi M. I.. Al -Tirmidhi's theory of gnosis. // The Islamic Quaterly. XV. 1971. –p. 164–188.

57. al-Geyushi M. I.. Al -Tirmidhi's conception of the areas of interiority. //The Islamic Quaterly. XVI. 1972. –p. 168–188.

58. al-Geyushi M. I. The influence of Tirmidhi' on Soufi thought. //The Islamic Quaterly. XX. 1978. –p. 103–138.

59. Nicolas Heer L. Some biographical and bibliographical notes on al-Hakim al-Tirmidhi. The world of Islam. Studies in honour of Philip K. Hitti. London. 1959. –p. 121 –134.
60. Pidaev Sh, Kato Kuydzo. New Finds of Uzbek Archaeology. Printed in Japan. 2002.
61. Othman Yahya. L'oeuvre de Tirmidhi. Melanges lous Massignon, vol.3. Damascus, 1957. –p. 11-50.
62. Hamid Tahir Fu'ad. La structure logique de l'oeuvre Tirmidhi. Unpubl. Thesis. Paris. 1980.
63. Husayni 'Abd al-Muhsin: al-Ma'rifa'inda al – Hakim al-Tirmidhi. Kairo. 1967.

